

# СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 6 (1382) • 2021 йил 9 февраль

ISSN 2010-524X

## УШБУ СОНДА

МҲХСни жорий этишда ишни нимадан бошлаш керак

2-3-бетлар

Дивидендлар ортиқча тўланган. Нима қилайлик?

4-бет

Кўчмас мулк кадастр, баланс ёки бозор қийматида сотилганда солиқ оқибатлари

5-бет

Ходим ва ходим бўлмаган шахсга моддий наф тарзидаги даромад берилганда

6-бет

Балансда ноль қолдиқ қийматидаги бино бор. Мол-мулк солиғи қандай тўланади?

13-бет

Февраль. Солиқ тўловчининг тақвими

14-15-бетлар

Онлайн-НКМдан фойдаланганда кириш ва чиқим касса ордерлари, касса дафтари расмийлаштириш шартми?

15-бет

## ҲАР ЙИЛИ

### «НАВОИЙХОНЛИК КУНЛАРИ» ЎТКАЗИЛАДИ

Президентнинг 4.02.2021 йилдаги ПҚ-4977-сон қарори билан Фанлар академияси, Маданият вазирлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фанлар академияси муассислигида Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

Куйидагилар Фонднинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- Алишер Навоий ҳаёти, юксак инсонпарварлик ғоялари ва илмий-адабий меросини юртимизда ва халқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш;
- Алишер Навоий асарларини хорижий тилларга таржима қилиш, му-

каммал илмий нашрларини яратиш, уларни республикада ва чет элларда нашр этиш;

• Алишер Навоийнинг илмий-адабий меросини тадқиқ этаётган адиб ва олимлар фаолиятига қўмаклашиш, улар яратган илмий ва бадий асарларни жамлаш, шоир ижодини ўрнаётган, жумладан хорижий давлатлардаги илмий-ижодий марказлар билан ҳамкорлик қилиш;

• ҳар йили Алишер Навоий туғилган сана – 9 февраль куни халқаро конференция (симпозиум) ва «Навоийхонлик кунлари»ни ташкил этиш ва ўтказиш.

Шунингдек ҳужжат билан куйидагилар белгиланди:

- ✓ Фонд Васийлик кенгашининг таркиби ва унинг ваколатлари;
- ✓ Фонднинг тузилмаси;

## ✓ ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР



✓ Фонд маблағларини шакллантириш манбалари.

Фонд Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, академик Яхё Ғуломов кўчаси, 70-уй манзилида жойлаштирилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 4.02.2021 йилдан кучга кирди.

Эльмира СИРАЗИЕВА.

## ✓ НОРМАТИВ ЛОЙИХАЛАР

### СУҒОРИШДА СУВ ТЕЖАЛГАНЛИГИ УЧУН СУБСИДИЯ

Молия вазирлиги томонидан «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисmini қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ВМ қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ҳужжат ўзгартиришлар киритилмасдан қабул қилинадиган бўлса, пахта, донли экинлар, сабзавот экинлари ва картошка, полиз экинлари ва озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликларни етиштирадиган ҳамда сувни тежайдиган технологияларни жорий этган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига 2021 йил 1 январдан бошлаб субсидиялар берилди.

Мевали экинлар ва узум учун 2019 йилда ва ундан кейинги йилларда ташкил этилган янги интенсив боғ ва тоқзорларда сувни тежайдиган технологиялар бўйича харажатларга субсидиялар ажратилади.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар бир марта – сувни тежайдиган технологиялардан камида 5 йил фойдаланилганда берилди.

Бунинг учун талабгорлар сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича 2021 йилда 1 мартга қадар (келгуси йилдан бошлаб ҳар календарь йилининг 1 ноябрга қадар) туман (шаҳар) ишчи комиссиясига ёзма шаклда ариза билан мурожаат қилади. Ариза талабгорнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, солиқ тўловчининг идентификация рақами, жойлашган жойи (почта манзили), фаолият амалга ошириладиган жойи, хизмат кўрсатувчи банк бўлиниши номи ва банк ҳисобвара-

ғи, ер майдони, балл бонитети, экин тури, сув олиш манбаи, жорий қилинадиган суғориш технологияси тури, боғланиш учун маълумотлар (телефон рақами, электрон почта манзили) кўрсатилади. Талабгорни келгуси йилда манзилли дастурга киритиш тўғрисидаги қарор 3 иш куни ичида қабул қилинади.

Иккинчи босқичда – манзилли дастурга кирган талабгорлар субсидия ажратилиши учун ҳар календарь йилнинг 15 июлига қадар ариза билан ёзма шаклда мурожаат қилади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- сувни тежайдиган суғориш технологиясини қуриш бўйича пудрат ташкилоти билан тузилган шартнома нусхаси (агар сувни тежайдиган технологияни ўз кучи ва имкониятлари орқали қуриш бўлса, бошқа тегишли ҳужжатлар тақдим этилади);
- сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича яқунланган ишларни фойдаланишга қабул қилиш комиссиясининг далолатномаси нусхаси;
- амалга оширилган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаси.

Комиссия мурожаатни келиб тушган кундан эътиборан 10 кун ичида қўриб чиқади. Лойиҳа муҳокамасида 12 февралга қадар иштирок этиш мумкин.

Давлат божхона қўмитаси томонидан божхона божларини йиғиш тизимини такомиллаштириш мақсадида тегишли ВМнинг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Божхона тўловлари тўланишини таъминловчи ваколатли шахслар реестрини юритиш тўғрисидаги низом қабул қилинганидан кейин 3 ой муддатда божхона тўловлари тўланишини реал вақт режимида таъминлашни қузатиб бориш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилади. Реестрга банклар, кредит ва суғурта ташкилотлари киритилади (рўйхат ДБҚ сайтыда жойлаштирилади).

### БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМ ОРҚАЛИ НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИ

Реестрга киритиш учун эркин шаклдаги ариза тақдим этилиши лозим. Ариза 10 кун муддатда, қўшимча ўрганишлар талаб этилганда эса 15 кун муддатда божхона органлари томонидан қўриб чиқилади. Аризани қўриб чиқиш учун тўлов ундирилмайди.

Реестрга киритиш учун ўрганиб чиқиладиган асосий мезонлар қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) тўланмаган божхона тўловлари бўйича қарздорлик мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги;
- 2) солиқ органлари олдида қарздорлиги мавжуд эмаслиги;
- 3) банклар, кредит ва суғурта ташкилотларига қўйиладиган талабларга мувофиқлиги.

Реестрга киритилгандан сўнг иштирокчи ва божхона органлари ўртасида битим тузилади, ўзаро ҳамкорлик эса реал вақт режимида электрон маълумотлар алмашиш орқали амалга оширилади.

Лойиҳада ваколатли шахсларнинг ҳуқуқлари, Реестрдан чиқариш шартлари ва бошқа жиҳатлар баён этилган.

Муҳокамада 11 февралга қадар иштирок этиш мумкин.

# МҲХСни ЖОРИЙ ЭТИШ ФАҚАТ

Корхонада МҲХС жорий этилганда ишни нимадан бошлаш керак ва қандай муаммоларга муқаррар равишда дуч келинади? Ушбу ва бошқа саволларга Ўзбекистон бухгалтерлар Федерацияси бошқаруви раисининг ўринбосари, бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш соҳасида 20 йилдан ортиқ тажрибага эга амалиётчи Оксана ОГНЕВЧУК (CIPA, DipIFR) жавоб берди.

– Қандай ташкилотлар ҳозирнинг ўзида МҲХСни жорий этишлари зарур?

– Президентнинг 24.02.2020 йилдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қароридан акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлашлари кераклиги айtilган. Давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат корхоналари эса МҲХСга Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан ҳар йили тасдиқланиши ва ўзининг [davaktiv.uz](http://davaktiv.uz) сайтида эълон қилиниши керак бўлган жадвал асосида ўтади. Дарвоқе, 2021 йил учун давлат улуши бўлган корхоналарнинг бундай рўйхати у ерда эълон қилинган.

Бундан ташқари, ПҚ-4611-сон қарорда бухгалтерия хизматлари штабини халқаро дастурлар бўйича сертификатланган мутахассислар билан таъминлаш зарурлиги тўғрисидаги талаб келтирилган. Шу билан бирга камида бундай дастурлар доирасида «МҲХС бўйича молиявий ҳисобот» фанини муваффақиятли топширган бўлиш керак.

– Кўп компаниялар ўтган йили МҲХСга ўтишга тайёргарлик кўришга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар қаторида ўз бухгалтерларини ўқишга юборишди. Бироқ бундай курселарни тугатган мутахассисларнинг сўзларига кўра, ташкилотда МҲХСни жорий этишни мустақил равишда ташкил этиш учун бу етарли эмас экан...

– Бухгалтерларни фақат ўқув курсларига юбориш билангина МҲХСни жорий этишдек комплекс лойиҳани ҳар бир корхона учун амалга ошириб бўлмайди. Бу, аслида, бухгалтериянинг вазифаси ҳам эмас. Бухгалтерда, хатто бош бухгалтерда бундай

вазифани ҳал қилиш учун маъмурий ресурс етишмаслиги мумкин.


Ҳисоботни МҲХС асосида тузиш – бу бухгалтерия ҳисобини юритиш ўрнига киритилаётган фаолият эмас, балки унга қўшимча фаолиятдир. Бу энг юқори малака ва тарқали даражадаги билим ва кўникмаларни талаб қиладиган профессионал хизматларнинг ихтисослашган соҳасидир.

МҲХС асосида ҳисобот берувчи корхоналарда, одатда, махсус бўлимлар – бухгалтерия ҳисобида акс этириладиган хўжалик операциялари ва иктисодий ҳодисалар тўғрисида ахборот йиғиш қисмида бухгалтерия учун ўзига хос «буйрутмачилар» бўлади. Бундай бўлимлар ходимлари пировадида ҳисоботга киритиш учун барча зарур нарсаларни тўплаш мумкин бўлиши учун маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш қоидаларини ўрнатадилар. Ҳисоб сиёсатига киритилган барча ушбу қоида ва талаблар ҳисоб методологиясини ташкил этади.

Бирок сертификатлаш дастурларида иштираётган этиш, шубҳасизки, малакани оширади. Бинобарин, биргина фан билан чекланиб қолиш тўғри эмас. Сертификатлаш дастурларига киритилган барча йўналишлар бўйича билим олиш замонавий бухгалтерлик касбида юқори сифат ила мустақил ишлаш учун ўта зарур.

«МҲХСни жорий этиш» лойиҳасига келсак, уни фақат энг юқори даражадаги раҳбарлар бошқарган тақдирдагина у муваффақиятли бўлиши мумкин. Ёки асосий манфаат олувчилар сифатида мулкдорлар бошқарганда ҳам муваффақиятга эришса бўлади.

Корхонада МҲХСни яхлит лойиҳа сифатида ташкил этган маъқул. Бунда бюджет, график, тараккий этиш ва вазифалар бажарилишини назорат қилиш, мувофиқлаштириш зарур бўлади. Мувофиқлаштириш, фикримча, муҳим жиҳат. Бир вақтнинг ўзида куйидаги бир нечта параллель, бир-биринга боғлиқ жараёнларни қўллаб-қувватлашга тўғри келади:



• МҲХС бўлимини ташкил этиш (ҳодимларни излаш, ёллаш, ўқитиш);

• методологияларни тайёрлаш (ташкilotнинг ишлаб чиқариш ва ҳисоб юритиш жараёнларини ўрганиш; МҲХС-ҳисоботда ахборотни ёритиб беришнинг тармоқ амалиётининг таҳлили; ҳисоб сиёсати, счётлар режасини яратиш; аналитика, норматив-маълумотнома ахборотни таҳлил қилиш, шу жумладан, бошқарувчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда; ҳисобот ва ёритиб бериш шакллари шаблонларини ишлаб чиқиш; консолидация периметрини аниқлаш; трансформация ва консолидация тузатишларини лойиҳалаштириш ва х.к.);

• адолатли қийматни алоҳида стандартлар талабларига мувофиқ баҳолаш;

• бухгалтерлик дастурини интегратор билан сошлаш, ҳисоботни шакллантириш бўйича IT-қарорларни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш (эҳтимол, қўшимча дастурий таъминот, лицензиялар сотиб олишга, IT-инфрақурилишни такомиллаштиришга тўғри келар);

• инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш;

• ақтуар баҳолаш.

Шунингдек, аудиторни жалб қилиш ҳам зарур, у рисоладагидек бўлиши учун бу ишларни бир вақтда амалга оширган маъқул. Сабаби тизимда сошлаш зарур бўлган ҳисобот ва ёритиб беришнинг шакллари лойиҳаларини, шунингдек ҳисобга ёндашувларни танлашда раҳбарият-

нинг мулоҳазаларини аудитор билан келишишга тўғри келади. Ва буларнинг барчасини жаҳонда тарқиб топган тармоққа оид тажрибани ҳисобга олган ҳолда қилиш лозим.

– МҲХСга ўтиш учун ресурслар каердан олинади? Улар мавжуд бўлмаганда нима қилинади?

– Буниг учун маблағ керак бўлади. Лекин бу харажатлар инвестициявий ва бошқарув қарорлари тушунарли ва сифатсиз ахборот асосида қабул қилиниши натижасида ресурсларни ёмон бошқариш сабабли юзага келган йўқотишлар билан солиштирганда унчалик катта харажат ҳисобланмайди.

МҲХС асосида ҳисобот, энг аввало, мулкдор учун зарур. У МҲХС асосида ҳисобот билан бирга қуйидагиларга эга бўлади:

1) у маблағ киритган компаниянинг ривожланиш истикболларини тушуниш ва таъминлаш имконияти;

2) қуйидагилар ҳисобига самарасиз харажатларни, молиялаштириш харажатларини қисқартириш:

• жараёнлар, шу жумладан молиявий жараёнларнинг бошқарувчанлиги ошиши;

• кредитлашда фоиз ставкасини аниқлашда мажбурий ҳисобга олинган ахборот хатари даражасини пайсатириш. МҲХС асосида ҳисобот кредиторларга ҳам тақдим этилган молиялаштиришнинг қайтарилиши истикболини яхши тушунишга ёрдам беради;

## УШБУ СОНДА:

### • ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Ҳар йили «Навоийхонлик кунлари» ўтказилади **1-бет**

### • НОРМАТИВ ЛОЙИҲАЛАР

– Суғоришда сув тежалланлиги учун субсидия

– Божжона тўловлари автоматлаштирилган тизим орқали назорат қилинади **1-бет**

### • МУТАХАССИС ТУШУНТИРАДИ

– МҲХСни жорий этиш фақат бухгалтерларнинг вазифаси эмас **2-3-бетлар**

### • ЛОЙИҲА

– ДСК минимал бозор нархлари бўйича солиқ базасини аниқлаш механизмни ишлаб чиқди **3-бет**

### • АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

– Дивидендлар ортиқча тўланган тақдирда... **4-бет**

### • СОЛИҚ СОЛИШ

– Хатолар устида ишлаш

– Кўчмас мулкни зарарига сотиш

– Устав фонди камайганда айланмадан олинган солиқ

– Нарх божжона қийматидан паст бўлса

– Импорт қилинган нефть мақсулотлари бўйича акциз солиғи

– Жисмоний шахс манфаатини қўзлаб ҳақ тўлаш – солиқ қандай ушлаб қолинади **5-6-бетлар**

### • ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони **7-12-бетлар**

– «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ешларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломамлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

– «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғида соғлом рақобат муҳитини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

– «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» **7-12-бетлар**

### • ЖАВОБ БЕРАМИЗ

– Бозор қийматига асосланганг

– Салқин ичимликларни ишлаб чиқариш учун сув

– Шартнома шартларига боғлиқ

– Онлайн-НКМни қўллаш

– Баланддан ҳисобдан чиқариш операцияси **13, 15-бетлар**

### • СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАР

– Солиқ тўловчининг тақвими **14-15-бетлар**

### • БОЖЖОНА

– Навой – миллимиз фахри

– Велосипедни «капф этолмади»

– 50,4 млн сўмлик дори ноқонуний айланмадан чиқарилди

– Дори ҳам эмас, дармон ҳам!

– Товарларни тўғри таснифлаш

– Техника бўлсин – ҳужжати бўлсин **16-бет**

Тахрират аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davly nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади



## НОРМАТИВ ЛОЙИХАЛАР

### Вояга етмаганларни меҳнатга мажбурлаганлик учун – жиноий жавобгарлик

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2021 йил 3 февраль куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида мамлакатимизда вояга етмаган шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

ЖК 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахснинг 18 ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда унга моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш орқали у билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш учун жавобгарликни белгилайдиган модда билан тўлдирилмоқда.

Мазкур жиноят объекти сифатида 18 ёшга тўлмаган шахс нормал ва ахлоқий ривожланаётгани инobatга олиниб, жиноят субъекти ёшини 18 ёшдан белгилаш таклиф этилмоқда.

МЖТКга ҳам шундай модда киритилмоқда. Шу тариқа, бундай ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш бўйича ваколатли органлар сифатида жиноят ишлари бўйича судлар белгиланмоқда, ички ишлар органларига эса бундай ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни маъмурий йўл билан ушлаб туриш ваколати юкланмоқда.

Қонун лойиҳасининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, вояга етмаган шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш, уларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатларига чек қўйиш мақсадида Жиноят кодексига вояга етмаган шахсни меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаганлик учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликни белгилувчи ўзгартириш киритилмоқда.

Шунингдек ЖКда вояга етмаган шахсни Ўзбекистонда ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш учун жиноий жавобгарлик, шу билан бирга, ЖПКга қўшимча киритилиб, мазкур жиноятнинг тергов ички ишлар органига тегишли экани белгиланмоқда.

Манба: [parliament.gov.uz](http://parliament.gov.uz).

## Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



## Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди

Президентнинг 3.02.2021 йилдаги ПФ-6159-сон Фармони билан қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланди. Фармон билан Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини 2021–2025 йилларда устувор ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

Қуйидагилар ташкил этилди:

➢ қишлоқ хўжалиги тармоқларида таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги субъектларига замонавий агрохизматлар кўрсатишнинг узвий тизимини ўзаро боғлайдиган Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (кейинги ўринларда – Миллий марказ);

➢ Қишлоқ хўжалиги соҳасида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини таъминлаш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштирувчи кенгаш);

➢ Қишлоқ хўжалигида билим ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси.

Миллий марказ Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази, «Агроинновация» ДУК, Ғўза уруғчилиги маркази негизда ташкил этилади. Миллий марказ Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади ва қуйидагиларни амалга оширади:

➢ ўз тизимдаги илмий-тадқиқот муассасаси фаолиятига бевосита раҳбарлик қилади;

➢ чорвачилик йўналишлари, ўрмон ва сув хўжалиги, ипакчилик соҳаларида фаолият юритувчи илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликдаги фаолиятни йўлга қўяди;

➢ қишлоқ хўжалиги соҳасидаги олий ва профессионал таълим муассасаларининг илмий ва инновацион фаолиятини мувофиқлаштиради.

2021 йилдан бошлаб Мувофиқлаштирувчи кенгаш 2021 йил 1 апрелга қадар Қишлоқ хўжалигининг устувор йўналишлари, глобал, минтақавий ва ҳудудий муаммоларнинг илмий ечимларини тадқиқ қилиш бўйича кейинги 5 йилга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқади. Беш йиллик дастурда назарда тутилган йўналишлар қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий лойиҳалар бўйича давлат буюртмаларини шакллантириш учун Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилади.

Шунингдек қуйидагилар ташкил этилади:

а) 2021–2022 йилларда:

➢ Республика агрохизматлар маркази;

➢ Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар агрохизматлар марказлари;

б) 2022 йилдан бошлаб босқичма-босқич қишлоқ туманларида туман агрохизматлар марказлари ташкил этилади.

Республика, ҳудудий ва туман агрохизматлар маркази Жаҳон банкининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси доирасида ажратиладиган маблағларни жалб этган ҳолда ёки ДХШ шартлари асосида ташкил этилади.

Улар ўз фаолиятини ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш тизими асосида амалга оширади.

Ҳудудий агрохизматлар марказлари Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказининг ҳудудий бўлинмалари негизда ташкил этилади.

2021 йил 1 мартдан бошлаб, тажриба тариқасида, Миллий марказ тизимидagi илмий-тадқиқот муассасаларида тадбиркорлик субъектларини жалб этган ҳолда кичик илмий-инновацион корхоналар ташкил этишга рухсат берилади. Бунда:

а) илмий-тадқиқот муассасаси:

➢ қишлоқ хўжалиги экинларининг илмий асосланган ҳолда экилишини ташкил этади;

➢ қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғчилиги ва селекциясини йўлга қўяди, янги нав ва дурагайларни яратади;

➢ ўсимликларни зараркундалардан асраш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқади.

б) тадбиркорлик субъектлари:

➢ илмий-тадқиқот муассасасининг янги нав ва дурагайларни яратиш бўйича фаолиятини молиявий таъминлашга кўмаклашади ҳамда унинг натижаларини тижоратлаштириш чораларини кўради;

➢ ички ва ташқи бозор талабларидан келиб чиқиб, экспортбop қишлоқ хўжалиги маҳсулотни етиштиришни йўлга қўяди ва уни оммалаштиради;

➢ янги ички ва ташқи бозорларни топиш, халқаро стандартларни мос келувчи лабораториялар, уруғликни сақлаш, саралаш, қадоқлаш ва мева-сабзавотни қайта ишлаш ускуналарини харид қилишга кўмаклашади;

➢ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш, қадоқлаш, миллий бренд асосида экспорт қилиш чораларини кўради;

в) фойда солиғи бўйича жами даромадни аниқлашда тадбиркорлик субъектлари – солиқ тўловчиларнинг илмий тадқиқотларга ва (ёки) тажриба-конструкторлик ишланмаларига доир харажатлари, амортизация қилинадиган активларни олишга оид харажатлардан ташқари, тегишли илмий тадқиқотлар ва (ёки) тажриба-конструкторлик ишланмаларининг натижасидан қатъи назар, Солиқ кодексидан назарда тутилган тартибда бундай тадқиқотлар ва ишланмалар (хизматларнинг алоҳида босқичлари) тугалланган ва (ёки) қабул қилиш-топшириш далелномасини тарафлар имзолаганидан кейин чегириб ташланади.

Эльмира Сиразиева.

2-бетда

Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

УМШ: ҳисоблагичлар, чиқиндилар, шартномалар, бадаллар

7-БЕТ

УК ва МЧЖ – ким қанча солиқ тўлайди?

8-БЕТ

Ходим янги йилда ишга чиқмади. Уни қандай ишдан бўшатиш мумкин?

## «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси ташкил этилади

Вазирлар Маҳкамасининг 2.02.2021 йилдаги 47-сон қарори билан «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Хужжат билан қуйидагилар тасдиқланди:

- » «Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗ таркибига кирувчи ҳудудлар чегараси;
- » «Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗ дирекцияси» ДУК тузилмаси;
- » «Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗ дирекцияси» ДУК устави;
- » «Термиз халқаро савдо маркази» ҳамда «Термиз» ЭИЗнинг муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури.

Қарор Президентнинг 12.11.2020 йилдаги «Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳрида махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6109-сон Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

Дирекциянинг асосий мақсади «Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗни ривожлантириш давлат дастурларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини, шунингдек ЭСЗ ҳудудид алоҳида ҳуқуқий режимга риоя этилишини таъминлаш орқали оператив бошқариш, ЭСЗ иштирокчиларига хизматлар кўрсатишдан ҳамда уставда назарда тутилган бошқа хизматларни кўрсатишдан фойда олиш ҳисобланади.

Қуйидагилар Дирекция фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

- » «Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗ ҳудудид а махсус ҳуқуқий режимнинг амал қилишини таъминлаш;
  - » салоҳиятли инвесторлар ва ЭСЗ иштирокчилари билан ўзаро ҳамкорликни, шу жумладан инвестиция буюртманомасини кўриб чиқиш ва танлаб олиш учун қабул қилишни, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларига уланиш учун зарур рухсатномалар беришни «ягона дарча» тамойили асосида ташкил этиш;
  - » «Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗни ривожлантириш дастури амалга оширилишини таъминлаш;
  - » ЭСЗ иштирокчиларининг реестрини юритиш;
  - » ЭСЗ ҳудудид а экологик назорат, шунингдек маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг назоратини ташкил этиш.
- Қуйидагилар Дирекция фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:
- » ЭСЗ ҳудудид а жойлашган бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан олинган даромадларнинг бир қисми;
  - » хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;
  - » ЭСЗ иштирокчиларининг ажратмалари;
  - » қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар.



Дирекцияси ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар ўз маблағлари ва Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Шунингдек қарор билан Вазирлар Маҳкамасининг 13.03.2020 йилдаги 148-сон «Термиз» эркин иқтисодий зонаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ўзгартиришлар киритилди.

**Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 3.02.2021 йилдан кучга кирди.**

### НОРМАТИВ ЛОЙИХАЛАР

## Кадастр ишлари хусусий секторга ўтказилиши мумкин

«Кадастр ишларини бажариш соҳасида давлат органлари функциясини хусусий секторга ўтказиш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси муҳокамага қўйилди.

Лойиҳа давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирларини (7.12.2020 йилдаги ПҚ-4913-сон) амалга ошириш мақсадида ҳамда 2020 йил 1 январдан бошлаб тажриба-синов тариқасида Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандиси институти жорий этилганлигини (5.04.2019 йилдаги ПҚ-4270-сон қарор 5-б.) инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

*Эслатиб ўтамиз, айни пайтда Ерғодежа-дастр давлат қўмитасининг қарори (рўйхат рақами 3211, 17.01.2020 й.) билан тасдиқланган Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малака шаҳодатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низом амал қилмоқда. Низомга биноан кадастр муҳандиси томонидан кўчмас мулк объектларининг бошланғич кадастр ҳужжатларини тайёрлаш ишлари амалга оширилмайди.*

Лойиҳада қуйидаги ҳужжатларни тасдиқлаш назарда тутилади:

- » Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малака шаҳодатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низом;
  - » Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида кадастр муҳандислари томонидан кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилди тайёрлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар нархининг минимал ставкалари.
- Низомга мувофиқ геодезия, бино ва иншоотлар қурилиши, қурилиш экспертизаси, кўчмас мулк экспертизаси, архитектура, ер тузиш ва ер кадастри бўйича олий маълумотга эга ёки кадастр муносабатлари соҳасида касбий қайта тайёргарлик дастури бўйича таълим олган, шунингдек тегишли соҳада камида бир йил иш стажига эга жисмоний шахслар

кадастр муҳандиси малака шаҳодатномасини (кейинги ўринларда – шаҳодатнома) олишга талабгор бўлиши мумкин.

Малака имтиҳони тест синови усулида, компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда, талабгорнинг танловига кўра ўзбек ёки рус тилида ўтказилиши назарда тутилмоқда. Имтиҳондан ўтмаган талабгор имтиҳонни қайта топширишга ва апелляция бериш ҳуқуқига эга.

Кадастр муҳандиси юридик шахслар билан тузилган меҳнат шартномаси асосида ёки яқка тартибдаги тадбиркор сифатида қуйидаги кадастр хизматларини кўрсатиши тақлиф этилмоқда:

- » кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказиш;
- » кўчмас мулк объектларининг қаватма-қават режаларини тузиш;
- » кўчмас мулк объектлари техник режаларини расмийлаштириш;
- » кўчмас мулк объектларини техник ҳисобга қўйиш.

Шунингдек лойиҳа билан қуйидагилар белгиланмоқда:

- » шаҳодатномани қайта расмийлаштириш ва дубликатини бериш тартиби;
- » шаҳодатнома амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш асослари;
- » Агентлик томонидан кадастр муҳандислари реестрини юритиш тартиби.

**Лойиҳа ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.**

Наргиза Воҳидова.



УШБУ СОНДА

#### • НОРМАТИВ ЛОЙИХАЛАР

– Вояга етмаганларни меҳнатга мажбурлаганлик учун – жиноий жавобгарлик  
– Кадастр ишлари хусусий секторга ўтказилиши мумкин

1-2-бетлар

#### • ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди

– «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси ташкил этилади  
1-2-бетлар

#### • БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

– Босиб ўтилган йўл истиқбол учун хизмат қилади  
– Қиёслашдан ўтказилди – ҳисоблагич ишламаётган экан  
– Тошкентликлар маиший чиқиндиларни саралаб йиғадилар  
– Шартнома йўқ – мажбурият бор

– Қиёсдан ўтказганлик учун ҳақ тўланди. Йиғим кимга тушади?  
– Қиёсдан ўтказиш чўзилиб кетди. Сув учун қандай тўланади?  
– Огоҳлантириш йўқми – жавобгарлик ҳам йўқ  
– Янги қурилишлардаги тўхташ жойларига солиқ солинмоқда  
– Уйни 2 та УМШ бошқара оладими?  
– Қурувчиларнинг онлайн-рейтинги ишга туширилди

3-6-бетлар

#### • ХўЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОЙДАЛАРИ

– Унитар корхона ва МЧЖ: ким қанча солиқ тўлайди

7-бет

#### • КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Проголчани қандай ишдан бўшатиш мумкин

8-бет


#### • ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ

– Қишнинг бир куни...

8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



## МУНДАРИЖА:

- ✓ Босиб ўтилган йўл истиқбол учун хизмат қилади
- ✓ Қиёслашдан ўтказилди – ҳисоблагич ишламаётган экан
- ✓ Тошкентликлар маиший чиқиндиларни саралаб йиғадилар
- ✓ Шартнома йўқ – мажбурият бор

- ✓ Қиёсдан ўтказганлик учун ҳақ тўланди. Йигим кимга тушади?
- ✓ Қиёсдан ўтказиш чўзилиб кетди. Сув учун қандай тўланади?
- ✓ Огоҳлантириш йўқми – жавобгарлик ҳам йўқ
- ✓ Янги қурилишлардаги тўхташ жойларига солиқ солинмоқда
- ✓ Уйни 2 та УМШ бошқара оладими?
- ✓ Қурувчиларнинг онлайн-рейтинги ишга туширилди

## Босиб ўтилган йўл истиқбол учун хизмат қилади

Ўзбекистонда профессионал бошқарувчилар учун тренерлар тармоғи ташкил этилмоқда

Ўтган йили Promhouseнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган «Қозоғистон ва Ўзбекистонда уй-жой фондини бошқаришнинг профессионаллашуви» лойиҳаси доирасида янги компонент – «Тренерлар учун тренинг» («ToT») ўқув дастури ишга туширилди. Ўқув дастури бўлғуси турар жой кўчмас мулки бошқарувчилари етишиб чиқадиغان коллежлар учун ўқитувчиларни тайёрлаш бўйича тренерлар тармоғини ташкил этиш, шунингдек уй-жой фонди бошқарувчисининг таълим дастури ва профессионал стандартини ишлаб чиқишга кўмаклашишга йўналтирилган.

Promhouseнинг фаолияти жараёнида 2 та ишчи гуруҳ ташкил этилган: ўқув дастурини тайёрлаш учун – «Curriculum» ва профессионал стандартни ишлаб чиқиш учун «Standart». «ToT» дастурига ишчи гуруҳларга ёрдам бериш мақсадида асос солинди.

2021 йил арафасида «ToT» дастурининг 1-фазаси якунланди, у 17 та вебинарларни ўтказишни ўз ичига олади. 3 ой давомида бўлғуси устоз-тренерлар жамоаси онлайн семинарларда фаол иштирок этди. Улар орасида – коллеж ўқитувчилари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Promhouse лойиҳасини амалга оширишда қатнашаётган

Тошкент шаҳар Уй-жой фондини профессионал бошқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар ташкилотлари уюشمаси ҳамкорлари бор. Ўқитувчилар таркибида Европа уй-жой ва кўчмас мулк таълим маркази бўлимларининг экспертлари ҳам мавжуд.

Promhouse лойиҳаси Европа Иттифоқининг молиявий кўмаги остида «Шарқий Европада уй-жой хўжалиги» Ташаббуси (ИВО, Германия) томонидан амалга оширилаётганини эслатиб ўтаемиз. Германия томонидан Европа уй-жой ва кўчмас мулк таълим маркази (EBZ) мувофиқлаштирувчи сифатида иштирок этмоқда. Ўзбекистондан – Уюшма. Лойиҳанинг мақсади – Қозоғистон ва Ўзбекистонда уй-жой фондини бошқариш соҳасида хусусий компаниялар имкониятларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўли билан Марказий Осиёда хусусий секторни ривожлантириш ва иқтисодийни диверсификациялашни рағбатлантириш ҳисобланади. Ҳамкорлар олдинга қўйилган вазифаларга эришишининг индикаторларидан бири – кўчмас мулк бошқарувчиларининг профессионал таълим олишига кўмаклашишдир.

Ўзбекистонда бундай мутахассисларга талаб ҳар қачонгидан ошган. Янги қурилаётган бинолар, ижтимоий

\*Таҳририят истилоҳли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга ваколатли эмас.

аҳамиятдаги объектлар сони ниҳоятда кўпайиб кетган. Уй-жой соҳаси учун малакали кадрларни топиш масаласи кун тартибидан тушган эмас — бизда ҳеч бир ўқув муассасаси бундай ходимларни тайёрламайди. Уларга бўлган талаб бугунги кунда жуда юқори — бу мутахассислар замонавий қурилиш материаллари, технологиялар, асбоб-ускуналарни тушунишлари, ҳуқуқий жиҳатдан билимдон бўлишлари, коммуникатив феъл-атворга эга бўлишлари лозим.

## Ҳар ишнинг ўз мавриди бор

Promhouse мамлакатимизга уй-жой хизматлари бозорида талабгир бўлган кадрларни тайёрлаш бўйича Германия тажрибаси ва амалиётини олиб келди. Биз мазкур тажрибани ўз миллий қонунчилигимиз ва имкониятларимизни ҳисобга олган ҳолда мувофиқлаштиришимиз керак бўлади. Ушбу вазифани бажариш учун лойиҳа платформасида халқаро экспертлар, бир қатор вазирлик ва идоралар, Уюшма ва бошқарувчи ташкилотлар (БТ) мутахассисларининг саъй-ҳаракатлари бирлаштирилди. Бошқарувчиларнинг профессионал тайёргарлиги Қарши политехника касб-ҳунар коллежи, Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи, Бекобод коммунал хўжалик коллежи базасида олиб борилади.

«ToT» биринчи фазасининг дастурига 7 та ўқув модели киритилган. Бўлғуси тренерлар томонидан тинланган онлайн-семинарларнинг мазмун-моҳияти умуман олганда танланган йўналишнинг истиқболли эканлигини намойиш этади. Бу кўп квартиралли уйларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқариётган Ўзбекистон учун ниҳоятда зарур соҳадир.

Масалан, Германиянинг бинолари энергетик модернизациялаш, энергия ресурслари йўқотилишини минималлаштириш бўйича тажрибасини олайлик. У энергияни тежайди, кулай яшаш шартларини таъминлайди, аҳоли маблағларининг исроф бўлмаслигига имкон беради. Германияда урушдан кейинги даврларда қурилган уйларни кўплаб учратса бўлади. Уларни авайлаб-асрашади, бузиб ташлашни эмас, балки таъмирлашни афзал билишади. Бугунги кунда замонавий қурилиш материаллари, конструктив ечимлардан фойдаланишнинг имкониятлари кенг. Шунга қарамасдан, энергия жиҳатидан самарали санацияга катта эътибор берилди. Бўлғуси тренерлар бинонинг ҳолати қандай таҳлил қилинаётгани, энергия самардорлигига доир қандай тадбирлар у ёки бу ҳолатда кўпроқ иш беришини ўрганишди.

Вебинарлардан бирида Германиядаги уй-жой мол-мулкни бошқариш асослари қўриб чиқилди. Бунда сўз бошқарувчининг мажбуриятлари, шартномани тузишга қўйиладиган талаблар, уй-жой мулкдорларининг йиғилишларини ташкил этиш ва ўтказиш ва бошқа масалалар хусусида борди.

Рақамли технологиялар асрида уй-жой фондини бошқариш соҳасига дигиталлаштириш, шартномаларни тузиш деган тушунча ҳам кириб келди. «ToT» дастури бўйича бошқа тақдимот айнан шу мавзуга бағишланди. Бизнес жараёнларни замонавий рақамли технологияларни қўллаган ҳолда оптималлаштириш кўчмас мулк жабҳасини ўзгартиради, қарорлар қабул қилиш ва кўп қаватли

уйларни бошқариш бўйича янги бизнес модулларини ишлаб чиқиш жараёнларини тезлаштириди ва ҳ.к. Бошқача айтганда, бизнес тараққиётининг самарадорлигига, унинг рақобатбардорлигига туртки беради. Бу ўринда узлуксиз таълимнинг аҳамияти жуда катта.

Профессионал даражани мунтазам равишда ривожлантириб бориш зарурлигини ҳеч ким инкор этмайди — бу ҳаёт суръати билан ҳамнафас бўлиш учун ниҳоятда зарур. Бу фикр турар жой кўчмас мулкни бошқарувчилари учун ҳам айнан тегишлидир. «Малака ошириш» хизмат сифатида Германияда ўта талабгир ҳисобланади ва у бизнинг бошқарув ташкилотларига хизмат кўрсатиш рўйхатида киритилиши мумкин.

Уй-жой соҳаси — бу бошқарувчилар доимо одамлар билан мулоқот ўрнатилишига тақозо этадиган жабҳалардан бири ҳисобланади. Муваффақиятга эришиш учун мижозлар билан қандай қилиб тўғри муносабатларни ўрнатиш керак? «ToT» дастурининг вебинарларида бунга ҳам ўргатилади.

## «ToT» уй-жойни малакали бошқаришда ёрдам беради

Бугунги кунда кўп квартиралли уйларни бошқариш — энг долзарб ва мунозарага бой масалалардан бўлиб қолди. Ўзбекистон қонун ҳужжатларида кўп квартиралли уйни бошқаришнинг учта усули назарда тутилди: ХУМШ ёрдамида, бошқарувчи ташкилот ёки ширкатни тузмаган ҳолда мулкдорларнинг жамоаси ёрдамида. Бироқ профессионаллашуви жараёни оқсмақда. Кўплаб янгида тузилган БТ етарлича ҳуқуқий саводхонликка эга эмас, шу туфайли кўпича қонун ҳужжатларини бузадилар ва бу билан мулкдорларнинг умумий мол-мулкни бошқариш усулини эркин танлаш ҳуқуқини чеклайдилар. Бунда баъзида маъмурий ресурс ҳам ўз кучини кўрсатиб қўяди, кўчмас мулк эгаларини УМШни ёпиш ва янги БТ билан шартномалар тузишга тарғиботлар қилишади. Бу БТлар «мублағдорлар — УМШ — БТ» бошқарув чизмасида ишлай оладиган ширкатларни ўзлари учун хизматларнинг бўлғуси буюртмачилари сифатида кўрмайдилар. Шунинг учун турар жой кўчмас мулкнинг бошқарувчилари билан ахборот-ҳуқуқий ва таълим борасида иш олиб бориш ўта муҳимдир.

Ўзбекистонда БТни лицензиялаш назарда тутилмаган. Қонун ҳужжатларида кўп квартиралли уйни бошқариш бўйича штатда малака сертификатига эга бўлган камида икки нафар мутахассиснинг бўлиши кераклиги талаби мавжуд. Бу вазифа Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридидаги ўқув марказининг зиммасига юклатилган, лекин бошқарувчиларни ўқитадиган бошқа дастаклар, шу жумладан ўқув муассасалари базасида профессионал таълим ҳам бўлиши керак-да. «ToT» дастури бўйича шакллантирилаётган тренерлар тармоғи, Promhouse лойиҳаси доирасида 2020 йилда ўтказилган 17 та вебинарлар — кўп квартиралли уй-жой фондини қандай қилиб малакали бошқариш мумкинлигига доир берилган саволга жавобдир. Уюшманинг платформасида тренерлар БТда фаолият юритаётганларга «малака ошириш» хизматини кўрсатадилар. Энди ҳамма гап мазкур тажрибани ўқиған, ўрганган ва ҳаётга татбиқ этадиган бошқарувчиларда қолган.

## Қиёслашдан ўтказилди – ҳисоблагич ишламаётган экан

Бундай муаммо кўпинча иссиқ ва совуқ сувни ўлчаш асбоблари билан содир бўлади. Масалан, қиёслашдан ўтказилгандан кейин истеъмолчиға ҳисоблагич ўрнатилди, уни пломбашади, далолатнома тузишади, далолатномада сув ҳисоблагич ўрнатилган санадаги кўрсаткич қайд этилади. Бироз вақт ўтгач, истеъмолчи унинг ишини текширади ёки ҳақ тўлаш учун кўрсаткичларни ечади ҳамда кўрадики, ҳисоблагич ишламаётган экан: унинг кўрсаткичлари у ўрнатилган санадаги ҳолда, ўзгармасдан турибди. Шу вазиятда нима қилиш керак, қаерга мурожаат қилиш, қайси ҳужжатларга таяниш керак бўлади?

– Эслатиб ўтаамиз, ҳисобга олиш ускуналарини қиёслашдан ўтказиш механизми Ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти (20.08.2019 йилдаги 698-сон ВМҚа 3-илова) билан тартибга солинади. Қиёслашдан ўтказилгандан кейин «Ўзстандарт» агентлиги бўлинмаларининг вакиллари ҳисобга олиш ускунасининг фойдаланишга яроқлилиги, унинг белгиланган метрология талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи сертификатни расмийлаштиради ва сув ўлчлагични етказиб берувчининг вакилига тақдим этади. Етказиб берувчи ҳисобга олиш ускунасини далолатнома асосида қабул қилади ва бу билан ҳисоблагич қиёслашдан ўтганлиги ва у ишчи ҳолатда эканлигига розилик билдирган бўлади.

Шундан кейин етказиб берувчининг вакили 3 иш куни ичида истеъмолчи билан унинг иштиракида ҳисобга олиш ускунасини ўрнатиш ва тамғалаш куни ва вақтини келишади. Ҳисоблаш ускунаси ўрнатилгандан кейин таъминотчи тажиклотнинг вакили мажбурий тартибда икки нусхада далолатнома тузади, унинг бир нусхаси истеъмолчиға берилади.

Маъмурий регламентга 5-иловада қиёслашдан ўтказилгандан сўнг Сувни (иссиқ сувни) ҳисобга олиш ускунасини ўрнатиб бериш далолатномасига талаблар ўрнатилган. Далолатномада истеъмолчи иштирокида ҳисоблагичнинг у ўрнатилган вақтдаги ҳолати, унинг кўрсаткичлари қайд этилади. Ҳужжатни ҳар икки томон имзолаши керак. Бу ўта муҳим жиҳат, чунки баъзида далолатномаларда томонларнинг ёхуд бир томоннинг имзоси бўлмаслиги мумкин. Тўғри тузилган далолатнома – бундай вазиятларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш гарови ҳисобланади.

Агар сув ўлчлагич ўрнатилгандан кейин бир неча кун оралиғида унинг ишламаётгани ва ундаги кўрсаткичлар олдинги ҳолатда турганлиги аниқлангудек бўлса, бу кўпинча етказиб берувчининг суаммоси аҳоли метрология хизматнинг камчилиги бўлади. Чунки етказиб берувчи сув ўлчлагични мувофиқлик сертификати билан қабул қилган, ўрнатган ва уни тамғалаган, истеъмолчиға далолатнома асосида топширган бўлади. Далолатномада истеъмолчи ва етказиб берувчи имзоларининг мавжуд бўлиши ҳисоблагичнинг ишчи ҳолатда эканлиги тасдиғи ҳисобланади.

Агар муаммо бир неча ойдан кейин аниқлангудек бўлса, ҳисоблагич бузилганлигида истеъмолчининг айби йўқлигини исботлаш қийин кечади. Кўп квартиралар уйларда иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиши ва истеъмолчиларга сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатиши қоидаларига (15.07.2014 йилдаги 194-сон

ВМҚа 1, 2-иловалар) мувофиқ абонентлар совуқ ва иссиқ сув ҳисобини олиш ускуналарининг кўрсаткичларини ҳар ойда етказиб берувчиға тақдим этишлари керак. Бу пайтда истеъмолчи бир вақтнинг ўзида ҳисоблагичнинг ишини назорат қилади. Агар у бу ишни амалга оширмаса, қонунчиликини бузаётган бўлади.

Қоидаларда, шунингдек, етказиб берувчининг ҳар чоракда бир марта истеъмолчи томонидан совуқ ва иссиқ сувни ҳисоблаш ускуналаридан кўрсаткичларни ечиб олинишининг тўғрилигини назорат қилиш мажбурияти белгиланади. Лекин иссиқ сув ва совуқ сув ҳисоблагичларининг эгаси бўлиб истеъмолчи ҳисобланади ва у ускуналарнинг соналганлиги учун жавобгар бўлади. Шунинг учун етказиб берувчи истеъмолчининг зиммасига қиёслашдан ўтказиш, зарур бўлганда сув ҳисоблагични таъмирдан ўтказиш жавобгарлигини юклаши ҳам мумкин.

### Масала қонун ҳужжатларида қандай ҳал этилади?

**Кўп квартиралар уйларда иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатиш қоидалари қуйидагилардан иборат:**

➤ истеъмолчи индивидуал ҳисобга олиш асбобларининг яққол кўриниб турган носозликлари аниқланганда бу тўғрида Етказиб берувчиға дарҳол хабар бериши;

➤ ҳар ойда иссиқ сувни индивидуал ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини етказиб берувчиға тақдим этиши (Қоидаларнинг 86-б.);

➤ Қоидаларнинг 56-бандида қайд этилган тартибга мувофиқ бир сутка мобайнида индивидуал ҳисобга олиш асбобининг шикастланганлиги тўғрисида оғоҳлантирилмаган ҳолларда иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб иссиқ сувни ҳисобга олишнинг соз ҳолатдаги асбоби кўрсаткичлари охириги марта қайд этилган пайтдан бошлаб текшириш ўтказилгунга қадар рўйхатдан ўтказилган (яшовчи) одамларнинг суаммоси аҳоли оширилади (Қоидаларнинг 57-б.);

➤ етказиб берувчи истеъмолчиларнинг иситиш ва иссиқ сув таъминоти тизимини йил чорасида бир марта текшириши, истеъмолчилар томонидан индивидуал ҳисобга олиш асбоби ёзиб олинган кўрсаткичларининг тўғрилигини ўз маълумотлари билан текшириши ва уллар томонидан иссиқ сувнинг истеъмол қилинган ҳажми тўғрисида маълумотлар тақдим этилиши шарт (Қоидаларнинг 58-б.).

**Истеъмолчиларга сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатиш қоидалари қуйидагилардан иборат:**

Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

➤ ИСКХ ташкилоти томонидан истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилишга асос бўладиган сувни ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичлари ҳар ойда 1 марта олиниб, тегишли далолатнома билан расмийлаштириш орқали (2 нусхада далолатнома тузилади ва унинг бир нусхаси истеъмолчига топширилади) истеъмолчиларнинг маълумотларига ўзгартиришлар киритилади (Қоидаларнинг 76-б.);

➤ ИСКХ ташкилоти истеъмолчи томонидан тақдим этилаётган сув сарфи ҳақидаги маълумотларни, сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсаткичларининг тўғри олинаётганлигини мунтазам равишда назорат қилиб туриши лозим. Агар истеъмолчи тақдим этган сув сарфи ҳақидаги маълумотлар билан сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсаткичлари ўртасида тафовут пайдо бўлса, сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсаткичларига асосланган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинади (Қоидаларнинг 77-б.).

#### Истеъмолчилар қуйдагиларга мажбур:

➤ шартнома шартларини бажариш;  
➤ жорий ойнинг 23–25-санасида сувни ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини тўғри ва ўз вақтида қайд қилиб бориш, жорий ойнинг сўнги санасига ИСКХ ташкилотига кўрсаткич – маълумотларни тақдим этиш;

➤ сувни ҳисобга олиш асбобларида яққол кўриниб турган носозликлар аниқланганда ИСКХ ташкилотига хабар бериш (Қоидаларнинг 123-б.).

#### «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун.

Иссиқ ва совуқ сув ҳисоблагичлари истеъмолчининг мулки ҳисобланади. Қиёслашдан ўтказиш – бу давлат хизмати бўлиб, бунинг учун истеъмолчи ҳақ тўлайди. Қиёслашдан ўтказиш жараёнида етказиб берувчининг вакили метрологик хизмат билан истеъмолчи ўртасида воситачи сифатида иштирок этиди. Абонент билан «Ўзстандарт» агентлиги вакилининг муносабатлари «ижрочи – истеъмолчи» ўртасидаги муносабатлар сифатида қаралади. Қонуннинг 11-моддасига биноан ижрочи кўрсатилаётган хизматларига кафолат муддати белгилаши ва кафолат муддати мобайнида товар (хизмат)нинг нормал ишлашини (қўлланилишини, улардан фойдаланилишини) таъминлаши шарт.

Шу муносабат билан давлат қиёслоvidан ўтказишга тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қиёслаш ўтказилгандан кейин коммунал маҳсулотлар ҳисобини юритиш ускуналарига ҳам кафолат муддатларини белгилаш тўғрисидаги меъёрни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

## Тошкентликлар маиший чиқиндиларни саралаб йиғадилар

Жорий йилда пойтахтда маиший ахлатларни саралаб йиғишга яна бир бор уриниб кўришмоқчи. Бунгача қилинган барча саъй-ҳаракатлар етарлича самара бермаган эди. Навбатдаги тadbир Президентнинг «Тошкент шаҳрида маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга оширишни такомиллаштириш чора-tadbirlari тўғрисида»ги қароридан (15.12.2020 йилдаги ПҚ-4925-сон) назарда тутилган. Бу юмушларни давлат-хусусий шериклик (ДХШ) асосида ташкил этиш мўлжалланган. Давлат экология кўмитаси тизимидаги «Махсустрас» ДУК ва «Чиқиндиларни қайта юклаш ва утилизация қилиш» ДК Тошкент шаҳар ҳокимлиги тизимига ўтказилади. Хусусий шерик «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ аниқланади.

ДХШ доирасида Тошкент шаҳрида қаттиқ маиший чиқиндиларни замонавий технологияларни татбиқ этган ҳолда утилизация қилиш ва қайта ишлаш корхонасини ташкил қилиш кўзда тутилган. Шу билан бирга қаттиқ маиший чиқиндилар утилизация қилингандан сўнг қолган қисмини кўмиш амалиётини босқичма-босқич жорий этиш режалаштирилган ва ҳ.к. Қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини пойтахтда амалдаги 8 фозидан 30 фозга ошириш, аҳолига қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш бўйича мавжуд дебитор қарздорлиқни 75 фозга камайтириш назарда тутилган.

2021 йил 1 мартдан бошлаб Тошкент шаҳрида қаттиқ маиший чиқиндиларни саралаб йиғиш тизимини қуйдаги тартибда босқичма-босқич жорий этиш мўлжалланган:

➤ I босқичда (2021 йилда) – Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан белгиланадиган маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида чиқиндиларни «қайта ишланадиган» ва «қайта ишланмайдиган» тоифаларга ажратган ҳолда йиғиш;

➤ II босқичда (2022 йилда) – «Махсустрас» ДУК томонидан хизмат кўрсатиладиган барча ҳудудлардаги яқка тартибдаги турар жой секторига қаттиқ маиший чиқиндиларни «қайта ишланадиган» ва «қайта ишланмайдиган» тоифаларга ажратган ҳолда йиғиш;

➤ III босқичда (2023 йилдан бошлаб) – барча туман-

ларда чиқиндиларни «қайта ишланадиган», «қайта ишланмайдиган», «органик», «хавфли маиший чиқиндилар» ва бошқа тоифаларга ажратган ҳолда йиғиш.

Пойтахт ҳокимияти ва «Махсустрас» ДУК I босқичда истеъмолчилар чиқиндиларни «қайта ишланадиган» ва «қайта ишланмайдиган» тоифаларга ажратилган ҳолда тўплаши учун рангли чиқинди контейнерлари ва қайта ишланадиган пакетлар билан бепул таъминлайди. Чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш тарифлари истеъмолчилар томонидан чиқиндилар саралаб йиғилганлигини инобатга олиб пасайтирилган ҳолда белгилаши мўлжалланапти. Бу истеъмолчилар қизиқиши ва рағбатлантирилишини ошириши мумкин, чунки лойиҳанинг асосий бўғини бу одамлардир. Бу ҳаракатлар навбатдаги қуруқ гап бўлиб қолмай, балки



ҳақиқий ташаббусга айланиши учун одамларни қизиқтириш керак. Чикиндиларни саралаб йиққанлик учун истеъмолчиларни моддий рағбатлантириш амалиёти ўзининг самарасини кўрсатиши тайин.

Маиший ва қурилиш чикиндилари билан муомалада янгича ёндашув фақатгина иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб қолмай, балки пойтахтнинг асосан ахлат билан тўлиб-тошган турар жой мавзеларидаги ҳовлиларнинг санитария ҳолати муаммоларини ҳал этишга ёрдам беришига ҳам умид қилинади. Эҳтимол, моддий рағбатлантирув бепарво одамларни бироз бўлса-да, ўз ҳовлиларида тозалikka рисоа этиш, чикиндиларни белгиланган жойгача олиб боришга ўргатар... Ҳозир эса ахлатлар исталган жойга – деразадан кўчаларга, оёқ остига, ариқларга, болалар майдончаларига, уйлар атрофига, йўл четларига ва бошқа ўнгу сўлга отиб ташланмоқда. Инсон ўзи истикомат қилаётган ҳудудни покиза сақламас экан, чикиндиларни саралаш ҳақида гапириш умуман ортиқчалик қилади.

Рағбатлантиришлар, қатъий назорат, ҳудуднинг санитария ҳолати бузилганлиги учун белгиланган жавобгарликни жорий этиш, назорат қилувчи органларнинг ҳалол саёй-ҳаракатлари масалани ижобий ҳал этади. Акс ҳолда барча чақириқлар, фармон-фармойишлар шунчаки қоғозда қолиб кетади. Лойиҳа доирасида қаттиқ маиший чикиндиларни саралаб йиғиш зарурати тўғрисида аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш назарда тутилган. Бу фуқароларнинг онгига таъсир кўрсатишнинг бир дебочаси ҳисобланади. Моддий рағбат дастақларигина самарали ишлаб кетиши мумкин.

*2021 йил 1 апрелга қадар Энергетика вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат экология қўмитасига қаттиқ маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш харажатларини истеъмолчиларнинг фойдаланилган электр энергетика тарифлари таркибига киритиш механизми жорий қилиш бўйича асослантирилган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш топириги берилди (ПҚ-4925-сон қарорнинг 10-б. «б» кичик банди).*

Эслатиб ўтамай, 2012 йилда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан қаттиқ маиший чикиндиларни саралаб йиғиш бўйича тадбирлар мўлжалланган эди, лекин бу ҳаракатлар кутилган натижани бермади. Орадан 2 йил ўтиб, ушбу талаб Қаттиқ ва суюқ маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш кетишга доир қондаларда (15.07.2014 йилдаги 194-сон ВМҚа 3-шлюва) мустаҳкамлаб қўйилган. Ушунда истеъмолчилар ахлатни 4 та алоҳида ранглардаги пакетларга саралашга мажбур қилинди, уларни ахлат йиғиш шохобчаларида махсус контейнерларга жойлаштириш белгиланди. Одамларни ҚМЧни саралашга ҳам ўргатиб бўлмади. Ошхонада ахлат учун 4 та пакетни сақлаш, ўз ҳисобидан турли рангдаги пакетларни харид қилиш кераклиги ҳақидаги гоа одамларни руҳлантиргани йўқ. Қолаверса, ахлат тўплайдиган шохобчалар ҳам 4 хилдаги чикиндилар учун маркировка қилинган контейнерлар билан етарлича таъминланмади. Бу сафар ишлар қандай кетишини вақт кўрсатади. Бу борадаги муваффақият кўп жиҳатдан одамларнинг қўллаб-қувватлашига боғлиқ.

## Шартнома йўқ – мажбурият бор

**?** *Уйда турар жой мулкдорларининг 55 фоизи бошқарувчи ташкилот билан умумий мол-мулкни сақлашга доир шартномалар тузган. Қолган 45 фоизи мулкдорлар, улар орасида ярмини янги кўчиб келганлар ташкил этади, шартнома тузишдан воз кечишди. УМШга келсак, у ташкил этилган уйда мулкдор атоматик тарзда – мазкур уйдаги жойга эгаллик ҳуқуқи юзага келган пайтдан бошлаб ширкат аъзосига айланади. Шунга кўра, унда умумий мол-мулкни сақлаш учун мажбурий бадалларни киритиш мажбурияти ҳам юзага келади.*

*Мулкдорларда бошқарувчи ташкилот билан шартномавий муносабатлар ўрнатилмаган тақдирда улар умумий мол-мулкни сақлаш бўйича харажатларни тўлашлари керак бўладими?*

*Бошқарувчи ташкилот билан шартнома тузмаган бир қисм мулкдорлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни қандай ҳужжатлар тартибга солади?*

– «Кўп квартирالي уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонунда кўп квартирالي уйларда бошқарув усулидан қатъи назар, турар жойнинг барча мулкдорлари умумий мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатларни бир-галиқда ўз зиммаларига олишлари шартлиги белгиланган (Қонуннинг 16-м.).

Умумий мол-мулк жойларнинг мулкдорларига умумий улушли мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Жойларнинг мулкдорлари умумий мол-мулкдан ҳамда уйга туташ ер участкасидан фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга. Жой мулкдорининг умумий мол-мулкдаги улуши натура ҳолида ажратилиши мумкин эмас (Қонуннинг 13-м.).

Жойларнинг мулкдорлари умумий мол-мулкка нисбатан

улушли мулк иштирокчилари ҳисобланади ва улар уни сақлаш бўйича умумий харажатларни ўз зиммасига олиши шарт (Қонуннинг 17-м.). Мана шу нормалар масалани ҳал этишда муҳим ҳақамиятга эгадир.

Қонунда қонун ҳужжатлари билан белгиланган кўп квартирالي уйларда умумий мол-мулкни бошқариш усулларида бирини танлашда мулкдорларнинг иштирок этиши тартиби келтирилган. Бошқарув усулини жой мулкдорларининг умумий йиғилиши белгилайди. Умумий йиғилиш умумий мол-мулкни бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш учун танлов асосида юридик ҳамда жисмоний шахслар билан шартнома тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилади. Умумий йиғилишда қарор қабул қилиниши учун барча жойлар мулкдорларининг ёки

улар вакилларининг 50 фоизидан кўпроги ҳозир бўлиши керак. Умумий йиғилишнинг қарори, агар уни ёқлаб жойлар мулкдорларининг ёки уларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган вакилларининг 50 фоизидан кўпроги овоз берса, қабул қилинган деб ҳисобланади. Умумий йиғилиш қарори барча жойларнинг мулкдорлари, шу жумладан овоз беришда иштирок этмаганлар ёки қарши овоз берганлар томонидан ҳам бажарилиши мажбурийдир. (Қонуннинг 21-м.).

Шу билан бирга қонун ҳужжатлари мулкдорларни БТ билан шартнома тузишга мажбурламайди. Лекин бу ҳолат уларнинг умумий мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатларда иштирок этмаслиги учун асос бўлмайди. Қонуннинг 28-моддасига биноан кўп квартиралари уйни бошқариш шартномаси бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан жойларнинг мулкдорлари ўртасида

ҳар бир жой мулкдори билан Қонун талабларига мувофиқ ёзма шаклда, умумий йиғилиш қарорларида кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Бундан ташқари, бошқарув ташкилоти томонидан кўп квартиралари уйларга хизматлар кўрсатилаётганда мулкдорлар билан муносабатларни «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун нормалари билан тартибга солинади, сабаби БТ тижорат ташкилоти ҳисобланиб, у мулкдорларга умумий мол-мулкни сақлаб туриш бўйича хизматларни кўрсатади. Шартнома тузилиши натижасида БТ ва турар жой мулкдори ўртасида ижрочи-истеъмолчи муносабатлари юзага келади. Ўз ҳуқуқлари поймол бўлганда, сифатсиз хизматлар кўрсатилганда мулкдорлар «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг дастакларидан фойдаланишлари мумкин.

## Қиёсдан ўтказганлик учун ҳақ тўланди. Йиғим кимга тушади?



**Давлат хизматлари марказлари иссиқ сув ҳисоблагичини ечганлик, қиёслашдан ўтказганлик, ўрнатганлик учун БҲМнинг 20 фоизи миқдоридида ҳақ оладилар. Ушбу йиғим қаерга кетади?**

– **Жисмоний шахслардан иссиқ сув (совуқ сув) ҳисоблагичини ечиш, қиёслашдан ўтказиш, ўрнатиш бўйича давлат хизматларини кўрсатганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи миқдоридида йиғим ундирилади.** У қуйидаги тартибда тақсимланади:

➤ 20 фоизи – Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобрақамига ўтказилади;

➤ 10 фоизи – ЎзР Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги қошидаги «Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази»

ДУКнинг махсус ҳисобрақамига ўтказилади (агар давлат хизмати ЯИДХП орқали кўрсатилса);

➤ 50 фоизи – метрология хизматининг ҳисобрақамига ўтказилади (агар ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) қиёслашдан ўтказиш бўйича мурожаат қилинганда);

➤ қолган маблағлар таъминот корхонасининг банк ҳисобрақамига ўтказилади. Бунда, ҳисобга олиш ускуналарини заруратга кўра таъмирлаш ёки янгисига алмаштириш харажатлари таъминловчи корхонанинг маблағлари ҳисобидан қопланади (Маъмурий регламентнинг 15-б.).

## Қиёсдан ўтказиш чўзилиб кетди. Сув учун қандай тўланади?



**Совуқ ёки иссиқ сув ҳисоблагичи қиёсдан ўтказиш учун берилган. Бир ойдан ортиқ вақт ўтдики, сув ўлчагич ҳали ўрнатилмади. Бу ҳолда сув истеъмоли учун абонент билан ҳисоб-китоб қандай амалга оширилади?**

– Ҳисобга олиш ускунаси қиёслашдан ўтказиш учун ечиб олинганда, етказиб берилган ичимлик суви ва иссиқ сув учун ҳисоб-китоб ҳисобга олиш қиёслашдан ўтказишга қадар бўлган олдинги 3 ҳисоб-китоб ойдаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан ортиқ қўлланилиши мумкин эмас.

Ҳисобга олиш ускунаси бир ой муддатда ўрнатилмаган ҳолларда ҳисоб-китоб ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади (Маъмурий регламентнинг 8-б.).



## Огоҳлантириш йўқми – жавобгарлик ҳам йўқ

**?** *Совет сүе ҳисоблагичини давлат қиёсловидан ўтказиш муддати келиб қолибди, сүе таъминоти ташкилоти бу ҳақда бизни огоҳлантирмади. Шунга қарамасдан мен Давлат хизматлари кўрсатиш туман марказига бориб, қиёсловдан ўтказиб бериш тўғрисида ариза топширдим. Бир ой ҳам ўтди – ҳеч ким чурқ этмади. Туман «Сувосоз»га кўнғироқ қилган эдим, менга пандемия вақтида қиёсловдан ўтказиш муддатлари бошқа вақтга ўтказилганлиги муносабати билан ҳозирда метрологик хизматлар ҳамда сүе ўлчагичларни қиёсловдан ўтказувчи сүе таъминоти ташкилотлари ходимларининг юмушлари ортганлигини айтишди. Истеъмолчиларни оралиқ қиёсловдан ўтказиш ва ҳисоблаш усқуналарини қиёслаш муддатлари тугаганлиги ҳақида хабардор қилишдаги кечикишларга мана шу сабаб бўлган. Қиёсловдан ўтказиш муддатлари кечикканлиги туфайли менда муаммолар юз бермайдими? Бу масалани тартибга соладиган норма мавжудми?*

– Таъминотчи корхона ҳисобга олиш усқунасини даврий текширувдан ўтказиш сертификатининг амал қилиш муддати тугашидан 30 кун олдин талабгорни ҳисобга олиш усқунасини даврий текширувдан ўтказиш зарурлиги ҳақида ёзма равишда огоҳлантиради.

Талабгорнинг таъминотчи корхона томонидан белгиланган муддатда расмий равишда огоҳлантирилмаслиги ҳисобга олиш усқуналарини ўз вақтида қиёсловдан ўтказмаганлик учун айбдорлики келтириб чиқармайди (*Маъмурий регламентнинг 7-б.*).

## Янги қурилишлардаги тўхташ жойларига солиқ солинмоқда

2021 йил 1 январдан кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғига тортиш объектига айланди. Гап замонавий қурилиш объектларидаги ер ости тўхташ жойлари хусусида кетмоқда. Бундай тўхташ жойи солиқ базасининг 0,23 фоиз миқдоридagi ставкада солиққа тортилади. Бу Солиқ кодексининг 419-моддасига киритилган ўзгартиришда назарда тутилган (*30.12.2020 йилдаги ЎРҚ-659-сон Қонуннинг 2-м. 18-б.*)

Молия вазирлиги ўзининг Юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солиш тартибига 2021 йил 1 январдан киритилган ўзгаришлар тўғрисидаги ахборот хабарига (*30.12.2020 йилдаги 06/04-01-02-32/3200-сон*) ушбу норма, амалиётда кўп квартирали уйларнинг ер ости қаватида жойлашган автомашина турар жойларига кадастр қиймати белгиланган ҳолда кадастр ҳужжатлари расмиллаштирилиши сабабли аниқлаштирувчи хусусиятга эга эканлигини тушунтирди.

Мисол тариқасида автомашина турар жой кадастр қиймати 12 млн сўм миқдорида белгиланганлиги келтирилган. Ушбу қийматга нисбатан 0,23 фоиз миқдорида солиқ ставкаси қўлланилади. Тегишли равишда бир авто-



машина турар жойи учун йиллик жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиқ суммаси 27,6 минг сўмни ташкил этади (*Ахборот хабарининг 7.3-б.*).

«Кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган» автомашина турар жойлари деганда нимани назарда тутишди? Бу кўп квартирали уйлар ёки турар жой комплекслари

билан ягона яхлитликини ташкил этувчи янги қурилишлардаги ер ости тўхташ жойлари ва автостоянкалардир. Ҳозирда деярли барча янги қурилатган объектлар ер ости тўхташ жойлари билан бирга лойиҳалаштириляпти.

Ҳозирги кунда жисмоний шахсларга тегишли бўлган гаражлар ер солиғи ва мол-мулк солиғига тортилмоқда, дейилади Молия вазирлигининг Ахборот хабарига. Ҳов-

лилардаги ва йўл четларидаги ўзбошимча қурилган очиқ тўхташ жойлари ҳозирча ҳисобга олинаётгани йўқ. Бу, албатта, ўткинчи воқеалик.

Янги норма қуйидаги жисмоний шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди:

➤ турар жойи ҳовлисида ўзининг автомашинаси учун жойни ободонлаштиришга қарор қилган жисмоний шахсларга;

➤ юридик шахсларнинг автотранспорт воситаларини сақлаш хизматидан (пуллик авто тураргоҳ) фойдаланувчи жисмоний шахсларга. Бу ҳолда солиқ тўловчи бўлиб юридик шахс ҳисобланади.

«Автомашина турар жойи» тушунчасига қонун ҳужжатларимизда ҳозирча таъриф берилгани йўқ. Модомики у кўчмас мулк сифатида ҳуқуқ объекти бўлаётган экан, унинг эгаси мазкур мулкни хусусий мулк ҳуқуқида тасарруф этиши мумкин бўлади: сотади, мерос қолдиради, ҳадя қилади, ижарага беради ва ҳ.к. Бу масала долзарблик касб этмоқда ва ер ости тўхташ жойлари ва автостоянкалар билан жиҳозланган кўп квартиралар уй-жой фондининг муттасил қурилиши муносабати билан батафсил ҳуқуқий тартибга солинишни тақозо этмоқда.

## Уйни 2 та УМШ бошқара оладими?

Кўп квартиралар уй – бу бино ичидаги коммуникациялар билан бирлаштирилган ягона, мураккаб муҳандислик-техник объект ҳисобланади. ККУ Кўп квартиралар уй улушли мулк ҳуқуқи асосида жойларнинг мулкдорларига тегишли бўлган умумий мулк элементларини ўз ичига олади. Уйдаги умумий мол-мулкни сақлаб туриш ўзаро боғлиқ бўлган уй ичидаги коммуникацияларнинг фаолият юритишини ҳисобга олган ҳолда амалга ошади.

Фараз қилайлик, агар уйга 2 та УМШ ёки 2 та БТ хизмат кўрсатаётган бўлса, демак, бир уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш бўйича 2 та ишлар режаси, 2 та даромадлар ва ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш лозим бўлади. Бир уйдаги мулкдорларнинг мажбурий бадаллари (тўловлари) миқдори ҳам турлича бўлади. ККУни сақлаш учун ягона ёндашув бўлиши зарур, акс ҳолда бу ҳаракатларнинг келишилмаслиги, бошбошдоқлик ва тартибсизликка олиб келади.

«Кўп квартиралар уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасида битта кўп квартиралар уйни бошқаришда ККУни бошқаришнинг қуйидагилардан иборат битта усулни танлашни назарда тутлади:

➤ бевосита жойларнинг мулкдорлари томонидан;

➤ юридик шахс бўлган бошқарувчи ташкилот томонидан ёки жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) бўлган бошқарувчи томонидан шартнома асосида;

➤ битта ёки зич жойлашган бир неча кўп квартиралар уйда турар жойларнинг ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорларини бирлаштирувчи уй-жой мулкдорларининг ширкати бўлган нотижорат ташкилот томонидан.



## Қурувчиларнинг онлайн-рейтинги ишга туширилди

Ўзбекистон Қурилиш вазирлиги [reyting.mc.uz](http://reyting.mc.uz) манзили бўйича қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтингини ишга туширди.

Компаниялар 6 гуруҳдан иборат ва 71 кўрсаткични ўз ичига олувчи мезонлар асосида баҳоланади. Рейтингни белгилашда ташкилотнинг малакали мутахассисларининг мавжудлиги, молиявий кўрсаткичлари, иш тажрибаси ва унинг юқори сифатли бажарилиши, техник база ва рақобатбардорлик ҳисобга олинади.

Қурувчиларнинг рейтингини солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР) орқали билиб олиш мумкин. Айни пайтда порталга 36 мингдан ортиқ қурилиш компанияси киритилган.

Ресурснинг ишга туширилиши Вазирлар Маҳкамасининг 9.11.2020 йилдаги 699-сон қароридан назарда тутилган. Рейтинглار ҳисобини юритиш учун тақдим этиладиган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ДСҚ, Давстатқўм ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг биринчи раҳбарлари масъул этиб белгиланди.

[gazeta.uz](http://gazeta.uz).

# Унитар корхона ва МЧЖ: ким қанча солиқ тўлайди

**МЧЖ унитар корхонанинг (УК) ягона таъсисчиси ҳисобланади. МЧЖ УКни бошқаришдан ташқари ҳеч қандай хўжалик фаолияти билан шуғулланмайди. Ўз навбатида, МЧЖ таъсисчиси жисмоний шахсдир. Ҳар йили таъсисчининг қарори билан УК МЧЖга дивидендлар ҳисоблайди ва барча ҳисобланган суммани дивидендлардан солиқни ушлаб қолмаган ҳолда МЧЖнинг ҳисобрақамига ўтказиши мумкин. МЧЖ олинган маблағларнинг бир қисмини ўз эҳтиёжларига йўналтиради: иш ҳақи, солиқлар ва ажратмалар учун тўловлар, қолган қисмини дивиденд сифатида МЧЖ таъсисчиси ҳисоблайди. МЧЖ таъсисчиси дивидендлардан солиқни айириб ташлаган ҳолда дивидендларни ўтказиши мумкин.**

1. УК ва МЧЖнинг ҳаракатлари қонунийми?
2. УК фойданинг бир қисмини МЧЖга уни сақлаб туриш учун ўтказиш ҳуқуқига эгами? Ушбу маблағлар солиққа тортиладими?
3. Тўлов манбаида солиқни ушлаб қолгандан сўнг, УК фойданинг бир қисмини тўғридан-тўғри МЧЖ таъсисчиси – жисмоний шахсга дивиденд сифатида ўтказишга ҳақлими?
4. УК солиқни ушлаб қолмаган ҳолда дивидендларни МЧЖга ўтказиш ҳуқуқига эгами?

**1** Ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот унитар корхона ҳисобланади (ФК 70-м. 1-б.)

Тадбиркорлик субъектлари юридик шахс бўлган бошқа тадбиркорлик субъектларининг муассислари (иштирокчилари) бўлиш ҳуқуқига эга («Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун 8-м. 3-хатбошиси.)

Яъни, тадбиркорлик субъекти бўлмиш МЧЖ, унитар корхоналар бўлиши мумкин бўлган бошқа тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларни ташкил этиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга УК юридик шахс ҳисобланади (ФК 39-м., 1-б.)

**2 та юридик шахс – МЧЖ ва УК ўртасидаги шартномага биноан унитар корхона жамият томонидан кўрсатилган бошқарув хизматлари учун ҳақ тўлаши мумкин.**

УК томонидан олинган даромадни МЧЖ муассис ва мулк эгаси сифатида дивидендлар шаклида олиши мумкин.

**2** Агар бир тижорат корхонаси бошқа тижорат корхонасига сақлаб туриш учун маблағларни ўтказса, бу маблағлар олувчининг даромади ҳисобланади. Мазкур ҳолда МЧЖ томонидан унинг УКдан олинган маблағлар МЧЖ умумий даромадининг бир қисми сифатида ҳисобга олиниши ва солиққа тортилиши лозим. Ушбу норма Солиқ кодексининг 2007 йилдаги таҳририда ҳам, янги таҳририда ҳам кўрсатилган.

**Агар МЧЖ айланмадан олинаниган солиқ тўловчиси бўлса, у ҳолда бу даромад:**

1) ёхуд, агар бошқарув хизматларини кўрсатиш бўйича шартнома тузилган бўлса, 4% ставка бўйича солиққа тортилади (СК 467-м. 1-б.) ва МЧЖнинг хизмат кўрсатишдан олган даромади ҳисобланади;

2) ёхуд, агар юқори турувчи органи сақлаб туриш учун айнан фойдадан ажратмалар амалга оширилса, бошқа даромадлар катори асосий фаолиятдан олинаниган ставка бўйича солиққа тортилади (СК 297-м. 3-қ. 27-б., 468-м. 3-қ.).

2-вариант мунозаралар туғдириши мумкин, сабаби тадбиркорлик субъектлари (МЧЖ, УК) фаолиятига тааллуқли қонун ҳужжатларида «сақлаб туриш учун ажратмалар» тушунчасининг ўзи мавжуд эмас. Шунинг учун бундай тўлов, фикримча, хизматлар кўрсатиш-

дан тушум (1-вариант) ёки муассисга фойдадан тўланадиган дивидендлар сифатида талқин этилиши мумкин.

**Агар МЧЖ ҚҚС ва фойда солигининг тўловчиси бўлса, у ҳолда кўрсатилган даромад:**

1) ёхуд, бошқарув хизматларини кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилган тақдирда ҚҚС солини ва фойда солигини ҳисоб-китоб қилиш мақсадида ялпи даромадга киритилади (СК 239-м. 2-қ. 1-б., 297-м. 3-қ. 1-б.)

2) ёхуд бу солиқ солиш мақсадларида ялпи даромадга киритиладиган бошқа даромадлардир. Юқорида келтирилганидек, бу вариант жуда мунозарали, қолаверса, ўзингиз ёзганингиздек, бошқарув хизматларини кўрсатаётган экансиз. Эслатиб ўтаман, хизматлар кўрсатишга, ҳатто улар ҳақ тўловсиз бўлганда ҳам, ҚҚС солиниши керак (СК 239-м. 2-қ. 2-б., 297-м. 3-қ. 27-б.)

**3** Йўқ, корхона, шу жумладан УК ўзининг муассисидан ташқари ҳеч кимга дивидендлар тўлай олмайди. Эслатиб ўтаман, юридик шахснинг фойдасини ушбу юридик шахснинг иштирокчисига тегишли улушлар бўйича тақсимлаш чоғида акциядор (иштирокчи) томонидан олинган ҳар қандай даромад дивидендлар деб эътироф этилади (СК 41-м. 1-қ. 1-б.). Шунга ўхшаш таърифлар олдинги даврларда бўлган эди (2007 йил таҳриридаги СК 22-м.).

**4** Йўқ, корхона фаолиятдан олинган фойдадан дивидендларни солиқ солинимасдан ўтказиш мумкин эмас.

Дивидендларга солиқ солиш тартибида 2007 йил таҳриридаги Солиқ кодекси билан янги таҳрирдаги Солиқ кодекси орасида фарқланмишлар мавжуд.

## 2020 йилга қадар

Олдинги солиқ даврларида, 2020 йилга қадар дивидендларга тўлов манбаида солиқ солинар эди (2007 йил таҳриридаги СК 156-м.). 2018 йилда ва ундан олдин дивидендларга 10 фоиз ставкада солиқ солинар (Президентнинг бюджетга доир қарорларига мувофиқ), 2019 йилда эса ЎзР президентларига тўланадиган дивидендларга – 5 фоизлик ставкада солиқ солинди (2007 йил таҳриридаги СК 159-1-м. 2-қ.). Тобе корхоналар томонидан олдин тўланган солиқни ҳисобга олиш назарда тутилган эмас.



## 2020 йилдан бошлаб

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексида «дивидендларнинг солиқ солиниши лозим бўлган жами суммаси» тушунчаси киритилди. Солиқ агенти мазкур суммани куйидагича аниқлайди: дивидендларнинг ҳисобланган суммасидан ушбу юридик шахс томонидан жорий

даврдан ва ўтган даврларда олинган дивидендларни тақсимлаш санасидаги дивидендлар суммасидан айрилгани, бунда ушбу олинган дивидендлар суммаси аввал ушбу мақсадларда ҳисобга олинмаганлиги шарт қилинади (СК 345-м. 3-қ.) Ҳақиқатда бу олдин тўланган дивидендлардан солиқни ҳисобга киритиш деганидир.

### МИСОЛ

Хўжалик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси		Сумма (млн сўм)
	дебет	кредит	
<b>УКда ҳисоб юритиш</b>			
Солиқлар тўлангандан кейин УК томонидан фойда олинган	9910-«Якуний молиявий натижа»	8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»	100
Таъсисчининг қарорига мувофиқ барча фойда МЧЖнинг дивидендлари сифатида тақсимланган	8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	100
Дивидендлардан солиқ у тўланган пайтда ушлаб қолинган (100 x 5 %)	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (дивидендлардан солиқ)»	5
Дивидендлардан солиқ бюджетга ўтказилган	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (дивидендлардан солиқ)»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	5
Дивидендлар МЧЖга ўтказилган	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	95
<b>МЧЖда ҳисоб юритиш</b>			
МЧЖнинг УКнинг фойдасини дивидендлар сифатида тақсимлаш бўйича қарори ҳисобга олинган (солиқ айириб ташланган)	4840-«Олинаниган дивидендлар»	9520-«Дивидендлар кўринишидаги даромадлар»	95
Солиқлар айириб ташланган ҳолда ҳр га дивидендлар олинган	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	4840-«Олинаниган дивидендлар»	95
МЧЖнинг таъсисчиси – жисмоний шахснинг қарорига мувофиқ УКдан дивидендлар сифатида олинган дивидендларнинг 50 % тақсимланган	8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	47,5
Дивидендларга солиқ ҳисобланмайди, сабаби олдин олинган дивидендлар суммаси ҳисобга киритилган	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (дивидендлардан солиқ)»	0
Ҳўрақамдан кассага чек бўйича тўлашга маблағлар олинган ва кассадан жисмоний шахс – муассисга тўланган	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари»	47,5

2020 йил ва ундан кейин ҳам УК ва МЧЖ дивидендлар берилган ойдан кейинги ойнинг 20-санасига қадар тўлов манбаида солиқ агенти томонидан ушлаб қолинаниган, дивидендлар ва фоизлар сифатида тўланадиган даромадларга электрон Солиқ ҳисоб-китобини тақдим

этидилар (СК 345-м. 5-қ.; 3-шлова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.). Худди шундай ҳисоб-китобларни олдинги солиқ даврларида ҳам тақдим этиш керак бўлган.

**Ольга Бусарова,**  
«Норма» МЧЖ эксперти.

## Прогулчини қандай ишдан бўшатиш мумкин

**Ходим янги йил байрамидан кейин ишга чиқмаган, телефон кўнгироқларига жавоб бормаётми.**

**Бундай ходимни қандай ишдан бўшатиш мумкин?**

— Ходимни прогул учун меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган жавобгарликка тортиш учун белгиланган тартибга қатъий риоя этиш лозим (МК 100-м. 2-қ. 3, 4-б., 102, 107-м., 181-м. 3-б., 182-м.).

Ходимнинг ишга чиқмаганлиги далилини буйруқ билан расмийлаштириш, унда ходимни излаш чораларини белгиланган ва сабаблари аниқланганига қадар иш ҳақи ҳисоблашни тўхтатиб туриш.

Ходим уэрли сабабларсиз ишга келмаган ҳолатларда **ходимнинг шахсий йиғмажилдида кўрсатилган манзил бўйича хабарнома ёки телеграмма юборган ҳолда ундан тушунтириш талаб қилиш лозим.** Бунда ходимни муайян муддат ичида ундан жавоб келмаган тақдирда, иш берувчи ўз ҳуқуқидан фойдаланиб меҳнат вазифаларини бир марта кўпол равишда бузганлиги учун меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган интизомий жазони кўллашга ҳақи эканлиги ҳақида хабардор қилинг (100-м. 2-қ. 4-б., 102-м. 5-қ.).

Ходимнинг ишга келмаганлиги далилини ҳужжатларда қайд этинг. **Ишга келмаганлиги ҳақидаги далолатномаларни** ходим иш жойида бўлмаган ҳар бир кун учун расмийлаштириш. Буни олдинги сана билан расмийлаштириш эмас, балки кун-кунда қилиш тавсия этилади. Шунингдек бошқа далиллар (иш вақтини электрон қайд этиш орқали ҳисобга олиш, ўтиш пунктида ҳисобга олиш журналида ходимнинг имзоси йўқлиги, гувоҳлар кўрсатмалари, бевосита раҳбарнинг доклади (рапорти) ва бошқалар) билан тасдиқлаш ҳам мумкин. **Иш вақтини ҳисобга олиш табелида ишга келмаган вақти ҳам ҳисобга олиниши лозим.**

Белгиланган муддат тугагач (хабарномани почта орқали юборишга кетадиган бир неча кун ҳам ҳисобга олинади) ходимдан тушунтириш келмаган бўлса, бу ҳақда **далолатнома** тузинг.

Бироқ ходимнинг ишга келмаганлиги сабабларини, бунга узрли сабаблар бор-йўқлигини аниқлаш лозим (соғлиги ҳолатига кўра келмаган, йўқолиб қолган, вафот этган ва бошқа ҳолатлар юз берган бўлиши мумкин). Бунинг учун қуйидагиларга сўров юборинг:

> ФХДЁ органлари;

> ходимнинг яшаш жойидаги поликлиникага (ДПМ) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасини расмийлаштирганлиги юзасидан сўров юборинг ва бунга жавоб олинг;

> яшаш жойидаги бошқа ташкилотларга (маҳалла фуқаролар йиғини,

устьақ профилатика инспектори, ички ишлар органлари ва бошқаларга) ходимнинг ҳолатини аниқлаб беришни сўраб муурожаат қилинг ва бунга жавоб олинг.

Ходим хатни (телеграммани) олган ва бу ҳақда хабарномада қайд белгиси кўйилган бўлса-да, бироқ ишга келмаган тақдирда кўрсатилган муддатда прогул ҳолати бўйича тушунтириш тақдим этмаган бўлса, ходимни излаш чоралари самара бермаганда, иш берувчи ўз ихтиёрига кўра МКнинг 100-моддаси 3 ёки 4-бандига биноан у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Мазкур ҳолатда меҳнат шартномасини бекор қилиш куни прогул қилинган дастлабки кундан олдинги кун ҳисобланади (МК 107-моддаси мазмунидан келиб чиққан ҳолда). Айтилик, ходим 2021 йил 4 январдан ишга чиқмаган ва меҳнат шартномаси бекор қилинганга қадар иш жойида бўлмаган тақдирда, шартномани бекор қилиш куни унинг охириги иш куни – 31 декабрь ҳисобланади.

Ходимга прогул сабабли у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисида хабар беришнинг имкони бўлмаганлиги ҳақида буйруқда қайд этилади.

Меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда ходим ишга бўлмаганлиги сабабли унга меҳнат дафтарчасини беришнинг имкони йўқлиги сабабли иш берувчи меҳнат дафтарчасини олиш учун релиши ёки уни почта орқали юборишга розилик билдириши зарурлиги тўғрисидаги хабарномани юбориши шарт. Ушбу хабарнома юборилган кундан бошлаб иш берувчи меҳнат дафтарчасини бермасдан ушлаб турганлик учун жавобгарликдан озод этилади (МК 275-м.).

Ходимни прогул учун ишдан бўшатишда ушбу интизомий жазолар кўлланилган муддатларни кўрсатишни ёддан чиқарманг. Интизомий жазо ноҳўя хатти-ҳаракат аниқланганидан кейин зудлик билан, бироқ аниқланган кундан эътиборан 1 ойдан кечиктирмасдан кўлланилади, бунда ходим бетоб ёки таътилда бўлган даври, шунингдек ходимларнинг вақиллик органлари томонидан қарор қабул қилиниши учун зарур бўладиган вақт ҳисобга олинмайди (МК 101-м.).

Ходим узоқ вақт ишга келмаса, бир ойлик муддат дастлабки прогул кундан эмас, балки охириги кундан ҳисобланади, чунки ходим ишга келганидан кейин сабаблари аён бўлиши ва интизомий жазо кўлланилиши ёки кўлланилмаслиги маълум бўлади.

Жазо ноҳўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан (узоқ муддат прогул қилинганда – ходим иш жойида бўлмаган охириги кундан) бошлаб 6 ой ўтгач кўлланилиши мумкин эмас. Жиноий иш

юритилган вақт кўрсатилган муддатларга киритилмайди.

Шунингдек шуни эътиборга олиш лозимки, қуйидаги ҳолатларда МКнинг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига кўра ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди:

> корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари (ИМТҚ) мавжуд бўлмаганда;

> ИМТҚни тасдиқлаш тартиби бузилганда;

> ИМТҚда меҳнат вазифаларини кўпол равишда бузиш ҳолатлари рўйхати келтирилмаган бўлса, бундай хатти-ҳаракатларни бир марта содир этганлик учун ходим билан меҳнат муносабатлари бекор қилиниши мумкин (МК 174-м.).

Шу тариқа, иш берувчи томонидан ҳар бир муайян ҳолатда сабабларини тушунтирмасдан ишда бўлмаган ходим билан тузилган меҳнат шартномасини

бекор қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилишгача бўлган вазиятни батафсил ўрганиб чиқилиб баҳоланиши лозим.

Иш берувчи юқорида айтиб ўтилган чораларни амалга оширмасдан ходимни прогул учун ишдан бўшатадиган бўлса, у ҳуқуқбузарликка йўл қўйиши хавфи мавжуд бўлади. Ходим касаллик варақаси билан келиши ёки ишда узрли сабаблар тўғрисида бўлмаганлигини исботловчи бошқа тасдиқларни тақдим этиши мумкин, бунда меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ноқонуний ҳисобланади.

Бинобарин, иш берувчининг хатти-ҳаракатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар қанчалик кўп бўлса, ходимга нисбатан жазо чоралари кўлланилиши ҳаққонийлигини исботлаш шунча осон бўлади.

**Валерия Ляндрес,**  
кадрлар хизмати ходими.

### ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ

## Қишнинг бир куни...

**Халқимизда «Қишнинг бир куни қолса ҳам – кўрк» деган нақл бор. Бу бежиз айтилмаган, албатта.**

Февраль ойи нисбатан илиқ келгани билан ҳали қишнинг аёзи ўқтин-ўқтин сезилиб турибди. Иситиш асбобларидан фойдаланишда давом этаётган эканмиз, уларнинг сўз ҳолда ишлашини таъминлашимиз, бир сўз билан айтганда, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишимиз даркор.

Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги 649-сон қарори билан тасдиқланган Ёнгин хавфсизлиги қоидалари биз учун асосий дастуриямал бўлиши лозим. Мазкур ҳужжатда одамларнинг ҳаёти ва соғлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкани, атроф табиий муҳитни ёнгинлардан ҳимоя қилиш юзасидан умумий ёнгин хавфсизлиги талаблари назарда тутилган. Эндиликда фавқулодда давлат аҳамиятига эга бўлган йирик ижтимоий-маданий объектларда меҳнат-техник комиссияси тузилмоқда ва объектнинг ёнгин хавфсизлиги паспорти ишлаб чиқилмоқда.

Бино ва иншоотлар ўртасидаги ёнгинга қарши оралик майдонлардан материаллар, ускуналар ва идишлар қўйиладиган омбор сифатида, транспорт воситаларининг тўхташ жойлари учун, бино ва иншоотларни қириш учун фойдаланишга рухсат этилмайди.

Шуни билиш лозимки, Қоидалар давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шаклдан ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар бошқа ташкилотлар, уларнинг ходимлари, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар ва фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади.

**Исроил Ҳафизов,**  
ЎзМТРК «Media markazi» ДУК ЁХТТЭБ ЁН ва ПБ мутахассиси, оддий аскар.



Иқтисодий-ҳуқуқий газета

**НОРМА МАСЛАХАТЧИ**

ХУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «НОРМА» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир  
**Фарҳод Собирович**  
ҚҮРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –  
бош муҳаррир  
Уринбосари,  
масъул котиб  
**Нодир Носирович**  
АЛИМОВ

Саҳифаловчи  
**Наталья**  
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1,  
Таҳририят тел. (71) 200-00-90  
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30  
E-mail: [shx@norma.uz](mailto:shx@norma.uz)  
[gazeta@norma.uz](mailto:gazeta@norma.uz)  
web: [norma.uz](http://norma.uz)

Обуна, газеталар, китоблар,  
газеталарнинг электрон версияларини  
отказиб бериш ва харид қилиш  
масалалари бўйича (71) 200-00-30;  
«НОРМА» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;  
Рекламани жойлаштириш бўйича  
(71) 231-07-91 телефон рақамларига  
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «ТОПРИТ» МЧЖнинг компьютер базасида теригди ва саҳифаланди.  
Нашр кўрсатиши – 186. Қўғоқ бичими – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нарҳда.  
Бюро тма г 223. Адади 450. Газета 2021 йил 8 февраль соат 16.00 да топширилди.

## БУХГАЛТЕРНИНГ ВАЗИФАСИ ЭМАС

3) муайян даражада бизнес эгаларини нодўстона тарзда «ютиб юборилиш» ёки бизнеснинг бир қисмини бозор нархидан паст қийматда сотиб олиш эҳтимолидан ҳимоя қилиш;

4) кадрларга доир қарорларни ўз вақтида қабул қилиш учун бошқарув ходимларининг фаолиятини ҳолис баҳолаш.

Мулкдор ушбу бутун жараёни ишга тушириши керак. Бунинг учун зарур маблағларни ҳам ажратиши керак. Шу жумладан, агар у мулкдор бўлса, давлат ҳам шу юмушларни бажаради.

– Ундай экан, МХХСга ўтишга мажбурлаш балки нотўғридир?

– Мисол учун, Қозоғистонда 15 йил олдин унга ўтилиши шарт бўлган. Ҳозир у ерда ҳатто биржаларда эркин муомалада бўлган ёки зарур қарзни молиялаштиришга эга бўлган ўрта корхоналар талайгина, сабаби бозорга МХХС бўйича тушунарли ҳисоботни тақдим этишади.

Бизда бу жараёнларни ортиқ чўзиб бўлмайди. Шундоқ ҳам бу ишларга бизда кеч енг шимарилди. МХХС асосидаги ҳисобот – бу асл мақсад эмас, балки маблағлар танқис бўлиб турган бир пайтда молиялаштириш учун воситадир. Ҳеч бир таҳлилчи маҳаллий инвесторга ҳам, хорижий инвесторга ҳам ноаниқ активларга пул киритишни маслаҳат бермайди.

МХХСга ўтиш бўйича ҳамма қарорларни ҳам рисоладагидек деб бўлмайди. Регулатор, жараённинг қолган иштирокчилари каби, вазифалар кўлами ва уни ҳал қилишнинг ало-

ҳида жиҳатларини босқичма-босқич тушуниб бормоқда.

Сўнгги ўн йилликлар давомида МХХС талаб қилганидек, асосланган профессионал мулоҳазалар ишлаб чиқишга қодир бўлган юқори малакали бухгалтерларга эҳтиёжнинг мавжуд бўлмаганлиги, мамлакатдан ўқиган, зехни ўткир, ўз малакасини ватанида қўллаётган мутахассисларнинг чиқиб кетишига олиб келди. Оқибатда бугун молия хизматларининг раҳбарлик ёки шунчаки масъул лавозимларида ишлаш учун қиммат ҳақ оладиган қўшни мамлакатлардан экспатриантларни, яъни хорижий мутахассисларни жалб қилиш билан қопланаётган кадрлар танқислиги кузатилмоқда.

– Корхонада МХХСга ўтиш учун етарлича кадрлар салоҳияти мавжуд бўлмаган тақдирда нима қилинади?

– Ҳар қандай ҳолда, ҳар бир ташкилот (йирик ёки ўрта) МХХС бўлимини ташкил этиши ва уни бозорда кимни топса, шулар билан тўлдиришига ёки қолган муддатда ҳеч бўлмаганда асосий қондаларга ўқитишига тўғри келади. Уни жорий этиш самарадорлиги ва тезлигини ошириш учун, эҳтимол, профессионал маслаҳатчиларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлар. Масалан, Қозоғистон ёки Россиядан.

Малакали ёрдани, ҳеч бўлмаганда, методологик ёрдани аудиторлардан олиш мумкин. «Қатта тўртлик»нинг барча компаниялари шундай хизматларни энг юқори даражада кўрсатади – бу аниқ.

Маслаҳатчиларга бунда нафақат муайян муддат учун ҳисобот тузиш, балки у жараёнда корхонанинг мутахассислари билан узвий ҳамкорлик қилиш вазифасини қўйиш зарур. Бу пировардида тайёрлаш жараёнини мутахассислар мустақил равишда қўлаб-қувватлашлари учун қилинади. Ишлаб чиқариш жараёни асносида ўқитиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

– Раҳбарият нима бўлганда ҳам бухгалтернинг зиммасига корхонада МХХСни жорий этиш ваколатларини топширган тақдирда у қандай йўл тутсин? Қолаверса, бу борада унинг биллими ва қўникмалари етарли эмаслигини ўзи ҳам тушуниб тура...

– Бу ҳолда нима ҳам дердим? Масалан, раҳбарият учун қўйидаги далилни тақлиф қилишим мумкин: талабларининг бажарилиши бўйича техник стандартларга тенглаштирилган Халқаро бухгалтерлар федерациясининг Ахлоқ-одоб кодекси бухгалтерга бажариш учун етарли ваколатга эга бўлмаган мажбуриятларни ўз зиммасига олишни тақиклайди.

Маслаҳатчилар билан бўладиган барча учрашувларга раҳбариятни тақлиф қилиш зарур – майли, мустақил манбалардан раҳбарият учун зарур нарсаларни олишсин.

– Буларнинг барчаси вақтни талаб қилади. Ўтиш даврида бухгалтерия ҳисоби, ҳисоб-китоб ва солиқларни тўлаш нима бўлади?

– Бухгалтерия ҳисобини ҳеч ким бекор қилмаган.

МХХС асосида қирувчи балансни тайёрлаш учун ўтиш санасида ушбу

балансни БХМС форматидан трансформация усули билан ўтказишга тўғри келади. Агар 2021 йил охирига қадар бухгалтерия ҳисоби дастурларини қўшимча сошлаш уудаланмаса, 2021 йил учун дастлабки ҳисоботни ҳам трансформация усули билан тузишга тўғри келади.

Солиқларга келсак, корхона ҳисоботни БХМС ёки МХХС асосида шакллантиришидан қатъи назар, солиқ ҳисоботини тузишда Солиқ кодексида амал қилиш зарур.

– Кўп ташкилотлар мазкур босқичда МХХСни жорий этиш учун маблағ сарфлашга тайёр эмаслар.

– Профессонал хизматлар арзон бўлган вақтлар ўтди. Юқори малака арзон туриши мумкин эмас. Бухгалтерлар малакасини ошириш масаласида маблағларни тежаш амалиёти деярли бутунлай малакали мутахассисларнинг танқислигига олиб келди.

Фақат меҳнатга лозим даражада ҳақ тўлаш касбга иқтидорли ва мақсадга интилувчан инсонларни жалб қилиш имконини беради. Малака олиш – бу ўзига хос ўзига инвестиция киритиш: вақт ва пул, кўп вақт ва кўп пул сарфлашга тўғри келади. Ва мутахассис ушбу пул қўйилмаларини «қайтариб олиш»ни кўзлашга ҳақли. Жамиятимиз ҳам бундан фақат ютади: эришилган ривожланиш дастурларини молиялаштириш имконияти – бу янги ишлаб чиқаришлар ва иш ўринлари деганидир.

Олег ГАЕВОВ сўхбатлашди.

## ✓ ЛОЙИХА

Тажриба тариқасида «Солиқ нархи» механизми жорий этилади. Ҳозирча солиқ базаси фақат қўйидаги 8 номдаги товарлар бўйича ҳисобланади: янги қурилган турар жой бинолари, ундан тайёрланган маҳсулотлар, шакар, алкоголь маҳсулотлари, тамаки маҳсулотлари, ўсимлик мойи, газланган ва газланмаган алкоғолсиз ичимликлар, цемент.

Эслатиб ўтамиз, мувофиқ трансферт нархлар шаклланиши тўғрисидаги низомлар 2022 йил 1 январдан бошлаб амал қилади (30.12.2019 йилдаги ЎРҚ-599-сон Қонун 6-б.).

Лойихага мувофиқ «Солиқ нархи» механизми қўйидаги тартибда ишлайди:

1 Ҳар бир ҳудуд учун товарларнинг/хизматларнинг бозор нархи ДСҚ томонидан белгиланади. Бу ҳақдаги маълумот қўмитанинг расмий сайтыда эълон қилинади ва ҳар ойда янгилаб борилади (лоийҳанинг 8-б.).

2 Бозор қиймати ҳудудлардаги савдо шохобчаларида ўтказилган мониторинг асосида белгиланади (лоийҳанинг 7-б.). Ўхшаш товарларнинг нархлари сифат туфайли кескин фарқ қиладиган бўлса, нархлар қўйидаги нархга қараб белгиланади:

- товар биржаларидаги нархлар;
- онлайн-НКМ ва виртуал кассаларда рўйхатдан ўтказилган товарлар/хизматлар кодлари асосида шакллантирилган нархлар;
- ҳисобварақ-фактураларда кўрсатилган иден-

ДСҚ МИНИМАЛ  
БОЗОР НАРХЛАРИ  
БЎЙИЧА СОЛИҚ  
БАЗАСИНИ АНИҚЛАШ  
МЕХАНИЗМИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚДИ

Солиқ кодексининг 248-моддасига мувофиқ солиқ базаси товарлар ёки хизматларнинг бозор қийматидан келиб чиқиб аниқланишига қарамай ҳозирга қадар ушбу норма қўлланилмаган – ҳисоб-китоб механизми мавжуд бўлмаган. Мазкур муаммони ҳал этиш учун ДСҚ томонидан ВМнинг «Солиқ базасини аниқлашда товарлар (хизматлар) нархини бозор қиймати бўйича белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

тификациялаш кодлари ва сотиладиган маҳсулотнинг штрих-кодлари асосидаги нархлар.

3 Қонун ҳужжатларида товарлар (хизматлар) нархини белгилашда бозор қиймати каби мажбурий тартибда МХХСдан фойдаланиш назарда тутилган ҳолларда МХХСда белгиланган қоидалар қўлланилиши лозим (лоийҳанинг 4-б.).

4 Белгиланган тафовутлар бўйича солиқ базаси қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

• қўшилган қиймат солиғи учун:  $Q S b = (S T B Q - S T H Q)$ ;

• айланмадан олинган солиқ учун:  $A S b = (S T B Q - S T H Q)$ .

Бунда  $Q S b$  – ҚҚС бўйича солиқ базаси;  $A S b$  – айланмадан олинган солиқ бўйича солиқ базаси;  $S T B Q$  – сотилган товарларнинг бозор қиймати,  $S T H Q$  – корхона ҳисоботларига (ҳисобварақ-фактура, онлайн-НКМ ва виртуал касса чеклари) мувофиқ сотилган товарлар қиймати (лоийҳанинг 9-б.).

5 Тадбиркор солиқларни ҳисоблашда эълон қилинган бозор нархларини ҳисобга олмаган бўлса, текширув чоғида солиқ базасига тузатиш киритилади. Солиқ органининг тузатиш киритиш тўғрисидаги қарори жарима солинишига сабаб бўлмайди (лоийҳанинг 10-б.).

6 Солиқ тўловчилар солиқчиларнинг солиқ базасига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қарори юзасидан низолашишга ҳақлидир. Мазкур ҳолатда товарларнинг кўрсатилган қиймати бозор қиймати мувофиқ келишини исботлаб бериш лозим (лоийҳанинг 11-б.).



Товарлар/хизматларнинг бозор қийматини белгилашда асос бўладиган амалдаги ҳужжат Товарлар (хизматлар)нинг бозор қийматидан келиб чиқиб қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ базасини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом ҳисобланади (ВМнинг 14.08.2020 йилдаги 489-сон қарорига 3-илова)

Саида ЖАНИЗАКОВА.

## ДИВИДЕНДЛАР ОРТИҚЧА ТЎЛАНГАН ТАҚДИРДА...

2020 йил учун молиявий натижалар ҳисоб-китобида муассис-жисмоний шахсга (резидентга) йил мобайнида олинган фойдага қараганда кўпроқ дивидендлар тўланганлиги маълум бўлди. Дивидендлар апрелда 1 чорак натижалари бўйича ҳисобланган ва тўланган, бутун йил бўйича эса фойда дивидендлар ҳисоб-китоби учун қабул қилинганидан кам эканлиги маълум бўлди.

Бундай вазиятда қандай йўл тутишни ДСҚ Солиқ солиш бўйича маслаҳат бўлими бошлиғи Азиз УМИРЗОҚОВ тушунтирди:

– Юридик шахснинг фойдасини тақсимлашда иштираётган томонидан олинган даромад дивидендлар деб эътироф этилади. Хусусий корхона мулкдорига, оилавий корхона иштираётқисига ёки фермер хўжалиги бошлиғига бундай юридик шахслар тасарруфидан қолган фойда суммасидан тўланадиган даромадлар дивидендларга тенглаштирилади. Фойда эса ҳисобот даври – йил якуни бўйича аниқланади (СК 41-м. 1-қ. 1-б., 4-қ.; 2-сон БҲМС, АВ рақами 483, 26.08.1998 йил).

Шу тариқа, 1 чорак якуни бўйича дивидендлар тўғри ҳисобланган бўлсада, уларнинг охириги миқдорини ҳисобот даври якуни бўйича олдинги даврларда жамғарилган фойда/зарарни ҳисобга олган ҳолда аниқлаш зарур.

Келтирилган вазиятда бухгалтер дивидендларни ҳисоблаб чиқариш пайтида корхона фойданинг прогноз ҳажмига чиқмаганлиги туфайли ҳисобдаги ноаниқликларни тузатишига тўғри келади.

Энг аввало, муассисга тегишли дивидендларни 2020 йил охирида балансда акс эттирилган корхона ҳақиқатда олган фойдадан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқаринг.

Ортиқча тўланган дивидендлар суммаси жисмоний шахсларнинг бошқа даромади сифатида ҳисобланиши керак. Ўзбекистон резидентларининг дивидендларига 5% ставка бўйича солиқ солинади. Жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари эса 12% ставка бўйича ЖШДС солинади ва ижтимоий солиқ солинмайди (СК 377-м. 15-б., 381-м., 403-м.). Ортиқча тўланган дивидендлар суммасига бюджет 7% солиқни кам олган.

Ортиқча тўланган дивидендлар суммаси жисмоний шахсларнинг бошқа даромади сифатида ҳисобланиши керак. Ўзбекистон резидентларининг дивидендларига 5% ставка бўйича солиқ солинади. Жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари эса 12% ставка бўйича ЖШДС солинади ва ижтимоий солиқ солинмайди (СК 377-м. 15-б., 381-м., 403-м.). Ортиқча тўланган дивидендлар суммасига бюджет 7% солиқни кам олган.

### Бухгалтериянинг ҳаракатлари тартиби:

**1** Солиқ агенти томонидан тўлов манбаида ушлаб қолинмаган, дивидендлар ва фойзалар тарзида тўланадиган даромадлардан олинмаган солиқ ҳисоб-китобларини қайта топширинг.



Хатони бухгалтер 2020 йил охирига тузатади, Ҳисоб-китобнинг ўзи йил бошидан ўсиб боровчи якун билан тўлдирилади. Бироқ Ҳисоб-китобга 2-илова – Ушлаб қолingan солиқлар тўғрисида маълумотнома (3-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 йил) дивидендлар (фойзалар) ҳисобланган ва тўланган ҳар ой якуни бўйича ўсиб бормайдиган якун билан тўлдирилади ва илова қилинади. Шу боис бухгалтер бундай вазиятда ушбу Ҳисоб-китобни 2020 йил 1 чорак учун ҳисобланган ва тўланган дивидендлар якуни бўйича 2-иловани ҳисобга олган ҳолда – 2020 йил апрель учун қайта топширишига тўғри келади. Агар дивидендлар суммаси апрелда тўлиқ тўланмаган бўлса, Ҳисоб-китоб ва унга 2-иловани кейинги даврлар учун – 2020 йил апрель-декабрь учун қайта топшириш зарур. Бунинг учун Ҳисоб-китобнинг 080, 090 (091), 120 (121)-сатрларидаги суммаларга тузатиш киритилиши зарур. Шунингдек, Маълумотноманинг «Олдинги ҳисобот даври (даврлари)» ва «Жорий ҳисобот оyi учун» сатрлари бўйича 7-10-устунларига киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда Ҳисоб-китобга 2-иловага тузатиш киритиш ва илова қилиш зарур. Қайта ҳисоб-китоб топширилгандан кейин дивиденд солиғи бўйича шахсий карточкага ҳам ўзгартиришлар киритилади, дивиденд солиғи бўйича ортиқча тўлов суммаси акс этади, уни ЖШДС ҳисобига ҳисобга олиш мумкин.

**2** Ортиқча тўланган дивидендларни 2020 йил апрель-декабрь учун ЖШДС ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китобида акс эттиринг (4-илова, АВ рақами 3221). Бунинг учун ҳисоб-китобларни қайта топширинг.


**3** Ортиқча тўланган дивидендлар суммасидан бюджетга қўшимча 7% ЖШДС ўтказинг.

**4** Солиқ органига солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни солиштиришни илтимос қилиб мурожаат қилинг. Солиштириш далолатномаси асосида солиқ органи мустақил равишда ортиқча тўланган дивиденд солиғини ЖШДС

тўлови ҳисобига ҳисобга олади (СК 103-м. 5-қ., 104-м. 1, 2-қ.).

Агар дивидендларни оловчи – норезидент бўлса, шу каби ҳаракатларни амалга оширинг. Бу ҳолда бюджетга 10% қўшимча тўлашга тўғри келади, сабаби норезидентларнинг дивидендларига 10% ставка бўйича, бошқа даромадларига – 20% ставка бўйича солиқ солинади (СК 382-м.).

Тўлов манбаи ортиқча тўланган дивидендлар суммасини даврнинг бошқа ҳаражатлари таркибида ҳисобга олиши керак. Фойда солиғи тўловчи уларни чегирилмайдиган ҳаражатлар сифатида акс эттиради (СК 317-м. 18 б.). Фойда солиғи ҳисоб-китобини қайта топширишга тўғри келиши мумкин.



## ХАТОЛАР УСТИДА ИШЛАШ



2018 йилда ЯСТ тўловчиси бўлган корхона АВ сотиб олиш учун кредит олган. 2018 йилнинг ноябрь ойида 100 млн сўм миқдоридagi асосий қарзни сўндириш учун тўланган суммани хато равишда 9610-счётга ҳисобдан чиқарилган. 2020 йилда кредит тўлиқ сўндирилган. Шунда 7810-счётда банкдан 100 млн сўмлик кредиторлик қарзи қолганлиги натижасида бухгалтерия ҳисобидagi хатолик аниқланган.

2018 йилда бухгалтерия ҳисобида йўл қўйилган хатолик 2020 йилда қандай тузатилади?

– Кредит олинганда ҳар йилнинг охирида кредитнинг жорий қисми қуйидаги бухгалтерия проводкаси орқали кўрсатилади:

- 7810-«Узоқ муддатли банк кредитлари» счёти дебети
- 6950-«Узоқ муддатли мажбуриятлар – жорий қисми» счёти кредити.

Асосий қарз 2018 йилда сўндирилганда 100 млн сўм хато равишда 9610-«Фойзалар кўринишидаги ҳаражатлар» счёти бўйича ҳаражатларга киритилган. Аслида ушбу сумма ҳаражат ҳисобланмаган, бу узоқ муддатли кредитнинг жорий қисмини сўндириш бўлган, уни 6950-счётнинг дебети бўйича акс эттириш лозим эди. Корхона кредитнинг жорий қисмини 6950-счётда ажратиб кўрсатган бўлганда, хатолик 2018 йил учун бухгалтерия баланси тузилаётганда аниқланган бўларди, чунки у 6950-счётда сўндирилмаган ҳолатда қоларди.

Проводкада хатоликка йўл қўйилганлиги натижасида 2018 йил учун корхона фойдаси 100 млн сўмга камайган, шунингдек ушбу сумма 7810-счёт кредити бўйича ҳисобда акс этгани ҳолатда қолган.

Хатолик қайси йилда аниқланган бўлса, ўша даврдаги бухгалтерия ҳисобида тузатилади. Саволдан келиб чиқадиган бўлса, сиз уни 2020 йилги бухгалтерия ҳисобида тузатмоқчисиз ҳамда мазкур тузатишларни ҳисобга олган ҳолда молиявий ва солиқ ҳисоботларини топширмақчисиз.

Бухгалтерия ҳисобида хатони тузатишда хатолик суммасининг муҳимлиги мезонидан келиб чиққан ҳолда проводкалар берилди. Ҳар бир корхона мазкур мезонни мустақил белгилайди ва бухгалтерия ҳисобида акс эттиради. Хатони 100 млн сўм корхона учун муҳим ёки муҳим эмаслигидан келиб чиққан ҳолда тузатишингиз лозим.

Хато муҳим бўлса, 2020 йил бошидаги тақсимланмаган фойда сальдосига ўзгартириш киритган ҳолда бухгалтерия проводкалари билан тузатилади (АВ томонидан 27.08.1998 йилда 484-сон билан рўйхатдан ўтказилган 3-сон БҲМС-нинг 17.1-б.):

- 7810-«Узоқ муддатли банк кредитлари» счёти дебети
- 8720-«Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)» счёти кредити.

Хато муҳим бўлмаса, у қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан тузатилади:

- 7810-«Узоқ муддатли банк кредитлари» счёти дебети
- 9430-«Бошқа операцион ҳаражатлар» счёти кредити.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

### РЕКЛАМА

**«КОРХОНА ЮРИСТИ»** NORMA

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.  
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz,  
web: www.norma.uz



**?** *Ҳокимиятга топширилган кўчмас мулк эвазига корхонамиз (МЧЖ – айланмадан олинадиган солиқ тўловчиси) 4 млрд сўмлик бошқа шунга тенг қийматдаги кўчмас мулкни олган. Яъни МЧЖ ҳисобида бу операциядан даромад ҳам, зарар ҳам вужудга келмади. Фаолият учун бу кўчмас мулк керак эмас. Раҳбаримиз уни 600 млн сўм нархда сотишга қарор қилди.*

1. Мулкнинг кадастр қийматини қандай билиш мумкин?

2. Балансда қандай қиймат акс эттирилиши керак: кадастр қиймати ёки ҳокимият томонидан берилган қабул қилиш-топириш далолатномасида кўрсатилганими?

3. Мулкни сотиш учун қандай тартиб-таомиллар бажарилиши керак?

4. Кўчмас мулк кадастр, баланс ёки бозор қийматида сотилганда қандай солиқ оқибатлари юзага келади?

## КЎЧМАС МУЛКНИ ЗАРАРИГА СОТИШ

**1** Кўчмас мулк эгаси ўзгаргандан сўнг,

кадастр йиғмажилди унинг номига қайта расмийлаштириб берилади (Қоидаларнинг 45-б., АВ рўйхат рақами 2725, 3.11.2015 й.).

Юридик шахсларга тегишли бино ва иншоотларнинг қиймати сифатида улар томонидан берилган маълумотларга асосан бино ва иншоотларнинг кадастр йиғмажилди тайёрланаётган календарь йилнинг 1 январь ҳолатидаги қолдиқ қиймати кўрсатилади (Қоидаларнинг 26-б.).

**2** Асосий воситалар бошлангич қиймати бўйича ҳисобга олинади. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда айирбошлаш йўли билан олинган АВнинг бошлангич қиймати берилган асосий воситаларнинг қолдиқ қийматига тенг (5-сон БҲМСнинг 10, 18-б., АВ рўйхат рақами 1299, 20.01.2004 й.).

Шундай қилиб, кўчмас мулк объектини 4 млрд сўм нархда қилиш керак.

**3** Сотилган мулкнинг қиймати таъриф этилаётган мол-мулк катта нархга эга бўлгани учун у йирик битим сифатида малакаланиши мумкин.

Жамият мол-мулки қийматининг 25%дан ортиқ қийматга эга бўлган жамиятнинг мол-мулкни сотиб олиши ёки тасарруфидан чиқариши билан боғлиқ бўлган битим йирик битим деб ҳисобланади. Йирик битимни тузиш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисидаги Қонуннинг 44-м. 1, 3-қ.). Кўчмас мулкни сотиш учун ёзма равишда шартнома тузиш керак. Кўчмас мулкни сотиш шартномасига биноан кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг сотиб олувчига ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим (ФКнинг 480, 481-м.). Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари филиаллари рўйхатдан ўтказилади (Низом 6-б., 29.12.2018 йилдаги 1060-сон ВМҚга 1-илова)

Кўчмас мулкни қабул қилиш-топириш далолатномаси бўйича топширигандан сўнг янги мулкдор уни кадастр органида давлат рўйхатидан ўтказганлигини текширишни тавсия

этамиз. Кўчмас мулк объекти мулкдорлари бўлган юридик шахслар кўчмас мулк объектига бўлган мулк ҳуқуқи ўзгарган кундан бошлаб бир ой муддатда ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиши зарур (Низомнинг 11-б.). Кадастрга ўзгартиришлар киритилгунга қадар сизнинг корхонангиз мол-мулк солиғи тўловчиси бўлиб қолади (СКнинг 410-м. 1-қ. 1-б., 411-м. 2-қ. 1-б.). Кўчмас мулкни МЧЖга ўтказишда ҳокимият томонидан мол-мулкнинг бозор қийматини баҳолаш ўтказилади. Шунинг учун, агар баланс қиймати (4 млрд сўм) ва (ёки) кадастр қиймати сотиш нархидан (600 млн сўм) сезиларли даражада фарқ қилса, мол-мулкнинг баҳолаш компанияси томонидан тасдиқланган бозор қиймати нима учун сотиш нархидан анча фарқ қилиши юзасидан сизда асос бўлишини тавсия этамиз. Мол-мулкни яна бир бор қайта баҳолаш ёки кимосиди савдосига қўйиш керак бўлиши мумкин.

**4** Кўчмас мулкни сотиш бўйича молиявий кўрсаткичлар 9200-«Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счётлар» бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Натижа: фойда – 9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счётида (ёки 9320-«Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда»), зарар – 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счётида. Кўчмас мулкни сотишдан олинган фойда жами даромад солиғига киритилади (СКнинг 297-м. 3-қ. 6-б., 463-м. 1-қ.). Зарар айланмадан олинадиган солиқ миқдорига таъсир қилмайди.

Агар кўчмас мулк бухгалтерия ҳисоби счётларида келтирилган қолдиқ қийматдан пастроқ нархда сотилса, у ҳолда ушбу ҳужжалик операциясидан зарар олинади.

Ольга БУСАРОВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.



## УСТАВ ФОНДИ КАМАЙГАНДА АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ

**?** *Ташкилот – айланмадан олинадиган солиқ тўловчиси йил натижаларига кўра соф активларнинг салбий қийматига эга. Жамият ўз устав капиталини «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ соф активлар миқдорига камайтирди. Устав капиталининг соф активлар қийматига камайиши айланмадан олинадиган солиққа тортилади.*

– Агар иккинчи ва ҳар бир кейинги молия йили тугаганидан кейин МЧЖ соф активларининг қиймати унинг устав фондидан кам бўлиб қолса, жамият ўз устав фондидан ўзининг соф активлари қийматидан ошмайдиган миқдорга камайитириш шарт («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун 19-м. 4-қ.). Барча муассислар улушларининг номинал қийматини камайитириш ва ўтган йиллардаги зарарларни коплаш йўли билан МЧЖнинг устав фондидан камайитириш даромад олинишига

олиб келмайди. Бинобарин, бу операция айланмадан олинадиган солиққа тортилмайди.

Таъсисчилар улушларининг номинал қиймати камайишини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун 6600-«Таъсисчиларга бўлган қарзни ҳисобга олувчи счётлар» счётлар гуруҳида қўшимча 6640-«Таъсисчиларга қийматининг номинал қиймати камайганда қарз» счётини очишни тавсия этамиз.

МЧЖ устав фондидан соф активлар қийматига камайиши бухгалтерия ўтказмаларида қуйидагича акс эттирилади:

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси	
	дебет	кредит
Устав фонднинг соф активлар қийматига камайиши	8330-«Пай ва улушлар»	6640-«Таъсисчиларга қийматининг номинал қиймати камайганда қарз»
	6640-«Таъсисчиларга қийматининг номинал қиймати камайганда қарз»	8720-«Жамеарилган фойда (қопланмаган зарар)»



## НАРХ БОЖХОНА ҚИЙМАТИДАН ПАСТ БЎЛСА

**?** *Корхона импорт қилинган товарларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланади.*

*Импорт қилинган товарни божхона қийматидан паст нархда реализация қилиш чоғида фойда солиғи бўйича ҚҚСга ўхшаш солиқ оқибатлари юзага келадими?*

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинган товарларни реализация қилиш чоғида ҚҚС бўйича солиқ базаси ушбу товарларни импорт қилиш чоғида бюджетга ҳақиқатда тўланган ҚҚС ҳисоблаб чиқарилган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас. Импорт қилиш чоғида ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш учун база божхона қийматига ҳисобланмайди, унга божхона бож ва ақиз солиғи (ҳисобланган бўлса) ҳам қиради (СК 248-м. 5-қ., 254-м. 1-қ.). Товарларни реализация

қилиш чоғида солиқ базаси импорт қилиш чоғидаги солиқ базасидан паст бўлиб чиқса, корхона ушбу фарқдан ҚҚСни ўз ҳисобидан тўлаши лозим.

Фойда солиғи бўйича шунга ўхшаш оқибатлар юзага келмайди. Фойда солиғини ҳисоблаб чиқариётганда товарларни сотишдан олинган даромад жами даромад таркибига киритилади, товар таннари эса чегириб ташланадиган харажатларга қиради (СК 297-м. 3-қ., 305-м.).

Азизахон ТОШЎЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.



## ИМПОРТ ҚИЛИНГАН НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ БЎЙИЧА АКЦИЗ СОЛИҒИ

ДСҚ импорт қилинган бензин, дизель ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчиларга ва ўз эҳтиёжлари учун реализация қилишга акциз солиғини солиш бўйича ўз позициясини тушунтирди.

Куйидаги шахслар СКга мувофиқ акциз солиғи тўловчилари деб тан олинади:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз солиғи солинадиган товарларни ишлаб чиқарувчилар;

- бензин, дизель ёқилғисини якуний истеъмолчиларга реализация қилишни (шу жумладан – автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали) ва газни (газ тўлдириш станциялари ва газ тўлдириш пунктлари орқали) реализация қилишни амалга оширувчилар (СК 283-м. 1-қ.).

СКнинг 283-моддаси 1-қисми 3-банди қоидаларини қўллаш мақсадида якуний истеъмолчилар деганда ўз эҳтиёжлари учун бензин, дизель ёқилғиси ҳамда газ олувчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади.

Олиб кирилган (импорт қилинган) бензин, дизель ёқилғиси ҳамда газ ўз эҳтиёжлари учун ишлатилганда, акциз солиғини уларни ўз эҳтиёжлари учун импорт қилган шахслар тўлайди (СК 289-3-м. 3-қ.).

Куйидагилар акциз солиғи солинадиган объектлар ҳисобланади:

- акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш, шу жумладан уларни бошқа товарларга (хизматларга) айирбошлаш учун бериш;

- бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилиш ёки улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш (СК 284-м. 1-қ. 1, 7-б.).

Бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилиш чоғида реализация қилинган ва (ёки) ўз эҳтиёжлари учун фойдаланилган бензиннинг, дизель ёқилғиси ва газнинг натурда ифодаланган ҳажми солиқ базаси ҳисобланади (СК 285-м., 10-қ.).

Акциз солиғи солинадиган товарлар (хизматлар) рўйхати ва 2021 йил учун акциз солиғи ставкалари СКнинг 289-1, 289-2, 289-3-моддалари билан белгиланган. Якуний истеъмолчига реализация қилинадиган бен-

зин, дизель ёқилғиси ва газ бўйича акциз солиғи ставкалари СКнинг 289-3-моддаси 1-қисми 5-бандида келтирилади.

Бунда 2020 йилда амал қилган тартибга мувофиқ, СКнинг 289-моддасига асосан акциз солиғи солинадиган товарлар (хизматлар) рўйхати ва улар бўйича акциз солиғи ставкалари Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун билан тасдиқланган.

Жумладан, 2020 йил учун акциз солиғи ставкалари «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги ЎРҚ-589-сон Қонуннинг 8-илоvasи билан тасдиқланган. Кўрсатилган илованинг 1-13-позицияларида Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқариладиган (хизмат кўрсатиладиган), акциз солиғи солинадиган товарларга (хизматларга) нисбатан акциз солиғи ставкалари, 14-позициясида эса Ўзбекистон ҳудудида якуний истеъмолчига – ушбу товар турларининг келиб чиқиш ҳудудидан қатъи назар реализация қилинадиган бензин, дизель ёқилғиси ва газ бўйича акциз солиғи ставкалари келтирилган.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистонда акциз солиғи солинадиган товарлар ишлаб чиқарувчи шахслар ва якуний истеъмолчига бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилувчи шахслар турли тоифалар эканлиги ва ҳуқуқий мустақилликка эгаллигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда якуний истеъмолчига бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилиш ёки уларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиш бўйича операцияларга акциз солиғи солиш **бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг келиб чиқиш ҳудудидан қатъи назар** амалга оширилади.

Шу тариқа, Ўзбекистонда якуний истеъмолчига олиб кирилган (импорт қилинган) бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилишга ёки улар ўз эҳтиёжлари учун ишлатилганда, шу жумладан – 2021 йилга қадар, акциз солиғи солинади.

## ЖИСМОНИЙ ШАХС МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ ҲАҚ ТЎЛАШ – СОЛИҚ ҚАНДАЙ УШЛАБ ҚОЛИНАДИ

Корхона жисмоний шахсининг манфаатларини кўзлаб товарлар (хизматлар), мулкӣ ҳуқуқлар ҳақини тўлаши, бепул мол-мулкни бериши мумкин ва ҳ.к. Бунда ЖШДСни қандай ушлаб қолиш ҳақида «Nogma» компанияси эксперти Дилором САИДОВА гапириб берди:

– Жисмоний шахсга бундай ҳақ тўлаш ва мол-мулкни бериш унинг моддий наф тарзидаги даромади ҳисобланади. Бундай даромадлар рўйхати СКнинг 376-моддасида келтирилган:

1) Юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини кўзлаб, товарлар (хизматлар), мулкӣ ҳуқуқлар ҳақини тўлаш, шу жумладан:

- болаларини мактабгача таълим ташкилотларида ўқитиш, тарбиялаш ҳақини тўлаш;

- жисмоний шахсларга берилган уй-жойнинг коммунал хизматлар ҳақини, уй-жойдан фойдаланиш харажатларини, ётоқхонадаги жойлар ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

- санаторий-курортларда даволаниш йўлланмалари қийматини, дам олиш, стационар ва амбулатор даволаниш ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

- юридик шахснинг жисмоний шахс даромади бўлган бошқа харажатларини тўлаш;

2) Жисмоний шахснинг манфаатларини кўзлаб текин, шу жумладан ҳада шартномаси бўйича берилган мол-мулкнинг ва кўрсатилган хизматларнинг қиймати;

3) Товарларни (хизматларни) жисмоний шахсларга реализация қилиш нархи ҳамда уларнинг қиймати ўртасидаги салбий фарқ. Қиймат уларни сотиб олиш нархидан ёки таннархидан келиб чиққан ҳолда акциз солиғи ва ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда аниқланади;

4) Ходимларга темир йўл, авиация, дарё, автомобиль транспорти ва шахар электр транспортида юриш бўйича бериладиган имтиёзлар суммаси;

5) Жисмоний шахснинг улар олдидаги қарзининг юридик шахс қарори билан ҳисобдан чиқарилган суммалари;

6) Солиқ агенти томонидан тўловлар ҳисобига тўланиб, жисмоний шахсдан ушлаб қолиниши лозим бўлган, лекин ушлаб қолинмаган суммалар.

Моддий наф тарзидаги даромадларга ЖШДС солинади, бироқ ижтимоий солиқ ва ШЖБПХ солиш объекти ҳисобланмайди (СК 403-м.; Низом, АВ рақами 1515, 6.10.2005 йил).

Корхона жисмоний шахсга даромад тўлашда солиқ агенти функциясини бажаради – солиқни тўлов манбаида ҳисоблаб чиқаради, ушлаб қолади ва бюджетга ўткази (СК 386-м. 1, 2-қ.).

Моддий наф тарзидаги даромадларни тўлашда – солиқ агенти ва жисмоний шахс ўртасида меҳнатга оид муносабатларнинг мавжудлиги масаласи муҳимдир. Агар улар мавжуд бўлмаса, корхона жисмоний шахснинг даромадидан тўланиши керак бўлган солиқни ҳеч нарсадан ушлаб қололмайди. Ушбу вазият Солиқ кодексидида инобатга олинган: ўзи билан меҳнатга оид муносабатларда бўлган резидент бўлган жисмоний шахсга моддий наф тарзида даромад тўловчи солиқ агенти жисмоний шахснинг ёзма аризаси асосида солиқни ушлаб қолмасликка ҳақли (СК 387-м. 2-қ.).

### 1-МИСОЛ. Ходим томонидан моддий наф тарзидаги даромад олиниши

Корхона ходимага боласини мактабгача таълим муассасасида ўқитиш, тарбиялаш ҳақини тўлади. Январь учун ҳақ суммаси – 245 миң сўм.

Ушбу сумма ходимнинг жами даромадида киритилади ва унга ЖШДС солиниши лозим (СК 376-м. 1-б.). Моддий наф тарзидаги даромаддан ЖШДС суммаси 29 400 сўмни (245 000 × 12%) ташкил этади, у январь учун даромаддан олинмадиган ЖШДСнинг умумий суммасига қиради.

Ҳисобланган моддий наф тарзидаги даромадлар суммаси фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда чегирилмайди (СК 317-м. 3-б.).

### 2-МИСОЛ. Ходим бўлмаган томонидан моддий наф олиниши

Корхона пенсионерга хусусий клиникада даволаниши учун 3 млн сўм тўлади. Пенсионер моддий наф тарзидаги солиқ солинадиган даромад олди (СК 376-м. 1-қ.) Корхона солиқ агенти сифатида даромадни тўлаш чоғида 360 000 сўм миқдоридида ЖШДСни ушлаб қолиши керак.

Пенсионернинг бу корхонада бошқа даромадлари бўлмаганлиги боис, унга солиқ суммасини ёки корхонанинг банк ҳисобварағига тўлашни ёхуд солиқни декларация асосида тўлашга рози бўлишини таклиф қилишди. Жисмоний шахс солиқни мустақил равишда тўлаш ҳуқуқидан фойдаланишига қарор қилди ва бу ҳақда ариза берди (СК 387-м. 2-қ.).

Бу ҳолда корхона 3 млн сўм миқдоридидаги барча суммани клиниканинг ҳисобварағига ўткази ва солиқ агенти сифатида, солиқ даври (йили) туганидан кейин 30 кун ичида корхонанинг солиқ бўйича ҳисобда турган жойдаги ДСИга тўлов манбаида солиқ солинмаган моддий наф тарзидаги даромадларни олган жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиши шарт (СК 389-м. 1-қ. 1-б.). Мазкур маълумотномани корхона солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали жўнатади. Маълумотнома коди 11102\_5».



Маълумотномани тақдим этишининг сўнги муддати – даромадни тўлаш амалга оширилган йилдан кейинги йилнинг 30 январь. Жорий йилда 30 январь дам олиш кунига тўғри келади, шу боис маълумотномани тақдим этишининг сўнги муддати – 1 февраль.

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

– «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида».

## ● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

– «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғида соғлом рақобат муҳитини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

## ● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

– «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида».

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини Ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида\*

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, юқори иқтисодий ўсишга эришиш ҳисобидан халқимизнинг фаровонлигини ошириш ва кундалик ҳаётидаги муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Халқ билан очик мулоқот натижалари асосида тайёрланган **2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури** (кейинги ўринларда – Давлат дастури) иловага\*\* мувофиқ тасдиқланган.

2. Коронавирус пандемияси шароитида **тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чораларини давом эттириш** мақсадида қуйидагиларнинг амал қилиш муддати **2021 йил 31 декабрга қадар** узайтирилсин:

туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларида фаолият юритаётган субъектларнинг ер ва мол-мулк солиғи бўйича 2021 йил 1 январь ҳолатига қардорлиги тўланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ–5969сон Фармонида назарда тутилган вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган ҳужалик юритувчи субъектларнинг мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича 2020 йил 31 декабрь ҳолатига қўра, мавжуд қарзига пеня ҳисобланишини тўхтатиш ва солиқ қарзини мажбурий ундиришга қаратиш чораларини кўрсатилган талаби;

коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тадбиркорлик субъектларига 2020 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқда турган **мол-мулк солиғи ва ер**

**солиғи бўйича берилган фойсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) суммаси;**

«хуфиёна иқтисодиёт» улушини қисқартириш учун солиқ аудити ўтказишда «таҳлика-таҳлил» тизими босқичма-босқич жорий этилган ҳолда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган кичик тадбиркорлик субъектларига **солиқ аудити ўтказилишига мораторий.**

3. Ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож талабаларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий адолат тамойилини таъминлаш мақсадида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

а) олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган **200 нафар** ёшлар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти гранти жорий этилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги ва Давлат тест маркази билан биргаликда **2021 йил 1 апрелга қадар** Ўзбекистон Республикаси Президенти грантини ажратиш тартибини ишлаб чиқсин ва олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида балл тўплаган шахслар тўғрисидаги очик маълумотларни назарда тутувчи ягона электрон реестрни шакллантирсин;

б) олий таълим муассасасида икки ва ундан ортиқ фарзанди шартнома асосида ўқиётган oilаларга таълим кредити бериш ва талаба томонидан ушбу кредитни ўқий даври тугагандан сўнг қайтарши амалиёти йўлга қўйилсин.

Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда **икки ой муддатда** мазкур амалиёти йўлга қўйиш ҳамда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига кредитлар учун мақсадли ресурслар ажратишини таъминлаш чораларини кўрсин;

в) олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони **25 фоизга** ҳамда эҳтиёжманд oilалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат грантлари сони **2 бараварга** оширилсин, шунингдек, хусусий олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашга давлат гранти бериш тизими жорий этилсин.

\*Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 4.02.2021 йилдан кучга кирди.

\*\*Ушбу Фармонга илова «СБХ»да берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиш мумкин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021/2022 ўқув йили учун ўқишга қабул қилишга давлат буюртмаси параметрларининг тубдан қайта кўриб чиқирилишини таъминласин;

г) академик таътил беришнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

академик таътил олишни истаган талабалар ўз ихтиёрига кўра академик таътил муддатига таълимнинг сиртки ва масофавий шаклига ўтказилиб (агар олий таълим муассасасида бундай таълимнинг шакллари мавжуд бўлса), уларга узлуксиз мустақил таълим олиш имконияти яратилади;

оиласининг бетоб аъзосини парвариш қилиш сабабли анъанавий шаклдаги таълимни давом эттириш имконияти бўлмаган талабаларга ҳам академик таътил олиш ҳуқуқи берилади;

талабаларга ўқиш давомида академик таътил берилиши бўйича миқдорий чекловлар бекор қилинади;

академик таътидан қайтган талабаларни илгари ўзлаштирилган фанлар бўйича қайтадан ўқитиш амалиёти бекор қилинади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда бир ой муддатда академик таътил олишни истаган талабалар томонидан сиртки ва масофавий шаклда мустақил таълим олишни ташкил этиш, олий таълим муассасаларида экстернат тартибда таълим олиш бўйича ҳуқуқий асосларни яратишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

д) илмий унвон ва илмий даражаларни бериш ваколати 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб республиканинг нуфузли олий таълим муассасаларининг илмий кенгашларига босқич-ма-босқич ўтказилсин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий ағстация комиссияси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда илмий даражали кадрлар тайёрлаш ва олий таълимдан кейинги таълим соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентини қарори лойиҳасини киритсин.

4. Республикада талаб юқори бўлган касблар бўйича иқтидорли мутахассисларни нуфузли хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда тайёрлашнинг самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида 2021 йил 1 апрелдан бошлаб:

«Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали нуфузли хорижий олийгоҳларнинг магистратура ва докторантурасида ўқишга юбориладиган ёшлар сони 5 баробарга оширилсин;

«Эл-юрт умиди» жамғармаси ҳисобидан хорижда бакалаврият таълим дастурлари бўйича ўқитиш тизими жорий этилиб, 2021 йилда 100 нафар ёшларнинг хорижга таълим олиш учун юборилиши таъминлансин;

«Эл-юрт умиди» жамғармаси таълим дастурлари бўйича номзодларни саралашни очик стипендия танлови асосида Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун уларнинг республикадаги иш ва ўқиш жойидан қатъи назар мунтазам равишда ўтказиш амалиёти йўлга қўйилсин;

бакалаврият, магистратура ва докторантурада ўқиш дастурлари учун стипендия танловини нуфузли хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассасадан ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги таклифнома асосида ўтказиш тартиби йўлга қўйилсин.

«Эл-юрт умиди» жамғармаси бир ой муддатда давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича аниқ чоралар кўрсин.

5. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар Академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги уч ой муддатда физика фани ва чет тиллари

бўйича узлуксиз таълим сифати ва натижадорлигини ошириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи комплекс дастурларни ишлаб чиқсин:

илмий тадқиқотларни ривожлантириш, таълим ташкилотларида маъзур фанларни ўқитиш методикасини қайта кўриб чиқиш, амалий ва инновацион лойиҳалар танловларини ташкиллаштириш, соҳадаги илмий ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш;

янги авлод, шу жумладан, электрон дарслик ва ўқув курсларини яратиш, шунингдек, ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўқув дастурларида амалий ва интерфасл машғуллотларини улушини кўпайтириш;

хорижий тилларни ўрганиш учун кенгроқ имконият яратиш мақсадида бепул тил ўрганиш электрон платформаларини яратиш;

ихтисослашган мактаб (синф)лар фаолиятини босқич-ма-босқич йўлга қўйиш, уларни олий таълим ташкилотлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари билан ўзаро боғлаш ҳамда хорижий мамлакатлардан ўқувчиларни жалб этиш.

6. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда 2025 йилда Ўзбекистонда ёшлар ўртасидаги IV ёзги Осиё ўйинларини ўтказишга пухта тайёргарлик кўриш ишлари бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва унда қуйидагилар назарда тутилсин:

республикада мавжуд спорт объектлари ва иншоотлари, логистика, транспорт ва меҳмонхона инфратузилмасини ўрганиш натижасида Осиё Олимпия Кенгаши ва халқаро спорт федерациялари талабларига мувофиқ уларни таъмирлаш ёки янгиларини қуриш бўйича таклифларни тайёрлаш;

ёшлар ўртасидаги IV ёзги Осиё ўйинларига тайёргарлик қуришнинг бош режасини унда белгиланадиган ҳар бир тадбир бўйича молиялаштириш манбаси ва масъул ижрочини кўрсатган ҳолда тузиш;

Осиё Олимпия Кенгаши талабларига асосан ёшлар ўртасидаги IV ёзги Осиё ўйинлари дастурига киритиладиган спорт турларини саралаш олиш ва ўйинлар дастурини ишлаб чиқиш босқичларини белгилаш.

7. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш мақсадида:

а) 2021 йил 1 июлдан бошлаб «ҳамширалик иши» билан мустақил шуғулланиш учун ўрта тахассисларига ўзини ўзи банд қилиш асосида рухсат берилсин;

б) 2021 йил якунига қадар меҳрибонлик уйларининг уй-жойга муҳтож 900 нафар чин етим битирувчилари уй-жой билан таъминлансин.

Молия вазирлиги кейинги йиллар учун бюджет параметрларини шакллантиришда меҳрибонлик уйларининг уй-жойга муҳтож етим битирувчилари ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлашга маблағлар ажратилишини назарда тутиб борсин;

в) 2021 йилда 22 та мактабга таълим ташкилоти бинолари, 31 та янги мактаб, 16 та олий таълим муассасалари бинолари, 24 та солиқни сақлаш объектлари ҳамда 23 та спорт объектларининг қурилиши таъминлансин.

8. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг таълим олиши ва касб эгаллашга кўмаклашиш, оғир касалликка чалинган болаларни даволаш мақсадида Болаларни қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилсин ва унинг мақсадлари амалга оширилишини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 100 миллиард сўм ажратилсин.

9. Илгор хорижий таъриба ва кенг жамоатчилик таклифлари инобатга олинган ҳолда, 2021 йил 1 июнга қадар ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қуйидаги амалиёт жорий этилсин:

муҳтож аҳолини протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш амалиётини **сертификат бериш тизими**га ўтказиб, фуқароларга ўз танловига кўра давлат томонидан бериладиган маблағлар (сертификат) ҳисобидан исталган ишлаб чиқарувчидан протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари сотиб олиш имкониятини яратиб; ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган шахсларни клиник-функционал маълумотларни олишга доир қўшимча текширувдан ўтказмасдан туриб, улар ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда **ногиронликини мuddатсиз даврга белгилаш**.

Солиқни сақлаш вазири **уч ой мuddатда** тиббий-ижтимоий хизматнинг мутлақо янги моделини шакллантириш чораларини кўрсин.

10. Пенсия ва нафақаларни тайинлашда **фуқаролар учун янада қулай шароитлар яратиш** мақсадида қуйидаги тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2021 йил 1 июндан бошлаб**:

пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажига тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр – 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажига шахснинг меҳнат дафтрасидаги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланади;

уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича аниқланган ортиқча тўловни ўқдириш бекор қилинади;

ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртолари келгусида пенсия таъминотига эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилади;

пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланади ва тўланади;

пенсия ва нафақаларни нақд пулсиз шаклда олиш учун аризалар фуқаролар томонидан Молия вазирилик қузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг (кейинги ўринларда – Пенсия жамғармаси) тегишли бўлимига мурожаат қилганда ҳолда, тижорат банклари филиалларида банк пластик карталарини очиб жараёнида ёки банк мобил иловалари орқали электрон шаклда расмийлаштирилади;

фуқароларнинг пенсияга бўлган ҳуқуқи йўқолганлигини тегишли вазирилик ва идоралар томонидан тақдим этиладиган электрон маълумотлар асосида аниқлаш орқали пенсияларни нақд пулсиз шаклда олувчи шахслар томонидан ҳар олти ойда Пенсия жамғармасининг бўлимига келиш ҳамда масъул ходимлар томонидан жойларга чиққан ҳолда мониторинг ўтказиш мажбурияти бекор қилинади.

11. Пенсия ва нафақалар тўғри тайинланиши ҳамда тўланиши бўйича текширишлар натижасида аниқланган ортиқча тўлов суммасининг **2021 йил 1 февраль** ҳолатига бўлган қарздорлиги ҳисобдан чиқарилсин.

12. Иқтисодийни ривожлантириш, шу жумладан, **камбағалликини қисқартириш ва узоқ мuddатли барқарор иқтисодий ўсишнинг пойдеворини яратиш** мақсадида:

а) ишсиз аъзолари бор oilаларга, жумладан, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ешлар дафтари»га киритилган фуқароларга деҳқончилик билан шуғулланиш имкониятларини кенгайтириш учун:

деҳқончилик билан шуғулланиш учун, шу жумладан, янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларида 0,1 гектардан 1 гектаргача ер ажратилиши;

ажратилган ер майдонлари сугориш тизими (артезиан қудуқлар, томчилатиб сугориш тизими ва бошқалар) ҳамда электр энергияси билан таъминланиши;

берилган ерларни ўзлаштириш учун (ер ҳайдаш, уруғ, қўчат харид қилиш ва бошқалар) субсидия ажратилиши йўлга қўйилсин.

Қишлоқ ҳўжалиги вазирилик Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда **2021 йил 1 апрелга қадар** ҳар бир туманнинг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, эҳтиёжманд oilаларга деҳқончилик билан шуғулланиш учун кўмаклашиш тизimini йўлга қўйиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин;

б) тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ешлар дафтари»га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун **7 миллион** сўмгача субсидиялар ажратилиши амалиёти йўлга қўйилсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилик Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирилик, Молия вазирилик ҳамда Маҳалла ва oilани қўллаб-қувватлаш вазирилик билан биргаликда **икки ой мuddатда** ишсиз аҳолини тадбиркорликка ва ўзини ўзи банд қилиб ишлаш фаолиятига жалб қилишнинг янги механизмлари юзасидан тақлиф киритсин;

в) **2021 йил 1 мартдан бошлаб** заргарлик соҳасида кенг имкониятлар яратиш учун «Навобий кон-металлургия комбинати» ДК томонидан қумушни биржа орқали заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга эркин сотиш тартиби жорий этилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирилик **бир ой мuddатда** қумушнинг ишлаб чиқарувчиларга биржа савдолари орқали сотилиши, биржага қўйиладиган қумуш ҳажмларини шакллантириш ва маҳсулот бошланғич нархини асосли белгилаш бўйича тақлифларни киритсин.

13. Белгилаб қўйилсинки, **2021 йил 1 мартдан 2022 йил 1 июнга қадар ички туризмни оммалаштириш доирасида** Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ Ўзбекистон бўйлаб савҳат қилиш учун қуйидаги харажатларнинг **бир қисмини қайтариш** механизми жорий қилинади:

**авиаташувчиларга** – ички туризм йўналишларидаги авиакатновларда **авиа чипта** нархининг **25 фоизи**;

**туроператор ва турагентларга** – Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролар ва фуқаролриги бўлмаган шахслар учун ташкил этилган турлар юзасидан **авиа ва темир йўл чипталари** нархининг **15 фоизи** ҳамда жойлаштириш воситаларининг жойлаштириш бўйича хизматлари (мехмонхона хизматлари) нархининг **10 фоизи**. Бунда, ушбу харажатларнинг бир қисмини қайтариш савҳат амалга оширилган ҳудудлардаги жойлаштириш воситаларида камид **бир кеча тунаб қолиш шarti** билан тақдим этилади.

14. Электр энергияси ва табиий газ таъминотида монополияни бекор қилиб, бозор муносабатларини шакллантириш мақсадида:

сулоптирилган газ импорти этила белинган божжона бож ва уни импорт қилиш учун талаб этиладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар бекор қилинсин;

**2021 йил 1 июнга қадар** ишлаб чиқарувчи ва импортёрлар учун электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш соҳасига бозор механизмларини жорий этиш орқали улгуржи бозорни шакллантириш «Йўл харитаси» ишлаб чиқилсин.

Энергетика вазирилик «Йўл харитаси» ишлаб чиқилишини таъминласин ҳамда биринчи босқичда **2021 йил 1 августдан бошлаб**, йирик корхоналарга электр энергияси ва табиий газни импорт асосида сотиб олиш ҳуқуқи берилишини назарда тутсин.

15. Давлат солиқ хизматида «Солиқчи-қўмакчи» тамойили асосида фермер ҳўжаликларининг даромад ва харажатларини автоматик шакллантириш ва солиқ органларига юбориш имконини берувчи электрон тизimini **2021 йил 1 июлга қадар** амалиётга жорий этиш чоралари кўрилсин.

Белгилансинки, давлат солиқ хизматининг фаолиятини «Солиқчи-қўмакчи» тамойили асосида ташкил этиш доираси-

да олдинги йил учун даромадлари йиллик молиявий ҳисобот маълумотларига кўра камиди **5 миллиард сўми**ни ташкил этган, юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари солиқ мониторингида иштирок этишга ҳақли.

16. Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги ва Ҳисоб палатасининг Молия вазирлиги тизимидаги Давлат молиявий назорати департаменти тузилмасини такомиллаштириш ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ички аудит хизматларини тартибга солиш тизимини ривожлантириш, шунингдек, ўтказиладиган текширишлар ва уларнинг натижалари юзасидан маълумотларни очик эълон қилиб бориш тўғрисидаги тақдир маъқуллансин.

Молия вазирлиги Ҳисоб палатаси билан биргаликда **бир ой мuddатда** давлат молиявий назорати ва ички аудит тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ишларни жадаллаштирисин.

17. Божхона назорати тартиб-таомилларини такомиллаштиришда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, **давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш** мақсадида **2021 йил 1 июлдан бошлаб** божхона назоратини олиб боришнинг куйидаги тартиби белгилансин: тоифадан ташқари мақомдаги «**Масофавий электрон декларациялаш божхона постлари**» синов тариқасида босқичма-босқич ташкил этилади;

божхона расмийлаштируви жараёнларини масофавий бошқариш, инсон аралашуви кескин қисқартирилади;

чегараларда ветеринария ва фитосанитария органлари томонидан юк ташувчиларни рўйхатга олиш, ҳужжатларни текшириш, уларга кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ундириш жараёнини рақамлаштириш орқали умумий онлайн назорат амалиёти жорий этилади.

18. **Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш**, шу жумладан, **давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш** мақсадида:

а) жорий йилда ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли селоматлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда ҳар бир ҳудудда биттадан туман (шаҳар) бюджетини шақллантиришда ҳаражатларнинг камиди **5 фоизини** бевосита аҳолининг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиб, маҳалладаги муаммоларни ҳал этишга йўналтириш тартиби эксперимент тариқасида жорий этилсин;

б) **2021 йилда** давлат бошқаруви ҳодимлари сони **ўртача 15 фоизгача** оптималлаштирилсин.

Молия вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда **2021 йил 1 мартга қадар** куйидаги чораларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси киритилишини таъминласин:

бошқарувда бир-бирини тақорлайдиган идоралар, функциялар ва бюрократик тўсиқларни ва мажлисбозликни қисқартириш;

кўп йиллар давомида бўш турган штат бирликларини оптималлаштириш;

айрим давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш ҳамда лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қисқартириш ва уларни бериш жараёнини автоматлаштириш ҳисобига иш жараёнларини қайта кўриб чиқиш;

вазирлик ва идоралар фаолиятида қарор қабул қилиш жараёнларини соддалаштириш;

рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан иш жараёнларини оптималлаштириш;

вазирликларда фаолиятини туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида режалаштириш тизимини жорий этиш;

в) ўрта ва куйи бўгин бошқарув органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш доирасида:

вилоят, туман, шаҳар ва маҳалла бошқарувида самарадорликни ошириш учун ҳодимлар сони ва маоши ҳудуднинг ўзига хослиги ва иш ҳажмидан келиб чиқиб белгилансин;

куйи тизим раҳбарлари ва ҳодимларини янгича талаблар ва замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ишлашга ўргатиш ва малакасини мунтазам ошириб боришнинг аниқ тизими жорий этилсин;

Вазирлар Маҳкамаси **икки ой мuddатда** ўрта ва куйи бўгин бошқарув органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича аниқ чораларни кўрсин;

г) **2021 йил якунига қадар** амалдаги қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, шу жумладан, эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатларни бекор қилиш ва тўқоқ ҳужжатларни тизимлаштириш орқали **тартибга солиш юкени** ва **тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг даражасини** камайтириш учун **ортиқча нормаларни қисқартириш** таъминлансин.

Адлия вазирлиги **2021 йил 1 майга қадар** норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатларини бекор қилиш бўйича ишларни ташкил этиш ҳамда аниқ муносабатларни тартибга солувчи ҳужжатларни тизимлаштириш бўйича тақдирларни киритсин;

д) **2021 йил 1 июлга қадар** маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қарорларни фақатгина **maxsus «E-qarog»** электрон тизими орқали тайёрлаб, қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилсин.

Адлия вазирлиги **уч ой мuddатда**: маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш, ҳисобга қўйиш ва эълон қилиш бўйича электрон ахборот тизимини жорий этиш;

электрон тизимдан фойдаланиш, уни юритиш ва унда жамоатчилик иштирокотини таъминлаш;

қабул қилинаётган қарорларни ижрочи ва манфаатдор ташкилотларга етказиш ва тегишли базалар билан интеграция қилиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳодимларини мазкур тизимда ишлаш бўйича ўқитиш амалиётини йўлга қўйиш;

электрон тизим орқали қабул қилинмаган ҳужжатларни амалга киритганлик ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни адлия органларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказмаган ҳолда қабул қилганини учун маъмурий жавобгарликни белгилаш бўйича тақдирларни киритсин.

19. Молия вазирлиги **2021 йил 1 майдан бошлаб** куйидагиларга оид молиявий маълумотларни оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида эълон қилиш амалиётини жорий этсин:

давлат органлари бюджетдан ташқари жағғармаларининг даромади ва ҳаражатлардан;

устав фондида (устав капиталида) давлат улуши **50 фоиз** ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ҳамда уларга устав фонднинг (устав капиталининг) **50 фоизи** ва ундан ортиги тегишли бўлган юридик шахслар харидлари;

давлат субсидия ва грантларининг миқдорлари ва олувчилари.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги **икки ой мuddатда** очик эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини кенгайтириш, шу жумладан, давлат харидлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш бўйича ташкил этиладиган тендер ва танлов комиссияларининг таркиби, давлат активларининг олди-сотида ва давлат-хусусий шериклик лойиҳалари жараёнлари иштирокчилари, солиқ ва бошқа имтиёзлар олувчилар каби маълумотларни очик эълон қилиш бўйича тақдирларни киритсин.

20. Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг куйидагилар-

ни назарда тутувчи «Е-Антикоррупция» лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан киритилган коррупциявий омиллари бартараф этиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш, соҳа ва тармоқлар кесимида чуқур таҳлиллар ва жамоатчилик сўрловларини ўтказиш натижасида «Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестрини» шакллантириш;

«Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестрига мубофиҳ ҳар бир коррупциявий омилини биринчи навбатда рақамлаштириш (электрон навбат, аукцион ва бошқа замонавий усуллар), очиклики таъминлаш, жамоатчилик назорати каби воситалар орқали бартараф этиш бўйича таклифларни экспертлар ва фуқаролар жамияти институтлари вакиллари орасида кенг муҳомаадан ўтказган ҳолда ишлаб чиқиш;

амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини ва коррупциявий омиллари бартараф этишга таъсирини жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда баҳолаш ва эълон қилиш.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой мuddатда «Е-Антикоррупция» лойиҳасини амалга ошириш механизмлари ҳамда коррупцияга мойил бўлган муносабатларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин.

21. Адлия вазирлиги бир ой мuddатда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатга киришишида бюрократик тўсиқларни тубдан қисқартиришга қаратилган, қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини киритсин:

фуқароларнинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар фойдаланиши мумкин бўлган давлат хизматларининг кўламини кенгайтириш;

давлат, ижтимоий ва бошқа хизматларни кўрсатишда фуқаронинг шахсини тасдиқлашининг ягона идентификация рақамини жорий этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида электрон маълумот алмашинувини йўлга қўйиш орқали улар ўртасида қозғоқ кўринишда ҳужжат тақдим этиш амалиётига чек қўйиш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган давлат хизматларининг натижаларини почта алоқаси орқали етказиш амалиётини йўлга қўйиш;

«марказ-маҳалла-фуқаро» тамойили бўйича давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиб келинаётган хизматларнинг ҳар бир оилага кириб боришини таъминлаш бўйича Қарши шаҳар тажрибасини жорий этиш.

22. 2021 йил 1 майдан бошлаб мамлакатимизга 2005 йил 1 январга қадар келиб, доимий яшаётган, шунингдек, мамлакатимизда 15 йил давомида доимий яшаб турган фуқаролиги бўлмаган (чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган) шахслар томонидан истак билдирилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш тартиби жорий қилинсин.

23. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги халқаро стандартлар ва инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш мақсадида:

2021 йил 1 апрелга қадар Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан ҳар чоракда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изоляторлари ва жазони ўташ муассасаларига «мониторинг таширлари» тизимини йўлга қўйиш чораларини кўриш тавсия этилсин;

2021 йил 1 июнга қадар жазони енгилроғи билан алмаштириш ва шартли озод қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш ваколати жазони ижро этиш муассасаларидан янги ташкил этиладиган инсонпарварлик комиссияларига ўтказилсин;

2021 йилда 6 тагача манзил-колониялар қисқартирилсин.

24. Кенг жамоатчиликнинг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг асосий фаолиятини фуқароларга кўмак беришга йўналтириш ҳамда коррупцияга имкон берадиган омиллари бартараф этиш чораларини кўриш учун:

автомототранспорт воситасини техник кўриқдан ўтказишни экстерриториаллик принципи асосида йўлга қўйиш ва янги автотототранспорт воситасини техник кўриқдан ўтказиш талабини бекор қилиш;

Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида биттадан рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлим (булинма)ларида фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳудудидан қатъи назар автотототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга давлат рақами белгиларини беришни амалга ошириш;

барча рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлим (булинма)ларида ҳамда камида 20 та давлат хизматлари марказларида миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириши (шу жумладан, алмаштириш ёки йўқолган ўрнига янгиини бериш) фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳудудидан қатъи назар амалга ошириш;

ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга талабгорлардан имтиҳон олиш жараёнини жамоатчилик томонидан, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали кузатиш имконини яратиш;

илғор хорижий тажрибага асосланган ҳолда, автомобиль йўлларида йўл транспорт ҳудисаларининг олдини олиш ҳамда ўлим ҳолатларини, шу жумладан, пиледалар ўтиш жойларининг замонавий светофорлар билан таъминланганлик даражасини босқичма-босқич ошириш орқали қисқартириш.

Ички ишлар вазирлиги уч ой мuddатда ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

б) республика ҳудудида давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталарнинг қимматбаҳо навлари кесилишига жорий этилган мораторийнинг амал қилиш мuddатини 2021 йил 31 декабрга қадар узайтириш. Бунда:

ҳар бир кесилган дарахт ва буталар учун компенсация тарзида 10 туп қимматлиги жиҳатидан кесиладиган дарахт ва буталардан кам бўлмаган, йирик ўлчамли кўчат экиш ҳамда уларни камида икки йил давомида парварши қилиш, ноқонуний кесилган дарахт ва буталар учун эса уч йил давомида парвартириш шарти билан 100 туп кўчат экиш мажбурияти киритилсин;

дарахт ва буталарнинг кесилишига жорий этилган мораторий талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида дарахт ва буталарнинг ноқонуний кесилишини аниқлаган ёки олдини олган фуқароларни рағбатлантириш тизимини жорий этилсин.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофазасида қилиш давлат кўмитаси икки ой мuddатда атроф-муҳитга етказилган зарарни қоплаш тартибинини қайта кўриб чиқиб, табиатни қайта тиклашга қаратилган компенсация механизмларини кенг жорий этсин.

25. Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда хорижий мамлакатлар билан 2021 йилда савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-маърифий, маданий-гуманитар ва сиёсий соҳаларда, шунингдек, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлиқни фойдалантиришга қаратилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва тадбиркорлик субъектлари учун тартиб-таомилларни соддалаштириш ва махсус қулай режимида тақдим этишни назарда тутувчи аниқ чора-тадбирлар бўйича таклифларни киритсин.

26. Адлия вазирлиги «Тараққиёт стратегияси» маркази ва «Юсалиш» умуммиллий ҳаракати билан биргаликда:

Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни **ҳар ойда** умумлаштириш ҳамда яқунларини аниқ кўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзгаришларни, таҳлилий ахборот кўринишида акс эттирган ҳолда, ўз веб-сайтларида жойлаштириш;

мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни **ҳар ойда** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

Давлат дастури амалга ошириш яқунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминласин.

27. Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастурининг тартиби ва ўз вақтида ижросини назорат қилишни кўйидаги тартибда амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари ўз ҳудудларида Давлат дастури амалга ошириш бўйича **ўн кун муддатда** чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва **ҳар ойда** ўз мажлисларида муҳокама қилиб боради;

Вазирлар Маҳкамаси **ҳар ойда** Давлат дастури бажарилишини Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳузурда танқидий кўриб чиқади, **ҳар чорақда** Ҳукумат Раёсатида муҳокама қилиб боради ҳамда ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўради;

Олий Мажлис палаталари **ҳар чорақда** Бош вазир ва Ҳукумат аъзоларининг Давлат дастури бажарилиши юзасидан

ахборотларини эшитиб боради ҳамда бу борада вазирлик ва идоралар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Адлия вазирлиги ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда **ҳар ойда** Давлат дастури бажарилишини назорат қилиб боради ҳамда унинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш чораларини кўради.

28. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Халқаро пресс-клуб билан ҳамкорликда:

ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида кенг турдунтирилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумотнинг кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказилишини таъминлаш тавсия этилсин.

29. Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

30. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президентини**  
**Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2021 йил 3 февраль  
ПФ-6155-сон.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАСОЗЛИГИ ТАРМОҒИДА СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ЯРАТИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА\*

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, барча ишлаб чиқарувчиларга тенг шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғида фаолият юритувчи маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқарувчилар:

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган эҳтиёт қисмлари ва бутловчи буюмларни қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва унга сервис хизмати кўрсатиш учун импорт қилишда белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича 2022 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона йиғимидан ташқари) озод қилинсин;

қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва унга сервис хизматини кўрсатиш учун бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни импорт қилишда товарлар эркин муомалага (импортга) чиқаришнинг божхона режимига жойлаштирилган санадан бошлаб қўшилган қиймат солиғини 270 кун кечиктириб тўлашига рўхсат берилсин.

2. Белгилансинки, ушбу қарорга мувофиқ имтиёзлар қўлланган ҳолда:

импорт қилинадиган эҳтиёт қисмлари ва бутловчи буюмлар рўйхатлари ва уларга тузатишлар имтиёз берилган ташкилот томонидан шакллантирилади ҳамда улар юзасидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузурдаги

«Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКнинг ижобий хулосаси олинган тақдирда, импорт қилувчи ҳар қандай ташкилотлар рўйхатда кўрсатилган товарларни белгиланган тартибда импорт қилиш ҳуқуқига эга бўлади;

импорт қилинган товарлардан мақсадли фойдаланиш учун импорт қилган ташкилотлар раҳбарлари шахсан масъул ҳисобланади.

3. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва тегишли манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда 2021 йил 1 декабрга қадар қишлоқ хўжалиги машинасозлигини янада ривожлантиришни рағбатлантириш, шу жумладан тармоқда янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга қаратилган лойиҳаларни хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун жозибадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоров ва С.У.Умурақов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини**  
**Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2021 йил 1 февраль  
ПҚ-4969-сон.

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 2.02.2021 йилдан кучга кирди.



## МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида\*

Глобал коронавирус пандемиясининг иқтисодийётта салбий таъсирини камайтириш, савдо бозорларининг қисқариши оқибатида иқтисодийётнинг қатор тармоқ ва соҳаларидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаоллигини чекловчи омилларни қисқартириш, шунингдек, маҳаллий sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ва номенклатурасини кенгайтириш, давлат харидлари тизимида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокини кенгайтириб бориш ҳисобига sanoat ишлаб чиқаришида қўшилган қиймат занжири яратилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4812-сон қарорига мувофиқ хорижда ишлаб чиқарилган алоҳида товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) давлат харидларидаги иштирокини вақтинчалик тақиқлаш механизмини жорий этиш, шунингдек, халқаро тажрибага мувофиқ маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларнинг СІР (Ўзбекистон) нархидан 15 фоиздан кўп бўлган миқдорда преференция қўллаш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

### 2. Қуйдагилар:

Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхати 2-иловага\*\* мувофиқ;

Давлат харидларида маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга (ишлар, хизматларга) преференция бериш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга оид қуйдаги қўшимча вазифалар юклансин:

маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва давлат буюртмачилари томонидан ариза ва муурожаатларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги

ҳузуридаги Электрон кооперация порталида онлайн қабул қилиш ва натижаларини қайта юбориш алоқа механизмини назарда тутувчи электрон тизимни жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, вазирликлар, идоралар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни батафсил ўрганиш асосида Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатига ўзгартириш киритиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳар чорак якуни билан Вазирлар Маҳкамасига киритиш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги мазкур қарорга 2-илова билан тасдиқланган рўйхатдаги товарларни келгусида ишлаб чиқариш қуввати талаб этилаётган ҳажми ва сифатини ошириш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келгуси давр учун давлат харидларининг режа-графиклари ва давлат харидларининг ўтган йилдаги амалдаги ҳажми тўғрисидаги маълумотларнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга етказилишини таъминлаш мақсадида уларни Давлат харидлари махсус ахборот порталига жойлаштириб босин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой мuddатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири  
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,  
2021 йил 29 январь  
41-сон.

ЎЗР ВМнинг 2021 йил 29 январдаги 41-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДАГИ ИШТИРОКИ ВАҚТИНЧАЛИК ТАҚИҚЛАНГАН ВА ЧЕГАРАЛАНГАН ХОРИЖДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТОВАРЛАР, ШУНИНГДЕК, ХОРИЖИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАРНИНГ (ХИЗМАТЛАРНИНГ) РЎЙХАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ Тўғрисида НИЗОМ

### 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатини шакллантириш ҳамда давлат буюртмачисига товарларни (ишлар, хизматларни) хориждан импорт қилишга рухсат бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйдаги асосий тушунчалар қўлланилади: рўйхат – давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхати;

**ахборот портали** (кейинги ўринларда – портал) – [www.cooperation.uz](http://www.cooperation.uz) домени остида фаолият кўрсатаётган Электрон кооперация портали;

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 29.01.2021 йилдан кучга кирди.

\*\*Ушбу қарорга 2-илова «СБХ»да берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Нотта» АҚТ ва [nnt.uz](http://nnt.uz) сайтида танишиш мумкин.

**ишчи орган** – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Электрон кооперация портали маркази;

**мурожаат** – рўйхатда келтирилмаган, бироқ ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, хизмат кўрсатилиши) йўлга қўйилган товарларни (ишлар, хизматларни) рўйхатга киритиш учун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (ишларни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) томонидан ишчи органга, шу жумладан, порталда яратиладиган махсус хизмат орқали тақдим этиладиган ариза;

**ариза** – давлат буюртмачисининг рўйхатдаги товарларни (ишлар, хизматларни) хориджа импорт қилишга рухсат олиш учун ишчи органга, шу жумладан, порталда яратиладиган махсус хизмат орқали тақдим этиладиган муурожаати;

**давлат буюртмачиси** – «Давлат харидлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган давлат буюртмачиси;

**экспертиза қилиш маркази** – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонаси;

**ўхшаш товарлар (ишлар, хизматлар)** – республика ҳудудида ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, хизмат кўрсатилиши) йўлга қўйилган товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) ҳориджа ишлаб чиқариладиган (бажариладиган, хизмат кўрсатиладиган) турдоши;

**ўхшаш товарларни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқарувчи** – давлат буюртмачисининг аризасида келтирилган товарларни (ишлар, хизматларни) хориджа ишлаб чиқарадиган (бажарадиган, хизмат кўрсатадиган) ташкилот.

3. Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган хориджа ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хориджий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатини шакллантириш ҳориджа рўйхатда келтирилган товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилишга рухсат бериш тартиби ушбу Низомга 1 ва 2-иловалардаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

## 2-БОБ. РЎЙХАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

4. Рўйхат маҳаллий ишлаб чиқарувчи (ишларни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) томонидан келиб тушган муурожаатлар ҳориджа давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг республикада ишлаб чиқариладиган махсуслотларни батафсил ўрганиш яқуни бўйича киритган тақлифлари асосида ишчи орган томонидан шакллантирилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Рўйхатга киритилмаган, бироқ ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, хизмат кўрсатилиши) йўлга қўйилган товарларни (ишлар, хизматларни) рўйхатга киритиш учун республикада икки ёки ундан ортиқ ишлаб чиқарувчининг (ишларни бажарувчининг; хизмат кўрсатувчининг) (кейинги ўринларда – ишлаб чиқарувчи) мавжудлиги асос бўлади.

Бунда қўйидаги мезонлар асосида ишлаб чиқарувчининг махсуслоти тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлиши лозим: тақлиф этилаётган товар (иш, хизмат) номи;

сотил нархи; товарнинг (иш, хизматнинг) энг қўп ва энг кам тўпи; товар (иш, хизмат) тури ва техник параметри (техник паспорт ёки техник кўрсаткичларини акс эттирувчи бошқа ҳужжат); товар (иш, хизмат) етказиб бериладиган ҳудуднинг номи ва муддати;

кафолат шарти ва муддати ҳориджа маълумот; товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарилган вақти (кун, ой, йил); товарнинг (иш, хизматнинг) яроқлилик муддати; заруратга кўра, лицензия, рухсат этиш хусусиятига эга бўлган бошқа ҳужжат ёки сертификат мавжудлиги тўғрисидаги ахборот.

5. Товарларни (ишлар, хизматларни) рўйхатга киритиш учун муурожаат портал орқали ишчи органга қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳориджа тақдим этилади:

а) муурожаатчи тўғрисида маълумот (почта манзили, СТИР ва телефон (факс) рақами);

б) рўйхатга киритилиши тақлиф этилаётган товар (иш, хизмат) номи, бир битилиш учун нархи ва ТИФ ТН коди (10 та белгили) тўғрисидаги маълумотлар;

в) рўйхатга киритилиши тақлиф этилаётган товарнинг (иш, хизматнинг) махфийлик макюмига эга бўлмаган функционал вазифаси, техник хусусияти, сифат хусусиятлари (кафолат муддати, ташқи кўриниши билан боғлиқ бўлмаган, хусусан, кимёвий, физик, механик ва бошқа хусусиятлари), етказиб бериладиган махсуслотнинг сифатини тасдиқловчи ҳужжатлар.

6. Ишчи орган муурожаат келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунида муурожаат ушбу Низомнинг 5-банди талаблари асосида тақдим этилганлигини текширади ва натижаси бўйича: ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган тақдирда, камчиликларни бартараф этиш учун ҳужжатларни муурожаатчига қайтаради ва бу ҳориджа уни хабардор этади;

ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасига ушбу Низомнинг 5-банди «а» ва «б» кичик бандларида назарда тутилган маълумотларни тасдиқлаш учун онлайн сўровнома юборади.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси сўровнома келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунида сўровномани ўрганиб чиқади ва натижаси бўйича ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ маълумотларни ишчи органга тақдим этади.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси томонидан сўровномага жавоб келиб тушган кундан бошлаб ишчи орган:

муурожаатда келтирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар ўз тасдиқини топган ҳориджа, беш иш кунида мазкур товарларни (ишлар, хизматларни) рўйхатга қўйиш ёки рўйхатдан чиқариш юзасидан тақлифларни тайёрлайди ва кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополияга қарши курашиш кўмитаси, Давлат статистика кўмитаси, Давлат божхона кўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги ҳориджа заруратга кўра бошқа ташкилотларга киритади;

муурожаатда келтирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар ўз тасдиқини топмаган ҳориджа, беш иш кунида муурожаатчига қайтаради ва бу ҳориджа уни хабардор этади.

9. Ушбу Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ташкилотлар тақлиф киритилган кундан бошлаб ўн беш иш кунида товарларни (ишлар, хизматларни) рўйхатга қўйиш ёки рўйхатдан чиқариш тўғрисида тегишли тақлифини ишчи органга тақдим этади.

10. Ишчи орган ушбу Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ташкилотлар билан белгиланган тартибда келишилган товарларни (ишлар, хизматларни) рўйхатга қўйиш ёки рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги тақлифини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади.

## 3-БОБ. РЎЙХАТДАГИ ТОВАРЛАРНИ (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРНИ) ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ АСОСИДА ИМПОРТ ҚИЛИШГА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБИ

11. Рўйхатда келтирилган товарлар (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилиш учун давлат буюртмачиси ишчи органга ариза билан муурожаат қилади.

Бунда давлат буюртмачиси аризасида рўйхатда келтирилган товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) параметрлари импорт қилиниши тақлиф этилаётган товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) параметрларига мос келмаслиги ёки фарқ қилувчи хусусиятга эга бўлиши лозим.

12. Давлат буюртмачиси томонидан ариза портал орқали ишчи органга қўйидаги ҳужжатлар илова қилинган ҳолда тақдим қилинади:

а) давлат буюртмачиси тўғрисида маълумот (почта манзили, телефон (факс) рақами);

б) хориждан харид қилиниши режалаштирилган ўхшаш товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) номи, бир бирлик учун нархи ва ТИФ ТН коди (10 та белгили) тўғрисидаги маълумот;

в) хориждан харид қилиниши билан боғлиқ бўлмаган, хусусан, товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) функционал вазифаси, техник хусусияти, миқдори, сифат хусусиятлари (кафолат мuddати, ташқи кўриниши билан боғлиқ бўлмаган, хусусан, кимёвий, физик, механик ва бошқа хусусиятлари), етказиб бериладиган маҳсулотнинг сифатини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда ўхшаш товарлардан (ишлар, хизматлардан) фарқлари тўғрисидаги маълумот;

г) ўхшаш товарларни (ишлар, хизматларни) импорт қилишда молиялаштириш манбаи тўғрисидаги маълумот.

13. Давлат буюртмачиси томонидан ариза махфийлик мақомига эга бўлмаган маълумотлар илова қилинган ҳолда импорт қилишга рухсат сўралган ҳар бир товар (иш, хизмат) учун алоҳида тақдим этади.

14. Ишчи орган экспертиза қилиш маркази билан биргаликда ариза келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунинда ариза ушбу Низомнинг 12-банди талаблари асосида тўлиқ тақдим этилганлигини текширади ва натижаси бўйича:

ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, камчиликларни бартараф этиш учун ҳужжатларни давлат буюртмачисига қайтаради ва бу ҳақда уни хабардор этади;

ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига маълумотларни тасдиқлаш учун онлайн сўровнома юборади.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сўровнома келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунинда уни ўрганиб чиқади ва натижаси бўйича ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ маълумотларни ишчи органга тақдим этади.

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан сўровномага жавоб келиб тушган кундан бошлаб ишчи орган:

ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлса – икки иш кунинда портал орқали давлат буюртмачисининг импорт асосида хорижда ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилган параметрларини акс эттирган ҳолда, ўхшаш товарларни (ишлар, хизматларни) маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга тақлиф сифатида юборади;

ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлмаса – уч иш кунинда рўйхатда келтирилган товарларни (ишлар, хизматларни) давлат

харидлари асосида импорт қилишга рухсат бериш тўғрисида ушбу Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ташкилотларга асослангилган тақлифни кўриб чиқиш учун киритади.

17. Ўхшаш товарларни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқарувчилар ишчи орган томонидан портал орқали йўллаган тақлифга мувофиқ товарни (иш, хизматни) келтирилган параметрлар асосида ишлаб чиқариш имконияти ҳақида ўн иш кунинда офертани порталга жойлаштиради.

Бунда ўхшаш товарларни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқарувчилар томонидан келтирилган товарни (иш, хизматни) тегишли параметрлар асосида ишлаб чиқариш имконияти тўғрисида порталда оферта жойлаштирилмаса, тегишли товарни (иш, хизматни) республикада ишлаб чиқариш имконияти мавжуд эмас деб топилади.

18. Ишчи орган ўхшаш товарларни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариш (бажариш, хизмат кўрсатиш) имконияти мавжудлиги тасдиқланган кундан бошлаб икки иш кунинда тегишли давлат буюртмачисини хабардор қилади.

19. Рўйхатга киритилган товарларни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлмаса ёки улар тегишли параметрлар асосида республикада ишлаб чиқарилмаса (порталда оферта жойлаштирилмаса), ишчи орган уч иш кунинда рўйхатда келтирилган товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилишга рухсат бериш тўғрисидаги тақлифни ушбу Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ташкилотларга кўриб чиқиш учун киритади.

20. Ушбу Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ташкилотлар тақлиф киритилган кундан бошлаб ўн беш иш кунинда давлат буюртмачисига рўйхатда келтирилган товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилишга рухсат бериш тўғрисидаги тақлифини ишчи органга тақдим этади.

21. Ишчи орган ушбу Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ташкилотлар билан белгиланган тартибда келишилган рўйхатда келтирилган товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилишга рухсат бериш тўғрисидаги тақлифни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади.

#### 4-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

22. Ишчи органга тақдим этилган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун уларни тақдим этган ишлаб чиқарувчи ёки давлат буюртмачисини жавобгар бўлади.

23. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Низомга 1-ИЛОВА

### ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДАГИ ИШТИРОКИ ВАҚТИНЧАЛИК ТАҚИҚЛАНГАН ВА ЧЕГАРАЛАНГАН ХОРИЖДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТОВАРЛАР, ШУНИНГДЕК, ХОРИЖИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАРНИНГ (ХИЗМАТЛАРНИНГ) РЎЙХАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш мuddати
1-босқич	Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар	Рўйхатда келтирилмаган, бироқ ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, хизмат кўрсатилиши) йўлга қўйилган товарларни рўйхатга киритиш учун ишчи органга портал орқали мурожаат этади.	ихтиёрӣ
2-босқич	Ишчи орган (Иқтисодий тараққиёт вазирлиги)	Мурожаат келиб тушган кундан бошлаб мурожаат тегишли талаблар асосида тақдим этилганлигини текширади ва натижаси бўйича: ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, камчиликларни бартараф этиш учун ҳужжатларни мурожаатчига қайтаради; ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган тақдирда, Давлат статистика қўмитасига тегишли маълумотларни тасдиқлаш учун сўровнома юборади.	беш иш кунинда

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш мuddати
3-босқич	Давлат статистика кўмитаси	Сўровномани ўрганиб чиқади ва натижаси бўйича тегишли маълумотларни ишчи органга тақдим этади.	беш иш кунида
4-босқич	Ишчи орган (Иқтисодий тараққиёт вазирлиги)	Давлат статистика кўмитасига юборилган сўровнома натижаси келиб тушган кундан бошлаб: муружаатда келтирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар ўз тасдиғини топган ҳолатда, рўйхатга кўшиш ёки рўйхатдан чиқариш тасдиғини тайёрлайди ва кўриб чиқиш учун тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга киритади; муружаатда келтирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар ўз тасдиғини топмаган ҳолатда муружаатчига қайтаради.	беш иш кунида уч иш кунида
5-босқич	Тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар	Ишчи орган томонидан киритилган тақлифларни кўриб чиқади ҳамда товарларни (ишлар, хизматларни) рўйхатга кўшиш ёки рўйхатдан чиқариш тўғрисида тегишли тақлифни ишчи органга тақдим этади.	ўн беш иш кунида
6-босқич	Ишчи орган (Иқтисодий тараққиёт вазирлиги)	Тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан белгиланган тартибда келишилган товарларни (ишлар, хизматларни) рўйхатга кўшиш ёки рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги тақлифни тайёрлайди ва Вазирлар Маҳкамасига киритади.	Муружаатни кўриб чиқиш якуни билан

Низомга 2-ИЛОВА

**РЎЙХАТДА КЕЛТИРИЛГАН ТОВАРЛАРНИ (ИШ, ХИЗМАТЛАРНИ) ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ АСОСИДА ИМПОРТ ҚИЛИШГА РУХСАТ БЕРИШ СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш мuddати
1-босқич	Давлат буюртмачиси	Рўйхатда келтирилган товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилиш учун ишчи органга ариза билан муружаат этади.	Заруратга кўра
2-босқич	Ишчи орган (Иқтисодий тараққиёт вазирлиги), Экспертиза қилиш маркази	Ариза тегишли талаблар асосида тўлиқ тақдим этилганлигини текширади ва натижаси бўйича: хужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, камчиликларни бартараф этиш учун хужжатларни давлат буюртмачисига қайтаради; хужжатлар тўлиқ тақдим этилган тақдирда аризада келтирилган ўхшаш товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) маҳаллий ишлаб чиқарувчилари бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида Давлат статистика кўмитасига онлайн сўровнома юборади.	беш иш кунида
3-босқич	Давлат статистика кўмитаси	Сўровномани ўрганиб чиқади ва натижаси бўйича тегишли маълумотларни ишчи органга тақдим этади.	беш иш кунида
4-босқич	Ишчи орган (Иқтисодий тараққиёт вазирлиги)	Сўровнома жавоби келиб тушгандан кейин: ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлса, уларга портал орқали давлат буюртмачисига зарур бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) параметрлари тўғрисидаги тегишли маълумотларни тақлиф сифатида юборади; ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлмаса, рўйхатда келтирилган товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилишга рухсат бериш тўғрисида тақлифларни тайёрлайди ҳамда кўриб чиқиш учун тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга киритади.	икки иш кунида уч иш кунида
5-босқич	Маҳаллий ишлаб чиқарувчи	Ишчи орган томонидан портал орқали йўллаган тақлифга мувофиқ товарни (иш, хизматни) келтирилган параметрлар асосида ишлаб чиқариш имконияти ҳақида офертасини шакллантиради ва порталда жойлаштиради.	ўн иш кунида
6-босқич	Ишчи орган (Иқтисодий тараққиёт вазирлиги)	Ўхшаш товарларни (ишлар, хизматларни) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариш (бажариш, хизмат кўрсатиш) имконияти мавжудлиги тасдиқланса, ариза билан муружаат этган давлат буюртмачисини хабардор қилади.	икки иш кунида

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш мuddати
7-босқич	Тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар	Ишчи орган томонидан киритилган таклифларни кўриб чиқади ҳамда давлат буюртмачисига рўйхатда келтирилган товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилишга рухсат бериш тўғрисида тегишли таклифини ишчи органга тақдим этади.	҅н беш иш кунида
8-босқич	Ишчи орган (Иқтисодий тарақийёт вазирлиги)	Тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан белгиланган тартибда келишилган рўйхатда келтирилган товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилишга рухсат бериш тўғрисидаги таклифини Вазирлар Маъкамасига киритади.	Мурожаатни кўриб чиқиш якуни билан

Низомга 3-ИЛОВА

### МАХАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

(охирги ҳисобот даври якунига кўра)

Т/р	Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар	СТИР рақами	Давлат рўйхатидан ўтган санаси (йил, ой, кун)	Жойлашган жойи ва телефон (факс) рақами	10 та белгили ТИФ ТН коди асосида ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат) номи	10 та белгили ТИФ ТН коди асосида товарни (иш, хизматни) ишлаб чиқариш	
						физик ҳажми	миқдори (млн сўм)

ЎзР ВМнинг 2021 йил 29 январдаги 41-сон қарорига  
3-ИЛОВА

## ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДА МАХАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТОВАРЛАРГА (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРГА) ПРЕФЕРЕНЦИЯ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Давлат харидларида маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга (ишлар, хизматларга) преференция бериш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик таққиланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатига киритилган товарларга (ишлар, хизматларга) нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**бенефициар мулкдор** – пировардида мулккий ҳуқуқларга эгалик қиладиган ёки шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ётказиб берувчини амалда назорат қиладиган жисмоний шахс;

**маҳаллий ишлаб чиқарувчи** – Ўзбекистон Республикаси қонунларида мувофиқ республика ҳудудида ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш) фаолиятини амалга оширувчи ҳўжалик юритувчи субъект;

**маҳаллий ишлаб чиқарувчининг аффилиланган шахси** – қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга ва (ёки) ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчи томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатадиган, жумладан, ёзма келишув асосидаги жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек, ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчига нисбатан шундай ҳуқуққа эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

**харид комиссияси** – харид қилиш тартиб-таомиллари ёғлибини танлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган коллегиял орган;

**экспертиза қилиш маркази** – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тарақийёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонаси;

**нарх преференцияси** – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4812-сон қарорининг 1-банди «а» кичик бандининг тўртинчи хатбошида назарда тутилган преференция.

3. Давлат харидларида маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга (ишлар, хизматларга) преференция бериш тартиби ушбу Низомга иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

### 2-БОБ. МАХАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРГА НАРХ ПРЕФЕРЕНЦИЯСИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

4. Тендерда (танловда) хорижий ётказиб берувчилар билан бирга икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар – маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўлган тақдирда, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан нарх преференцияси қўлланилади.

5. Бунда тендернинг (танловнинг) харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган ҳар бир лот бўйича хорижий ётказиб берувчилар билан бирга маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифлари олинган бўлса, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ҅н беш фоиз миқдорида нарх преференцияси берилади.

6. Ушбу Низомнинг 5-бандида назарда тутилган нарх преференцияси Ўзбекистон Республикаси қонунларида мувофиқ республика ҳудудида санаят ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш) фаолиятини амалга оширадиган ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қўлланилади.

7. Давлат буюртмачиси тендер (танлов) бўйича харид қилиш ҳужжатларида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан ушбу Низомга мувофиқ нарх преференциясини қўллаш юзасидан талабларни назарда тутган ҳолда буюртма шакллантиради.

8. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари ва танлов бўйича техник топшириқ белгиланган тартибда экспертиза қилиш маркази томонидан мажбурий комплекс экспертизадан ўтказилади.

9. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари ва танлов бўйича техник топшириқ белгиланган тартибда экспертиза қилиш маркази томонидан мажбурий комплекс экспертизанинг ижобий натижаси асосида Давлат хариди тўғрисидаги ахборот махсус ахборот порталида эълон қилинади.

10. Маҳаллий ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш) корхоналари давлат хариди тўғрисида махсус ахборот порталида тегишли тартиб асосида эълон қилинган шартларга мувофиқ давлат буюртмачисининг тендерда (танловда) иштирок этиши ҳақида ариза тақдим этади.

11. Харид комиссияси тендер (танлов) орқали харидларни амалга оширишда келиб тушган таклифларни баҳолаш жараёнида маҳаллий ишлаб чиқарувчи билан нисбатан ушбу Низом ва харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ нарх преференциясини ҳисобга олади.

12. Маҳаллий ишлаб чиқарувчи харид қилиш ҳужжатларида талаб этилган ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичига (ИФУТ) мувофиқ асосий фаолият тури тўғрисидаги маълумоти билан бирга қўшимча равишда:

асосий бенефициар мулкдори ва таъсисчилари тўғрисидаги маълумот;

товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарилган жой ва етказиб берилган ҳудуди тўғрисидаги маълумот;

товар мажбурий сертификатциялаш талаб этилган ҳолларда мувофиқлик сертификати, шунингдек, зарур ҳолларда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ёки экологик экспертиза хулосаси;

қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялаш ёки бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжат талаб этилган ҳолларда лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатлар тақдим этилади.

Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги тўғрисида ариза тақдим этилган тақдирда, маҳаллий ишлаб чиқарувчига нисбатан тендерда (танловда) нарх преференцияси қўлланилади.

13. Харид комиссияси нарх преференциясини қўллашда маҳаллий ишлаб чиқарувчи томонидан тақдим этилган нарх таклифни ушбу Низомнинг 5-бандида белгиланган миқдорда камайитриш орқали баҳолайди.

14. Харид комиссияси таклифларни баҳолаш жараёнида маҳаллий ишлаб чиқарувчи ҳисобланган иштирокчидан келиб тушган, лекин харид қилиш ҳужжатлари талабларга мос келмаган таклифларни рад этади.

15. Маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва унинг аффилиланган шахси тендер (танлов) бўйича битта лотда иштирок этишга ҳақли эмас.

16. Давлат харидларида иштирок этиш юзасидан таклиф юборган маҳаллий ишлаб чиқарувчи голиб деб топилган тақдирда, давлат буюртмачиси билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.

### 3-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

17. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Низомга ИЛОВА

## ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДА МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТОВАРЛАРГА (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРГА) ПРЕФЕРЕНЦИЯ БЕРИШ ТАРТИБИНИНГ СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Давлат буюртмачилари	Давлат буюртмачилари тендерлар (танловлар) бўйича харид қилиш ҳужжатларида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан ушбу Низомга мувофиқ нарх преференцияларини қўллаш юзасидан талабларни назарда тутилган ҳолда буюртмани шакллантиради.	Давлат хариди эҳтиёжи асосида
2-босқич	Давлат буюртмачилари	Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари ва танлов бўйича техник топшириқни белгиланган тартибда экспертиза қилиш марказида мажбурий комплекс экспертизадан ўтказилади.	Қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда
3-босқич	Давлат буюртмачилари	Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари ва танлов бўйича техник топшириқни белгиланган тартибда экспертиза қилиш маркази томонидан мажбурий комплекс экспертизанинг ижобий натижаси асосида Давлат хариди тўғрисидаги ахборотни махсус ахборот порталида тегишли тартиб асосида эълон қилади.	Қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда
4-босқич	Маҳаллий ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш) корхоналари	Давлат хариди тўғрисида махсус ахборот порталида тегишли тартиб асосида эълон қилинган шартларга мувофиқ Давлат буюртмачисининг тендерларда (танловларда) иштирок этиши бўйича ариза тақдим этади.	Махсус ахборот порталида эълон қилинган муддатларда
5-босқич	Харид комиссияси	Тендернинг (танловнинг) харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган ҳар бир лот бўйича ҳорижий етказиб берувчилар билан бирга маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифлари олинган бўлса, таклифларни баҳолаш жараёнида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан тегишли тартиб ва харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ ўн беш фоиз миқдорда нарх преференциясини қўллайдми.	Тендер (танлов) савдоси якунига кўра

## БОЗОР ҚИЙМАТИГА АСОСЛАНИНГ

**?** *Бизнинг МЧЖ балансида қолдиқ қиймати нолга тенг бўлган бино ҳисобда туради. Унинг қолдиқ қиймати нолга тенг бўлса, мол-мулк солиғи қандай тўланади?*

– Тўлиқ амортизация қилинган бино бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича унинг 3 йилда камида 1 марта аниқланадиган қайта баҳоланган (бозор) қиймати солиқ базаси ҳисобланади (СК 412-м.).

Тўлиқ амортизацияланган бино қийматини қуйидаги икки усулдан бири орқали аниқлаш мумкин:

- солиқ тўловчида мавжуд баҳолаш ташкилотининг маълумотлари бўйича (масалан, корхона кредит олган ва унда бундай баҳолаш мавжуд бўлса);

- мустақил равишда, шунга ўхшаш объектларнинг қиймати асосида – кўчмас мулк сайтлари, ОАВ,

кўчмас мулк биржаси маълумотлари бўйича.

Мустақил равишда ўтказилган баҳолаш объектнинг бозор қийматидан паст ёки юқори бўлиши мумкин. Шу боисдан солиқ тўловчи баҳоловчи ташкилотлар хизматидан фойдаланишга ҳақли.

Баҳолаш фаолиятини амалга оширишга лицензияси бўлган ташкилот томонидан ўтказилган баҳолаш солиқ тўловчининг ҳисоб-китобларидан фарқ қиладиган бўлса, солиқ тўловчи солиқ суммаси тўғрисидаги аниқлаштирилган маълумотномани тақдим этишга ҳақли бўлади (МВ ва ДСҚнинг 10.01.2020 йилдаги 06/04-01-32/59 ва 17/3-00726-сон ахборот хабарининг III бўлими 1-б.).

## САЛҚИН ИЧИМЛИКЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН СУВ

**?** *Компаниямиз алкогольсиз ичимликларни ишлаб чиқаради. Сувсоз билан шартномамиз бор. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун бир ойда тахминан 700–800 куб м ва бошқа мақсадлар (канализация, суқориш, иситиш тизими ва бошқалар) учун 200–300 куб м сув сарфланади. 2020 йилга қадар, мазкур йил ҳам ҳисобга киритилади, алкогольсиз ичимликлар ҳамда пиво ва винодан ташқари алкогольли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларида солиқ ставкалари 2 та бандда, яъни алкогольсиз ичимликлар ҳамда пиво ва винодан ташқари алкогольли маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган сув ҳажми ҳамда бошқа мақсадлар учун сарфланадиган сув ҳажми бўйича берилар эди. Тезишли равишда, ушбу иккита ставкадан келиб чиқиб биз солиқларни тўлар эдик, бироқ 2021 йил учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларида иккинчи банд (бошқа мақсадлар учун) чиқариб ташланган ва ягона ставка берилган.*


*2021 йилда бошқа мақсадлар учун сарфланадиган сув учун қайси ставкани қўллаш лозим?*

– Алкогольсиз ичимликларни ишлаб чиқарувчи корхоналар 2021 йилда бошқа мақсадлар учун фойдаланилган сув ҳажми учун солиқ тўлашда саноат корхоналари учун белгиланган ставкаларни қўллайдилар. Улар учун қуйидаги манбалардан сув олганлик учун солиқ ставкалари белгиланган:

- ер усти манбаларидан олиннадиган сув ресурслари учун – 472 сўм/куб м;

- ер ости манбаларидан олиннадиган сув ресурслари учун – 564 сўм/куб м (СК 445-м. 1-қ. 2-б.).

СКнинг 445-моддаси 1-қисми 6-бандида кўрсатилган ставкалар фақат алкогольсиз ичимликлар ҳамда пиво ва винодан ташқари алкогольли маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун фойдаланилган сув ҳажмига нисбатан қўлланилади.



## ШАРТНОМА ШАРТЛАРИГА БОҒЛИҚ

**?** *Корхона 2020 йил октябрь ойида умумибелгиланган солиқларни тўлашга ўтган. Жисмоний шахслардан иккита кўчмас мулк биносини ижарага олганмиз. Ижара қийматида бино учун ижара ҳақи ва барча коммунал хизматлар киритилган. Коммунал хизматлар алоҳида қопланмайди. Тўлов эҳсисмоний шахсларнинг пластик карточкаларига ўтказилади. Пандемия даврида ЖШДС бўйича имтиёзни қўлладик. Ижарага оид харажатлар фойда солиғи бўйича солиқ базасини ҳисоблашда чегириб ташланиши лозими ёки коммунал хизматлар учун тўлов ижарага берувчи эҳсисмоний шахснинг моддий наф тарзидаги даромади ҳисобланадими ва у чегирилмайдими?*

– Ижара тўловига солиқ солиш ва жисмоний шахсга коммунал хизматлар ҳақини тўлаш шартнома шартларига қараб амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларида солиқ солиш мақсадларида 2021 йил учун мол-мулкни ижарага берадиган жисмоний шахслар учун энг кам ижара тўлови ставкалари (25.12.2020 йилдаги ЎРҚ-657-сон Қонунга 8-илова) белгиланган. Энг юқори миқдор белгиланмаган. Ижара тўловини ижарага берувчи жисмоний шахснинг кўчмас мулкка оид барча харажатларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш ҳамда шартномада таркибий қисмларни батафсил келтирмаган ҳолда муайян суммани белгилаш мумкин. Мазкур ҳолатда бинонинг ижара ҳақи, агар мазкур харажат даромад олиш билан боғлиқ бўлса, фойда солиғи бўйича солиқ базасини ҳисоблаш чегириб ташланади (СК 305-м. 1, 2-қ.).

Қонун ҳужжатларида ижарага берувчи юридик шахсларга коммунал хизматлар қийматини қоплаш назарда тутилган, ижарага берувчи жис-

моний шахслар учун бундай тартиб белгиланмаган. Ижара шартномасида коммунал хизматлар қиймати алоҳида ажратиб кўрсатилган бўлса ва ижарага олувчи уларни ижарага берувчи жисмоний шахсга тўласа, ушбу суммалар коммунал харажатларни қоплаш деб эътироф этилади ва моддий наф тарзидаги даромад ҳисобланади. Жисмоний шахснинг моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобланган корхона харажатлари фойда солиғи бўйича солиқ базасини ҳисоблашда чегириб ташланмайди (СК 317-м. 3-б., 376-м. 1-қ. 1-б.).

Шунингдек ижарага олувчи мустақил равишда коммунал хизматлар билан шартномалар тузиши мумкин. Мазкур ҳолатда у улар хизматлари учун мустақил равишда ҳақ тўлайди, ижарага берувчига эса фақат ижара ҳақини тўлайди. Бунда мазкур харажатлар уларнинг даромад олиш билан боғлиқ бўлган тақдирда чегириб ташланади.

*Азизахон ТОШХҲАЕВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.*

*Замира ЖҲРАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.*



## ЭЪЛОН

### ЖАВОБ БЕРАМИЗ

*лойиҳаси доирасида «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти обуначилари ҳамда «Norma» дастурий маҳсулотларидан фойдаланувчилар*

**200-00-59** телефони орқали

*(шаҳарлараро қўнғироқлар учун кодлар: уяли телефондан +99871, стационар телефондан 8371) солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларига экспертларимиздан жавоб олишлари мумкин. Ҳафтанинг 5 кунни давомидо соат 10.00 дан 17.00 гача. Туник вақти соат 13.00 дан 14.00 гача.*



# СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ТАҚВИМИ

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН

## 5 ФЕВРАЛЬ

2021 йил январь ойида банклар томонидан Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига тўланган даромадлар (дивидендлар ва фоизлар тўловидан ташқари) бўйича фойда солиғини бюджетга ўтказишнинг сўнгги куни

(СК 355-м. 2-қ. 1-б.)

2021 йил январь ойида натура шаклида тўланган даромадлардан жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини тўлашнинг сўнгги куни

(СК 390-м. 2-қ.)

## 9 ФЕВРАЛЬ

айланмадан солиқ тўловчи бўлмаганлар жумласига кирадиган солиқ тўловчилар томонидан қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун 2021 йил февраль ойи учун ер солиғини йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдоридан тўлашнинг сўнгги куни<sup>1</sup>

(СК 432-м. 1-қ.)

## 10 ФЕВРАЛЬ

2021 йил январь ойи учун Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан ўзи ва инвестиция воситачилари томонидан рўйхатга олинган акцияларга доир битимлар тўғрисидаги ахборот тақдим этишнинг сўнгги куни

(СК 133-м. 12-қ.)

2021 йилнинг январь ойи учун акциз солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва тўловни тўлашнинг сўнгги куни

(СК 292, 293-м.)

мол-мулк солиғи бўйича бўнақ тўловларини айланмадан олинган солиқни тўловчилар ҳисобланмайдиган солиқ тўловчилар томонидан 2021 йил февраль ойи учун йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдоридан тўлашнинг сўнгги куни<sup>2</sup>

(СК 417-м. 6-қ.)

## 14 ФЕВРАЛЬ

2021 йил январь ойи учун ШЖБПХ реестрларини тақдим этиш ва бадалларни тўлашнинг сўнгги куни

*(Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юртиши тартиби тўғрисидаги Низомнинг 16-банди, ВМнинг 21.12.2004 йилдаги 595-сон қарорига 1-илова)*

2020 йил учун ЎЗР норезидент юридик шахслари томонидан мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни

(СК 417-м. 2-қ.)

2020 йил учун доимий муассаса орқали фаолият юритадиган норезидент юридик шахслар томонидан мол-мулк солиғини тўлашнинг сўнгги куни

(СК 417-м. 8-қ.)

## 15 ФЕВРАЛЬ

2020 йил учун йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг сўнгги куни<sup>3</sup>

*(АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Чоралик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги Низомнинг 4-б.)*

2020 йил декабрь ойи учун ЖШДС ва ижтимоий солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш<sup>3</sup> ва солиқларни тўлашнинг сўнгги куни<sup>4</sup>


(СК 389-м. 1-қ. 2-б.; 390-м.; 407-м. 4 ва 5-қ.; 942-сон Низомнинг 4-б.)

2021 йил январь ойи учун ЖШДС ва ижтимоий солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқларни тўлашнинг сўнгги куни

(СК 389-м. 1-қ. 2-б.; 390-м.; 407-м. 4 ва 5-қ.)

2021 йил февраль ойи учун қатъий миқдорда белгиланган ЖШДС-ни тўлашнинг сўнгги куни. Бундай солиқ тўловчилар қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлашни улар тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ёки яқка тартибдаги тадбиркор

## 2021 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ



Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28

## 15 ФЕВРАЛЬ

ёхуд оилавий тадбиркорлик субъекти билан меҳнат шартномаси тузилган ойдан кейинги ойдан эътиборан амалга оширилади

(СК 392-м. 1 ва 2-қ.)

2020 йил учун мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини тақдим этиш<sup>5</sup> ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни<sup>6</sup>

(СК 417-м. 2 ва 8-қ.; 942-сон Низомнинг 4-б.)

2020 йил учун ЎЗРда фаолиятни доимий муассасалар орқали амалга оширмайдиган норезидент юридик шахслар томонидан мол-мулк солиғини тўлашнинг сўнгги куни

(СК 417-м. 10-қ.)

2020 йил учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китобини тақдим этиш<sup>3</sup> ва тўлашнинг сўнгги куни<sup>6</sup>

(СК 447-м. 3-қ., 448-м. 5 ва 7-қ.; 942-сон Низомнинг 4-б.)

2020 йил декабрь учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китобини тақдим этиш<sup>3</sup> ва тўлашнинг сўнгги куни

(СК 454-м. 3 ва 4-қ.; 942-сон Низомнинг 4-б.)

2020 йилнинг IV чораги учун айланмадан олинган солиқ ҳисоб-китобини тақдим этиш<sup>3</sup> ва тўлашнинг сўнгги куни

(СК 470-м. 3 ва 4-қ.; 942-сон Низомнинг 4-б.)

## 20 ФЕВРАЛЬ<sup>10</sup>

2021 йил январь ойи учун чет эллик шахслардан олинган товарлар (хизматлар) бўйича ҚҚС ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни. Бунда Ҳисоб-китоб ортиб бормайдиган якун билан, айнан 2021 йил январь ойи учун кўрсаткичлар асосида тўлдирилади<sup>7</sup>

(СК 259-м., 273-м., 1, 2-қ.)

2021 йил январь ойи учун ҚҚС бўйича ҳисоботни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни

(СК 273-м. 1, 2 ва 4-қ.)

2021 йил январь ойи учун солиқ агентлари томонидан дивидендлар ва фоизлардан олинган солиқ суммаси бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этишнинг сўнгги куни. Бунда солиқ суммаси дивидендлар ва фоизлар тўланган кундан кечиктирмай бюджетга тўланади

(СК 345-м. 5 ва 6-қ.)

2021 йил январь ойи учун солиқ агентлари томонидан норезидентларнинг даромадларидан олинган солиқ суммалари бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг сўнгги куни. Бунда солиқ суммаси норезидентга даромадлар тўланган куннинг кейинги кунидан кечиктирмай бюджетга тўланади

(СК 355-м. 1 ва 2-қ.)

2021 йил февраль ойи учун солиқ даврида солиқ суммаси БҲМнинг 200 бараваридан кўпроқни ташкил этадиган айланмадан олинган солиқни тўламайдиган юридик шахслар томонидан йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдоридан тўлашнинг сўнгги куни<sup>8</sup>

(СК 448-м. 3-қ.)



20 ФЕВРАЛЬ<sup>10</sup>

2021 йил январь ойи учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни

(СК 454-м. 3 ва 4-қ.)

## 23 ФЕВРАЛЬ

2021 йил февраль ойи учун жами даромади жорий солиқ даврдан олдинги солиқ даври учун киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 5 млрд сўмдан ошадиган солиқ тўловчилар томонидан фойда солиғи бўйича ойлик бўнақ тўловларини тўлашнинг сўнгги куни<sup>9</sup>

(СК 340-м. 2, 7 ва 8-қ.)

## 25 ФЕВРАЛЬ

2021 йил январь ойи учун меҳнатда шикастланиш ёки касб касалликлари оқибатида тайинланган пенсиялар тўлови бўйича харажатларни қоплаш учун маблағларни тўлашнинг сўнгги куни

(Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўлашнинг ҳамда ташиқлотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-банди, АВ рўйхат рақами 2836, 3.11.2016 й.)

<sup>1</sup>Айланмадан олинмаган солиқни тўловчилар томонидан қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи бўйича бўнақ тўловлари ҳар чоракнинг биринчи ойи 10-санасидан кечиктирмай йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдорда тўланади.

<sup>2</sup>Айланмадан олинмаган солиқни тўловчилар томонидан мол-мулк солиғи бўйича бўнақ тўловлари йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдорда йилнинг ҳар чораги учинчи ойининг 10-кунидан кечиктирмай тўланади.

<sup>3</sup>Қўйидагилар бундан мустасно:

- йиллик ҳисоботни ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15 мартдан кечиктирмай тақдим этадиган вазирлик ва идоралар, ассоциациялар, концернлар ва давлат мулкни бошқарадиган бошқа корхоналар;
- молиявий ҳисоботни йилда бир марта, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартдан кечиктирмай тақдим этадиган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналари ва чет эл фирмаларининг ваколатхоналари;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни йилда бир марта, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартдан кечиктирмай тақдим этадиган юридик шахс мақомига эга бюджет ташиқлотлари.

<sup>4</sup>Ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартга қадар ЖШДС ва ижтимоий солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этадиган ва солиқларни тўлайдиган фаолиятини доимий муассасалар орқали амалга оширадиган ЎзР нерезидентлари бундан мустасно.

<sup>5</sup>Ҳисобот солиқ даврдан кейинги йилнинг 15 февралдан кечиктирмай мол-мулк солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этадиган ва солиқни тўлайдиган фаолиятини доимий муассасалар орқали амалга оширадиган Ўзбекистон нерезидентлари бундан мустасно.

<sup>6</sup>Қўйидагилар бундан мустасно:

- жорий солиқ даврининг 15 декабригача ҳисоб-китобни тақдим этадиган ва солиқни тўлайдиган қишлоқ хўжалиги корхоналари;
- солиқ даврдан кейинги йилнинг 20 январигача Ҳисоб-китобни тақдим этадиган ва солиқни тўлайдиган фаолиятини доимий муассасалар орқали амалга оширадиган нерезидентлар, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар;
- солиқни йилда бир марта, солиқ даврдан кейинги йилнинг 1 майгача тўлайдиган деҳқон хўжаликлари.

<sup>7</sup>ҚҚС тўловчилар бўлмаган солиқ агентлари ўзи солиқ ҳисобиди турган жойдаги солиқ органларига солиқ тўлаш амалга оширилган ўтган солиқ даврдан кейинги ойнинг 20-кунидан кечиктирмай тақдим этади.

<sup>8</sup>Солиқ даврида солиқ суммаси БҲМнинг 200 бараваридан камроқни ташиқил этадиган, айланмадан олинмаган солиқни тўловчилар бўлмаган юридик шахслар, шунингдек айланмадан олинмаган солиқни тўловчилар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бўнақ тўловларини ҳар чоракнинг учинчи ойи 20-санасидан кечиктирмай йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдорда тўлайдилар.

<sup>9</sup>Солиқ кодексининг 340-моддаси 3-6-қисмларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ҳар ойлик бўнақ тўловининг суммаси манфий ёки нолга тенг бўлса, кўрсатилган тўловлар тегишли чоракда амалга оширилмайд.

Солиқ тўловчилар, шу жумладан янгидан ташиқил этилган, жами даромади жорий ҳисобот даври мобайнида 5 млрд сўмдан ошган солиқ тўловчилар ҳар ойлик бўнақ тўловларини бундай ошиб кетиши содир бўлган тўлиқ чорак ўтганидан кейин тўлайди.

<sup>10</sup>Муддатнинг сўнги куни дам олиши (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, муддатнинг тугаши куни бўлиб ундан кейин келувчи биринчи иш куни ҳисобланади.



Солиқ тўловчининг тақвими – «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси ва «Norma» МЧЖ экспертларининг муаллифлик ишланмасидир. Унинг бошқа ОАВларда қайтадан чоп этилиши ва электрон маълумотлар базаларида жойлаштирилишига «Norma» МЧЖ билан тузилган шартнома асосидагина йўл қўйилади.



## ОНЛАЙН-НКМни ҚЎЛЛАШ

**?** Корхона онлайн-НКМдан фойдалана бошлади. У онлайн-НКМдан фойдаланишида қирим ва чиқим касса ордерларини, касса дафтариини расмийлаштириши лозимми?

– Онлайн-НКМ тушум онлайн-режимда келиб тушишини акс эттиради. Тадбиркорлик субъектлари онлайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтган тақдирда:

- уларга нисбатан амалдаги фискал хотирага эга бўлган НКМни ишлатиш;
- кассир-операциячи томонидан назорат-касса дафтариини юритиш;
- иш куни охирида ҳар бир НКМ бўйича кунлик ҳисоботни (z-ҳисоботларни) чиқариб олиш мажбуриятлари бекор қилинади (6.09.2019 йилдаги ПФ-5813-сон Фармоннинг 3-б. «а» кичик банди).

Ушбу хатти-ҳаракатларга зарурат бўлмайд.

Бироқ корхоналарда иш куни охи-

рида кассир-операциячидан нақд пулларни қирим қилиш, инкассаторларга нақд пулни топшириш, банкдан нақд пул олиш, корхона ходимларига ишга хақи бериш ва бошқалар бўйича касса операциялари юритилади. Бунда корхона қирим ва чиқим касса ордерларини расмийлаштиришда, шунингдек касса дафтариини юритишда давом этади. Бухгалтерия ҳисоби махсус дастурлардан (1С, 1UZ) фойдаланган ҳолда юритиладиган бўлса, ушбу ҳужжатлар қозғога чиқарилиши, белгиланган тартибда имзоланиши, йиғмажилдга тикиб қўйилиши керак.

Азизахон ТОШХҲЖАЕВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

## БАЛАНСДАН ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ ОПЕРАЦИЯСИ

**?** Қиймати 1 млрд сўм бўлган биномиз 2019 йилда унинг ўрнига қийматига тенг миқдорда бошқа мол-мулк берилиши шарти билан давлатга ўтказилган. Корхона 2020 йилда қиймати 500 млн сўм бўлган мол-мулкни олган. Қолган қисми пул кўринишида берилиши ҳақида битим тузилган. Бироқ 2021 йилда пул маблағлари ўрнига қиймати 501 млн сўм бўлган мол-мулк берилган ҳамда корхона 1 млн сўм тўлаши ҳақида битим тузилган.

Давлатга мол-мулк ўтказилиши (чиқиб кетиши), давлатнинг бизнинг олдимиздаги қарзи, давлат томонидан янги мол-мулк берилиши, 500 млн сўм ва 501 млн сўм ўртасидаги фарқ қандай бухгалтерия проводкалари билан акс эттирилади?

– Асосий воситаларни уларнинг қийматига тенг бўлган мол-мулкни олиш шарти билан давлат ҳисобига ўтказишга АВ қийматини уларни айирбошлаш натижасида корхона балансидан ҳисобдан чиқариш операцияси сифатида қаралади (АВ томонидан 29.08.2004 йилда 1401-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 4-§; АВ томонидан 20.01.2004 йилда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган 5-сон БҲМСнинг 8-б. «д» кичик б.).

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда айирбошлаш йўли билан олинган АВ объектнинг бошланғич қиймати берилган объектнинг қолдиқ қийматига тенг бўлган суммада акс эттирилади. АВ қўшимча тўлов билан айирбошланган ҳолатларда алмаштириш йўли билан олинган объектнинг бошланғич қиймати

берилган асосий воситаларнинг айирбошлашда ўтказилган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммасига оширилган (камайтирилган) қолдиқ қийматига тенг бўлади (Низомнинг 30-б., 5-сон БҲМСнинг 18-б.).

Бинони ҳисобдан чиқариш ва янги қирим қилиш бўйича проводкалар Низомнинг 31-бандида қайд этилган. Бунда сизнинг мисолингизда кўрсатилган 1 млн сўм корхонанинг кредиторлик қарзи бўлади, уни 6990-«Бошқа мажбуриятлар» счётининг кредити бўйича акс эттириш лозим. Ушбу суммани тўлашда кредиторлик қарзи сўндирилади.

Замира ЖҲРАЕВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.



МАЪНАВИЯТ ДАРСЛАРИ

# Навоий – Миллатимиз Фахри

Бу йил буюк мутафаккир шоир, ўзбек адабий тилининг асосчиси бўлмиш Алишер Навоий бобомизнинг 580 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланади. Муҳим сана муносабати билан катта тадбирлар ўтказиш тўғрисида Президентимизнинг 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон қарори эълон қилинган. Қарорда юбилей арафасида мамлакатимиз бўйлаб кўплаб тадбирлар ўтказилиши қайд этилган.



лаштириш учун кўплаб ишлар олиб борилган. Юртимиздаги бир вилоят ва унинг маркази бўлган шаҳар Навоий номи билан аталади. Пойтахтимиздаги марказий кутубхона ва метронинг бир станцияси шоир номига қўйилган. Нафақат Тошкентдаги Миллий боғда, балки барча вилоятлар марказида ва ҳатто чет эллардаги пойтахт шаҳарларда ҳам унинг ҳайкали қад ростлаб турибди. Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилгани, олийгоҳларда Навоий номи стипендия ташкил этилгани, шоир қахрамонларининг номлари билан вилоятимиздаги ГЭСлардан бири «Фарход», шаҳарлардан бири «Ширин» деб аталиши миллатимиз фахри бўлган буюк алломага хурматнинг белгисидир.

Мақтабларда ва бошқа ўқув юрларида Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти, ўлмас ижодидан намуналар алоҳида эътибор ва қизиқиш билан ўрганилмокда.

*Сирдарё вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати.*



Божхона органлари сифати кафолатланмаган товар-моддий бойликларнинг божхона чегаралари орқали олиб ўтилиши олдини олишда сергакликни қўлдан бой бераётганлари йўқ.


## Велосипедни «кашф этолмади»

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлими ходимлари «Тошкент-товар» божхона пости ходимлари билан ҳамкорликда «Чуқурсой техник-идора» темир йўл чегара божхона пости орқали Кўкон шаҳрида фаолият юритувчи МЧЖ номига келтирилган юк контейнерини белгиланган тартибда божхона назоратидан ўтказишди.

Натижада йўл-юк кузатув хужжатларида кўрсатилганидан ортиқча бўлган оғирлиги ярим тоннани ташкил этувчи салкам 316 млн сўмлик велосипед шиналари борлиги аниқланди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мазкур товарларга 121 млн сўмдан ортиқ кўшимча божхона тўловлари ҳисобланди.

## 50,4 млн сўмлик дори ноқонуний айланмадан чиқарилди

Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Тошкент вилояти бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда Ўртачирчик туманида тезкор тадбир ўтказишди.



Тадбир давомида йўл ёқасида фуқаро З.Б. ўз бошқарувидаги «Эпика» автотранспорт воситасига ортилган, ҳеч қандай хужжатлари бўлмаган, хорижда ишлаб чиқарилган 50,4 млн сўмлик 577 қути «Флуимуцил 100 мг» ва 50 қути «Heparin Injection IP 5000 IU 5 мл» номли дори воситаларини шартли харидорга сотган вақтида ашёвий далиллар билан қўлга олинди. Энг муҳими – сифати шубҳали бўлган дорилар истеъмолчига етиб бормади.

## Дори ҳам эмас, дармон ҳам!

Инсон саломатлиги билан боғлиқ бўлган яна бир ҳолат: Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлими ходимлари «Қорақалпоғистон» темир йўл станциясида йўловчи поезднинг вагонини божхона кўригидан ўтказишди. Шунда хорижий мамлакатдан кириб келган фуқаро С.Б.да божхона ходимининг оғзаки сўровида айтилмаган ва йўловчи божхона декларациясида кўрсатилмаган, ҳеч қандай хужжатларга эга бўлмаган, сифати ҳам кафолатланмаган, оғзаки сў-

ровга кўра қиймати 12,1 млн сўмлик 33 дона «Nutrilite» номли биоактив кўшимчалар борлиги аниқланди.

## Товарларни тўғри таснифланг

Божхона органлари ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан божхона тўловларининг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиб борадилар. Бу йўналишда божхоначилар замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан ҳам кенг фойдаланадилар.



Товарларнинг тўғри таснифланганлигини текшириш ва товарларни таснифлаш коди тўғрисида нотўғри маълумотларни маълум қилиш билан боғлиқ қондабузарликларни аниқлаш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмокда. Хоразм вилояти божхона бошқармаси Коррупцияга қарши курашиш ва ўз хавфсизлик, Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлими ҳамда ТИФда нотариф тартибга солишни назорат қилиш ва божхона экспертизаси гуруҳи томонидан товарларнинг ТИФ ТН кодлари тўғри белгиланиши юзасидан ўтказилган текширувлар натижасида ҳамда берилган эксперт хулосасига асосан божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис С.А. томонидан тақдим этилган «Эркин муомалага чиқариш» божхона режимида расмийлаштирилган «Dongben» маркали 40 дона янги уч гилдиракли мотоцикл транспорт воситаларининг ТИФ ТН коди нотўғри таснифланганлиги аниқланди ва 198 млн сўмдан ортиқ кўшимча божхона тўловлари ҳисобланди.

## Техника бўлсин – хужжати бўлсин

Наманган вилояти божхона бошқармаси ходимлари ҳам ДХХ чегара кўшинлари ҳарбий хизматчилари билан ҳамкорликда Янгиқўрғон туманида тезкор тадбир ўтказишди. Тадбир давомида фуқаро Х.Ж. бошқарувидаги «Дамас» автомашинаси тўхтатилиб белгиланган тартибда кўздан кечирилганда унда тегишли хужжатлари бўлмаган, хорижда ишлаб чиқарилган умумий қиймати 20 млн сўмлик 5 дона кондиционер борлиги аниқланди.

Ҳозирда юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари бошлаб юборилган.

*ДБК Ахборот хизмати тақдим этган материаллар асосида тайёрланди.*

<p><b>СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ</b></p> <p>Мотивий-иқтисодий, ахборот-хуқуқий газета</p> <p><b>ТАЪСИСЧИ</b> «Norma» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир <b>Фарҳод Собирович ҚҮРБОНБОЕВ</b></p>	<p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб <b>Нодир Носирович АЛИМОВ</b></p> <p>Саҳифаловчи <b>Наталья БАРАНОВА</b></p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1 ТЕЛЕФОН/ФАКС Таҳририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p>
---	--	--	---	---